

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Болаларни мактабга тайёрлаш модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

**Мактабгача таълим муассасалари
тарбиячилари**

**Олий таълим муассасаларини
нопедагогик йўналишларини
битирган мутахассислар**

Тошкент-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА
ТАЙЁРЛАШ
модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 27 январдаги 29-к/қ, 8-к/қ сонли қўшма қарори билан тасдиқланган ўқув режа асосида тайёрланди.

Тузувчи: **Қаюмова Н.М.** -- Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Мактабгача таълим методикаси» кафедраси доцент в.б.

Хасанова Ш.Т. - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Мактабгача таълим методикаси» кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар: **Мухсиева А.С.** - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Умумий педагогика» кафедраси доценти.

Нуриддинова М.М. - Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Замонавий педагогик технологияларни жорий этиш ва норматив методик таъминлаш бўлими бошлиғи.

Қайта тайёрлаш курсининг ўқув-услубий мажмуаси Низомий номидаги ТДПУ Кенгашининг 2018 йил 30 мартдаги 8/1.1- сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

М У Н Д А Р И Ж А

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	5
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР.....	15
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	32
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	91
V.	КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	112
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	122
VII.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	128
VIII.	ГЛОССАРИЙ.....	131
IX	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	135

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли қарори (29.12.2016 й.), «Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сонли қарори (15.09.2017й), «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори (09.09.2017 й.), «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3305-сонли қарори (30.09.2017 й.), «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5198-сонли Фармони (30.09.2017 й.) қабул қилинди.

Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш; мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш имкониятини яратади.

Таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларининг сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда педагог ходимларини касбий қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш учун назарий ва методик билимларни эгаллаши ғоят муҳимдир.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ишни ташкил этиш ва ўтказиш методикасини тингловчилар «Болаларни мактабга тайёрлаш» модулини ўзлаштириш орқали эгаллаб борадилар.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси касбий қайта тайёрлаш курси тингловчиларининг болаларни мактабга тайёрлаш бўйича касбий билим ва кўникмаларини Давлат талаблари асосида чуқурлаштириш, янгилаш ва таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш компетенцияларини ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ишни ташкил этиш учун зарур бўлган методологик билимларни шакллантириш ва кўникмаларни таркиб топтириш;
- таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган методлардан фойдаланиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва компетенцияларини ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлашга оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларни;
- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлашнинг асосий тараққиёт йўналишлари;
- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлаш соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;
- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлашнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини *билиши* ;
- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида болаларнинг maktab ta'limiga umumiy va maxsus tayyorgarligiga қаратилган дидактик воситаларини ишлаб чиқиш *кўникмаларига*;
- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлаш бўйича иш шакллари ташкил этиш ва уларни ўтказиш;
- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлаш учун дидактик таъминотни такомиллаштириш каби *малакаларга*;
- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлашда инновацион технологиялар, болалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;
- мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, метод ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Болаларни мактабга тайёрлаш модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг қуйидаги замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилади:

- назарий дарсларда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик материаллар;

- амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усуллари назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа блоклар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модулнинг мазмуни ўқув режадаги «Мактабгача педагогика», «Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари», «Мактабгача ёшдаги болалар физиологияси ва гигиенаси» ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тарбиячиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул «Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари», «Умумкасбий тайёргарлик» блокларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини болаларни мактабга тайёрлашда илғор тажрибалар ҳамда инновациялар модулига татбиқ этиш имкониятлари очиқ берилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларда мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ишни ташкил этиш учун зарур бўлган методологик билимларни шакллантириш, кўникмаларни таркиб топтириш, амалда қўллаш ва шу орқали таълим самарадорлигини таъминлаш.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Фан мавзулари	Ҳаммаси	Жумладан			Мустақил таълим
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	
1.	Мактабгача таълим муассасасида болаларни мактабга тайёрлаш мазмуни	6	2	2		2
2.	Болаларнинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислаш усуллари	4	2	2		
3.	Болаларни мактабга тайёрлашда ўйин фаолиятининг моҳияти	6	4	2		
4.	Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда МТМ, оила ва ва мактабнинг ҳамкорлиги	6	2	2		2
5.	Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш	4	2	4		
6.	Болаларнинг мактабтаълими тайёрлашда нутқини ривожлантириш ва саводга ўргатиш	6	2	4		
7.	Болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлигининг ақлий ривожлантиришнинг аҳамияти	8	2	4		2
8.	Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижтимоий - психологик тайёргарлиги	6	2	4		
9.	Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижодкорлигини ривожлан тириш	10	2	4	4	
10.	Жами:	58	20	28	4	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-Мавзу: Мактабгача таълим муассасасида болаларни мактабга тайёрлаш мазмуни (2 соат)

Болаларни мактаб таълимига тайёргарлиги. Боланинг мактабга психологик тайёрлиги. Умумий тайёргарлик. Болани мактабда ўқишига ахлокий-иродавий тайёргарлик. Болани мактабда ўқишига ақлий тайёргарлик. Бола мактабда ўқишига жисмоний тайёргарлиги. Болаларни мактаб таълимига ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари. Жисмоний ривожланганлик даражаси; Нутқ ва тафаккури ривожланганлик даражаси. Маънавий маданий етуклик. Интеллектуал (ақлий) тайёргарлик. Шахсий ва ижтимоий психологик тайёргарлик. Болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.

2-Мавзу: Болаларнинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислаш усуллари (2 соат)

Болаларнинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислаш усулларида соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги ҳолати ташхиси. Шахсий – психологик ва ақлий ривожланганлик ташхиси. Таълим олиш фаолиятининг кўникма ва илк заминини аниқлаш ташхиси. Текширишнинг кушимча шакллари. Болани мактабга тайёрлашнинг усуллари. Болани мактабга тайёрлашда шифокор текширувидан ўтказиш.

3-Мавзу: Болаларни мактабга тайёрлашда ўйин фаолиятининг моҳияти (2 соат)

Ўйин шахснинг тарбиялаш, ривожлантириш, унга таълим бериш хусусиятларига эга. Мавжуд хусусиятлари туфайли ўйинлар қадим-қадимдан халқ педагогикасининг муҳим асосларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўйин мактабгача таълим ёшидаги болалар фаолиятининг асосий шакли саналади. У орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатнинг қай даражада шаклланишини белгилаб беради. Ўйин болаларнинг жисмоний ривожланиши, МТМнинг таълим-тарбия ишида, болаларни ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда катта ўрин тутаяди.

4-Мавзу: Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда МТМ, оила ва мактабнинг ҳамкорлиги (2 соат)

Мактабгача таълим муассасасини турлари. Мактабгача таълимнинг шакли. Мактабгача ва бошланғич таълим ўртасидаги узвийлик. Мактабгача таълим муассасасида фаолият турлари орқали болаларни мактабга тайёрлаш. Болаларда математик тасаввурларни шакллантириш. Болани мактабга тайёрлашда оилани ўрни. Мактабгача таълим муассасаларида болани мактабга тайёрлаш

Мактабгача таълим муассасаларининг оила билан ишлаш тизими. Мактабгача таълим муассасаси ва мактабнинг ҳамкорлиги. Болалар боғчаси ва оиланинг ҳамкорлиги. Болалар боғчаси ва мактаб дастурларининг алоқаси. Ўқитиш методи ва шаклларидаги изчиллик. МТМнинг оила билан ишлаш шакллари.

5-Мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш (2 соат)

Мактабга етукликни аниқлашда бола соғлигининг ҳолати ва организмнинг биологик етуклигини баҳолаш (антропометрик кўрсаткичлар суяк, мушак, нафас олиш ва юрак-томир тизимининг) ривожланганлигини назарда тутувчи кўп омилли таҳлилдан, мактабга функционал тайёрликни «Мактабга етуклик»ни асосий кўрсаткичи ва энг аввало бир катор физиологик функцияларининг ривожланиш даражасини баҳолашдан фойдаланилади.

Буларга: партада анчагина ўзок муддат ўтириш учун зарур бўладиган тормизланиш кобилиятининг ривожланганлиги; ҳаракатларни яхши бошқариш, жумладан ёзиш ва расм солишга алоқадор график вазифаларни бажаришда зарур бўладиган бармоқларнинг майда ҳаракатлари; ижобий ва тормозланишига ҳос шартли алоқаларни нисбатан тез ҳосил қилиш ҳамда мустаҳкамлаш, шунингдек иккинчи сигнал системанинг етарлича ривожланганлигига таъликлидир.

6-Мавзу: Болаларнинг мактабтаълими тайёрлашда нутқини ривожлантириш ва саводга ўргатиш (2 соат)

Болаларнинг ақлий жараёнини ривожлантириш учун уларнинг нутқини ўстириш зарур: Бола ҳар бир сўз маносини тушуна олиши уни ўз нутқида эркин ифодалашга мувофиқ бўлиши керак. Тушунчалар тизимига мослашган бола ўз фикрини жамлаб гапиришга ва ифодалаб беришга ўрганади.

Мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири болаларнинг ўз халқининг бадиий тилини ўзлаштириб олишлари натижасида уларнинг тўғри оғзаки нутқини шакллантиришдан иборатдир. Бу умумий вазифа қуйидаги махсус вазифалардан иборат: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, луғатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш, оғзаки (диалогик) нутқни шакллантириш, равон нутқни ривожлантириш, бадиий сўзга қизиқишни тарбиялаш, савод ўргатишга тайёрлаш.

7-Мавзу: Болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлигининг ақлий ривожлантиришнинг аҳамияти (2 соат)

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли. Болаларни билимларни эгаллаб олишлари уларни ақлий фаоллигини ривожлантириш, ақлий малака ва кўникма эгаллаб олишлари, уларнинг мактабда муваффақиятли ўқишлари учун бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрланишда манба бўлиб хизмат қилади. Болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тарбиянинг ўрни катта. Билимлар захирасини кенгайтириш, ақлий фаолликни ва мустақилликни ривожлантириш, мактабда яхши ўқиш, кейинги меҳнат фаолиятига тайёрланишнинг муҳим шартидир.

8-Мавзу: Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижтимоий - психологик тайёргарлиги (2 соат)

Болалар психологиясида тадқиқот методлари билан танишиш тарбиячилар ва педагоглар учун амалий аҳамиятга эгадир. Бу методлардан таълим – тарбия ишларида болаларнинг психик процессларини тараққиётини билиб олиш учун, шунингдек болалар билан индивидуал муносабатда бўлишда, уларнинг индивидуал – психологик хусусиятларини билиб олишда кенг фойдаланилади. «Агар педагогика одамни хар жихатдан тарбияламокчи бўлса, у олдин уша одамни хар жихатдан билиб олиши керак» - деб ёзган эди. К.Д.Ушинский.

Шунинг учун таълим – тарбиявий ишларни туғри ташкил қилиш учун бу методлар билан таниш бўлиш лозим.

9-Мавзу: Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижодкорлигини ривожлан тириш (2 соат)

Мактабгача таълим муассасасида Ижодий фаолият машғулоти хилма-хилдир, расм, мазмунли декоратив ва лой аппликация машғулоти. Мактабгача таълим муассасасида машғулоти хаммасига катта аҳамият берилди.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1- Мавзу: Мактабгача таълим муассасасида болаларни мактабга тайёрлаш мазмуни (2 соат)

Болани мактабда ўқишига ахлокий-иродавий тайёргарлик. Болани мактабда ўқишига ақлий тайёргарлик. Бола мактабда ўқишига жисмоний тайёргарлиги. Болаларни мактаб таълимига ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари.

2- Мавзу: Болаларнинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислаш усуллари (2 соат)

Таълим олиш фаолиятининг кўникма ва илк заминини аниқлаш ташхиси. Текширишнинг кушимча шакллари. Болани мактабга тайёрлашнинг усуллари. Болани мактабга тайёрлашда шифокор текширувидан ўтказиш. Психологик – педагогик кузатув.

3- Мавзу: Болаларни мактабга тайёрлашда ўйин фаолиятининг моҳияти (2 соат)

Ўйин мактабгача таълим ёшидаги болалар фаолиятининг асосий шакли саналади. У орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатнинг қай даражада шаклланишини белгилаб беради. Ўйин болаларнинг жисмоний ривожланиши, МТМнинг таълим-тарбия ишида, болаларни ақлий, ахлокий, меҳнат ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда катта ўрин тутди.

4- Мавзу: Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда МТМ, оила ва мактабнинг хамкорлиги (2 соат)

Мактабгача таълим муассасаларининг оила билан ишлаш тизими. Мактабгача таълим муассасаси ва мактабнинг хамкорлиги. Болалар боғчаси ва оиланинг хамкорлиги. Болалар боғчаси ва мактаб дастурларининг алоқаси.

Ўқитиш методи ва шаклларидаги изчиллик. МТМнинг оила билан ишлаш шакллари.

5- Мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш (4 соат)

Мактабга чиқиш муносабати билан бола турмуш тарзининг кайта қурилиши, кун тартибининг ўзгариши, жиддий ўқув меҳнати, дарсларнинг давомийлиги ундан сезиларли жисмоний зўр беришни талаб қилади.

6- Мавзу: Болаларнинг мактабтаълими тайёрлашда нутқини ривожлантириш ва саводга ургатиш (4 соат)

Болалар нутқини ривожлантиришни тегишли дастур асосида амалга ошириш зарур. Ушбу дастурда атроф-олам ҳақидаги билимлар доираси ва луғат ҳажми, ҳар бир ёш босқичида болаларда шаклланиши лозим бўлган нутқий маҳорат ва кўникмалар белгиланган бўлиб, у шахснинг муайян сифатларини (киришимлилик, хушмуомалалик, босиқлик) тарбиялашни кўзда тутиши лозим.

7- Мавзу: Болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлигининг ақлий ривожлантиришнинг аҳамияти (4 соат)

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг руҳият, шахсий қобилиятлари, интилиш ва эҳтиёжларини қондириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга, мустақиллик ғояларига содиқ ҳолда вояга етиб боришни таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлашдан иборат.

8- Мавзу: Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижтимоий-психологик тайёргарлиги (4 соат)

Болалар психологиясида тадқиқот методлари билан танишиш тарбиячилар ва педагоглар учун амалий аҳамиятга эгадир. Бу методлардан таълим – тарбия ишларида болаларнинг психик процессларини тараққиётини билиб олиш учун, шунингдек болалар билан индивидуал муносабатда бўлишда, уларнинг индивидуал – психологик хусусиятларини билиб олишда кенг фойдаланилади. «Агар педагогика одамни ҳар жиҳатдан тарбияламокчи бўлса, у олдин уша одамни ҳар жиҳатдан билиб олиши керак» - деб ёзган эди. К.Д.Ушинский. Шунинг учун таълим – тарбиявий ишларни туғри ташкил қилиш учун бу методлар билан таниш бўлиш лозим.

9- Мавзу: Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижодкорлигини ривожлан тириш (4 соат)

Мактабгача таълим муассасаси машғулотида тарбияланувчида расм, аппликация, лой ишлари жараёнида болаларда фикр юритиш қолиятларини шакллантириш.

КЎЧМА МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Кўчма машғулот мавзуси: Болаларни мактабга тайёрлашнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш (6 соат).

Болаларни мактабга тайёрлашнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий машғулот ўтишнинг метод ва усуллари, ишланмаларидан фойдаланиш. Мутахассислик модулларидан очик машғулотларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш. Очик, кўргазмали, намунавий машғулотлар ва уларга қўйилган талаблар асосида таҳлил қилиш.

Кўчма машғулот талаб даражасидаги илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-педагоглар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари ва бошқа муассасаларда ҳамда мактабгача таълим муассасаларида кўчма машғулот (очик машғулотлар) тарзида ўтказилади. Ўтказилган машғулотни тегшли мезонлар асосида таҳлил қилиш орқали тарбиячиларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиши ташиқил этилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида мустақил иш бажарилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маъруза машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (таълим соҳасидаги ислохотлар бўйича таклиф бериш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (мактабгача таълим тизимида ҳуқуқий таълим-тарбияни амалга оширишнинг асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

«БАҲС-МУНОЗАРА» МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методи саналади.

Ушбу метод ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда қўлланилади. Таълим берувчи «Баҳс-мунозара»ни бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки ўзи олиб бориши мумкин. Бунда «Баҳс-мунозара»ни эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш талаб қилинади. Ушбу метод қўлланилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низолар дарҳол бартараф этилиши лозим.

«Баҳс-мунозара» методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- «ўнг қўл» қоидасига (қўлини кўтариб, рухсат олгандан сўнг сўзлаш) риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида «Баҳс-мунозара» методини ўтказиш тузилмаси берилган. Баҳс-мунозара» методининг тузилмаси.



«Баҳс-мунозара» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради учун таълим олувчилардан бирини котиб сифатида тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

«ВЕНН» диаграммаси методи

Методнинг мақсади. Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқини) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

«Танишув» тренинги

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг бир бири билан яқиндан таништириш, назорат қилиш, текширишга йўналтирилган. Мазкур тренинг орқали таълим олувчиларнинг муносабати, жамоада ишлаши, маҳорати, ақл-идроки, билими бўйича ташхис қилинади.

Методни амалга ошириш тартиби:

«Танишув» тренинги дарснинг бошида янги гуруҳ ташкил этилганда ўтказиш тавсия этилади. Шунингдек, педагогнинг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, кўшимча топшириқлар ёки саволларни киритиш мумкин.

Намуна:


1. Сиз ким ва нима учун бу ерга тўпландингиз?
2. Сизнинг мақсадингиз!
3. Ким билан ҳамкорлик қиласиз?
4. Кимга ғамхўрлик қиласиз?
5. Сизнинг кучсиз томонларингиз!
6. Сизнинг кучли томонларингиз!
7. Педагогик технология ҳақидаги тушунчангиз?
8. Инновацияга таъриф беринг?
9. Фан хақидаги фикрингиз!

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методи

Таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида «Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг тузилмаси келтирилган.



Кичик гуруҳларда ишлаш методининг тузилмаси

Кичик гуруҳларда ишлаш методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

«Тушунчалар таҳлили» методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қодалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна:

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот

«SWOT-таҳлил» методи

Методнинг мақсади. Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength) – кучли томонлари.

W – (weakness) – заиф, кучсиз томонлари.

O – (opportunitu) – имкониятлари.

T – (tnreat) – тўсиқлар .

«Концептуал жадвал» методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади:



Тингловчилар эътиборига қуйидаги намунани тавсия этиш мумкин:

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат			
2-жиҳат			
...			

«Хулосалаш» методи

Методнинг мақсади. Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва, айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.


Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммонинг таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни беради;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;
- навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

«Муаммоли вазият» методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган метод.

«Муаммоли вазият» методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда, ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи

кўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида «Муаммоли вазият» методининг тузилмаси келтирилган.



«Муаммоли вазият» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ такдимот қилади. Барча такдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини такдимот қиладилар. Такдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.


8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

Жадвални тўлдилинг

Савол	Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этиш йўллари ва воситалари
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

«Давра суҳбати» методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



«Давра суҳбати» методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан «кўз алоқаси»ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча

диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида «Давра суҳбати» методининг тузилмаси келтирилган

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва «Жавоб варақаси»нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини «Жавоблар варақаси»нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

«Давра суҳбати» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
 2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
 3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан «Жавоблар варақалари»ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва «Жавоблар варақалари»га ўз исми-шарифини ёзади.
 4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва «Жавоблар варақаси»га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
 5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
 6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга «Жавоблар варақалари»дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
 7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги «Жавоблар варақалари»ни баҳолайди.
 8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.
- Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

«Баҳс-мунозара» методи.

Бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

«Баҳс-мунозара» методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- «ўнг қўл» қоидаси (қўлини кўтариб, рухсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида «Баҳс-мунозара» методини ўтказиш тузилмаси берилган.



«Баҳс-мунозара» методининг тузилмаси

«Баҳс-мунозара» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

«Муаммоли вазият» методи.

Таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

«Муаммоли вазият» методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида «Муаммоли вазият» методининг тузилмаси келтирилган.



«Муаммоли вазият» методининг тузилмаси

«Муаммоли вазият» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

«Т – схема» методи

Педагог:

- янги мавзунини баён қилади ва таълим олувчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;
- топшириқни яқка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;
- вақт тугагач таълим олувчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;
- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

Таълим олувчи:

- мавзунини диққат билан тинглайди;
- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;
- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;
- якуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;
- регламентга риоя қилади.

Кутиладиган натижа: таълим олувчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади.

«Т» схема асосида мустақил фаолиятни ташкил этиш.

+ (ха, ижобий)	- (йўқ, салбий)

«Тушунчалар таҳлили» методи

Методнинг моҳияти. Ушбу услуб ўқув предмети мавзуларини ёдга олиш, бирон - бир мавзу бўйича педагог, томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратишга йўналтирилган.

Методнинг мақсади. Машғулотда ўтилган мавзунини эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, яққа ва гуруҳларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан караш, шунингдек ўз билимларини бир тизимга келтира олишга ўргатиш.

Методнинг қўлланиши: ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида, ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда) ўтилган мавзунини ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзунини бошлашдан олдин таълим олувчиларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яққа, кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- тингловчиларни гуруҳларга (шароитга қараб) ажратади;
- тингловчилар машғулотни ўтказишга қўйилган талаб қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
- тингловчилар яққа тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;
- тингловчилар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгаллаган (ёки ўзларининг) билимлари асосида (берилган тушунчаларни қандай тушунган бўлсалар шундай) изоҳ ёзадилар (яққа тартибда);
- педагог тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изоҳни белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали (имкони бўлса) таништирилади;

- ҳар бир тингловчи тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларини аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

«Тушунчалар таҳлили» методидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзунини такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича таълим олувчиларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгаллаганликлари ва шу дарснинг охирида бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин

Тушунчалар	мазмун
грамматика	
ўзлаштириш	
бола	
луғат	
нутқ	
мулоқат	

«SWOT-таҳлил» методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Бу метод 1963 йилда Гарвард университетининг профессори Андрус томонидан бизнес сиёсати муаммоларига бағишланган халқаро конференцияда биринчи марта таклиф этилган. Дастлаб бу метод мавжуд вазият ҳақидаги билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланган. У ўрганилаётган объект, вазият ёки жараённинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, шунингдек, объектни ўраб турган ташқи муҳит билан боғлиқ хавф хатарларни аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу методни таълим жараёнида қўллаш таълим

олувчиларда таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Методни қўллашга қўйиладиган талаблар - SWOT –универсал таҳлил методини умумтаълим мактабларида қўллаш учун педагоглар ҳам, таълим оловчилар ҳам маълум бир тайёргарликдан ўтган бўлиши, яъни бу методнинг мақсади, қўлланилиш ҳолатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Бунда ўрганилаётган объект ёки масалага тааллуқли бўлган ички ва ташқи факторларни ажратиш, ижобий ва салбий омилларни ажрата олиш малакалари шаклланган бўлиши талаб этилади. Шунингдек, таҳлилинини ўтказиш жараёнида ижтимоий, сиёсий, маданий муҳитдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш талаб этилади.

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- дарс мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;
- навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, педагог томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1-мавзу. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ МАЗМУНИ

Таянч тушунчалар: *Давлат талаблари, фаолият, таълим-тарбия дастури, болаларни ёш хусусиятлари, педагогик жараён.*

1. «Болаларни мактабга тайёрлаш» фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш халқ таълими системасининг бошлангич бўлими бўлган мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади.

Мактабгача таълим муассасасида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишини давр талаби даражасида олиб бориш мақсадида «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» тузилган. Ўзбекистон халқ таълими Вазирлиги бу дастурни республикамизнинг ўзига хос томонларини: иклими, жугрофий, иктисодий, маданий, миллий шароитларини ҳисобга олиб, уни қайта ишлаб чиқди. Дастур тузилгандан то етти ёшгача бўлган болалар эгаллаши лозим бўлган билим ва малакалар ҳажмини ўз ичига олади. У мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг психологик-физиологик ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар томонлама камол топтиришни назарда тутди.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбияни педагог-тарбиячи амалга оширади. У педагогик жараёнда марказий ўринни эгаллайди. Шунинг учун тарбиячи ўз соҳасини чуқур билиши, ҳар хил методик воситаларни яхши эгаллаган, пухта педагогик психологик тайёргарликка эга бўлиши керак. Шу билан бир қаторда мутахассислик бўйича фанларни жумладан «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини, мактабгача тарбия педагогикаси, «Учинчи минг йилликнинг боласи таянч дастури»ни, Давлат таълим стандартларини, болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани ва бошқаларни пухта эгаллаган бўлиши лозимдир. Айниқса болаларни мактаб таълимига тайёрланган тарзда тарбиялашда «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фанининг ўрни жуда каттадир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар асосан мактаб таълимига мактабгача таълим муассасаларида ва оилада тайёрланади.

Болаларни мактабга тайёрлашнинг мақсади болаларни бола шахсини

мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига куйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом ва етук, мактабга ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириб боришдан иборатдир. Болаларни мактабга тайёрлашнинг асосий вазифалари эса: болаларни жисмоний, ақлий, маънавий жихатдан камол топтириш уларнинг соғломлигини муҳофаза қилиш; болаларнинг ижодкорлик мустақиллик эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун, шарт-шароитлар яратиш вазифаларини қўяди.

«Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фани бир қатор фанлар билан боғлиқ бўлиб, ҳусусан, фалсафа, этика, эстетика, биология, психология, ёш

психологияси барча педагогика фанлари билан боғлиқ холда ривожланади ва бойиб боради.

Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани ижтимоий ходиса сифатида тарбияни ўрганар экан, фалсафа фани билан чамбарчас боғлиқдир, чунки фалсафа тарбиянинг максад ва вазифаларини ўрганиш методологиясини белгилайди. Жамият тўғрисидаги материалистик фалсафа тарбия масаласига илмий асосланган холда ёндошиш имконини беради. Тарихий материализм тарбиянинг синфий мохиятини очиб бериш, унинг пайдо булиши ва ривожланиши ижтимоий ходиса эканлигини жамият ҳаётида ва киши шахсининг ривожланишида таълим-тарбиянинг ролини баҳолашга ёрдам беради. Дидактик масалаларни ишлаб чиқишда билиш назариясига, ахлокий тарбия масалаларини ўрганишда этиканинг ахлоқ тўғри сидаги таълимотига тарбиянинг максadini, йўллари методларини белгилашда этика фанига асосланади.

Этика ахлоқни назарий жихатдан асослаб, ёш авлодни, унинг ахлокий тарбияси муаммоларини, инсон шахсини шакллантиришда ахлокий гоёлар ролини тушунишни чуқурлаштиради.

Эстетика инсоннинг воқеликка, санъатга эстетик муносабатлари ривожланишининг умумий қонуниятларини урғанади, нафосат тарбиясининг илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

Болаларни мактабга тайёрлаш фани бошқа фанлардан биология, психология, ёш психологияси билан ҳам боғлиқ холда ривожланади.

Физиология болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фанининг табиий-илмий базаси бўлиб, у биринчи навбатда инсон олий нерв фаолиятининг ривожланиш, нерв системасининг типологик хусусиятлари, сезги органлари, таянч ҳаракат аппарати, юрак-томир ва нафас олиш системалари, ички секреция безлари ва шу сингариларнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотларга таянади.

Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани ана шу маълумотлар негизида таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш масалаларини муваффақиятлироқ ҳал эта олади, психик воқеалар ва жараёнларнинг айрим қонуниятларини чуқурроқ урғаниш имкониятига эга булади. Ҳозирги замон физиологияси энг муҳим педагогик муаммоларни тўғри ҳал этишда: болаларнинг ривожланишига, унинг қобилиятларини шакллантиришга муҳит, ирсият ва тарбиянинг таъсири ва шу сингариларни белгилашда ёрдам беради.

Ўсиб бораётган организм тузилишининг ва ҳаракат қилиш қонуниятларининг асосий принципларини олиб берувчи ёш физиологияси таълим-тарбия бериш масалаларини ишлаб чиқиш учун айниқса катта аҳамиятга эга. Бу хусусиятларни билмай туриб, тарбияланувчиларнинг ёшига мувофиқ тарбия воситалари ва методларини, у ёки бу машғулотларни ёки тарбиявий тадбирларни ўтказишнинг ташкилий шакллари тўғри белгилаб бўлмайди. Физиологиянинг олий нерв фаолияти, нерв системасининг типологик хусусиятлари тўғри сидаги ҳулосалар педагогика ўқув-тарбия

жараёнини методикасини ишлаб чиқишда, болалар фаолиятлари учун яхшироқ шарт-шароит яратишда ёрдам беради.

Инсоннинг воқеликни белгиловчи ҳамда унинг хулқ-атворини бошқарувчи психиканинг қонуниятлари ва механизмлари тўғрисидаги фан бўлган умумий психология инсоннинг ривожланиши, тарбияланиши ва атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари жараёнида шаклланадиган ҳолат ва ҳислатларни (тафаккур, хотира, тасаввур, ҳис-туйғу, ирода ва ҳақозо) тадқиқ қилади.

Ёш психологияси болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фанини турли ёшдаги болаларнинг билиш имкониятларини, у ёки бу тарбиявий таъсирни улар қандай қабул қилинишини аниқлашда ёрдам беради. Ёш психологияси ҳар бир ёшда боланинг ёшга ҳос хусусиятларини ўрганади. Биринчи навбатда бола руҳияти марказий ўрин тутиб, бу албатта психологияни билиш назарияси билан боғлиқ дир.

Психология шахснинг ривожланиш қонуниятлари, ёш ва ўзига ҳос хусусиятлари тўғрисидаги ҳулосаларни тарбиялаш ва таълим беришнинг рационалроқ мазмун, методини асослаш ва шахснинг шаклланиш жараёнини тўғри лойihalаш имконини яратади. Педагогика жамоани ташкил этишнинг самаралироқ шакллари, шахсни жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш методларини ишлаб чиқишда социал психология билан қуролланади.

Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани жисмоний ривожланиш масаласини, бола организмнинг шу қобилиятини ошириш, унинг фаолиятини нормаллаштириш, масалаларини ўрганишда умумий ва социал гигиена, меҳнат гигиенаси, мактаб гигиенаси, педиатрия ва бошқа фанларнинг эришган ютуқларидаги ҳулосалардан фойдаланади.

Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси фани умумий педагогика билан ҳам боғлиқдир, чунки умумий педагогика тарбиянинг умумий қобилиятлари, жамиятда ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш ҳамда таълимнинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганадиган фандир.

Болаларни мактабга тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, оналар мустақил таълим бериш орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болалар учун болалар боғчаларида мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади. Боланинг мактабга тайёргарлиги мактабгача ва мактаб давридаги ҳаёт тарзи ҳамда фаолияти учун қуприк, вазифасини уташни оила ёки боғчадаги таълим-тарбия шароитларидан мактаб таълимига озорсиз ўтказишни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишлари лозим.

Бошқа фанлар қатори «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фани ҳам ўз фани доирасида бир қатор фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланади ва тараккий этиб боради.

Шундай қилиб, «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фани юқорида келтирилган фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб, бойиб боради. Ечилмай

қолган муаммолар педагогик нуктаи назардан илмий асосланган тарзда ўз ечимини топади ва керакли хулоса, тавсиялар беради.

2. «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фанининг мақсади.

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич тури хисобланади, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ташкил этилади.

Мактабгача таълимнинг мақсади

Мактабгача таълимнинг мақсади: бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига куйиладиган Давлат талабларига мувофиқ соғлом ва етуқ, мактабга ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш.

Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёни олдига куйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» таянч дастури асосида амалга оширилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таълимнинг асосий омили бўлган кадрларни тайёрлаш борасидаги энг зарур тадбирлар тизими белгилаб берилган. Соғлом авлодни тарбиялаш давлат ва жамиятнинг устивор йўналишидир.

Давлат талаблари асосида тузилган «Учинчи мингйилликнинг боласи» таянч дастурига асосан мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналари, тарбиячилари, ҳамда, ўзлари учун турли сохалар буйича дастурлар, қўлланмалар, тавсиялар, кизикарли китоблар, аклан ва жисмонан ривожлантиришга ёрдам берадиган турли-туман ўйинлар ва таълим тарбия методлари ёритилади.

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига куйиладиган Давлат талабларида белгиланган курсаткичларга эришиш 6-7 ёшдаги болаларни мактабга тўла тўқис тайёрлашга, мактабда бериладиган таълимни мукамал ўзлаштиришга, мустақил Ўзбекистоннинг равнаки учун хизмат киладиган баркамол инсон бўлиб етишишларига замин хозирлайди.

3.«Болаларни мактабга тайёрлаш» фанининг вазифаларни

Мактабгача таълимнинг вазифалари

Мактабгача таълимнинг вазифалари: болаларни халкнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва маънавий ахлокий жихатдан тарбиялаш: болаларда миллий ватанпарварлик хисларини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг жисмоний ва рухий соғлигини таъминлашдан иборат.

Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёни олдига куйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши «Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига куйиладиган Давлат талаблари» оркали назорат қилинади. Давлат талабларидан мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган таълим-тарбия мазмунининг асосий йуналишлари ҳамда уларнинг мактабга тайёргарлик даражасига куйиладиган минимал талаблар белгилаб берилган бўлиб у давлат хужжати сифатида эътироф этилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёни уч босқичда амалга оширилади:

1. Болаларни жисмонан ривожлантириш.
2. Болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантириш.
3. Болаларни маънан ривожлантириш.

Мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифаларига таянган ҳолда «Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фанининг мақсади тингловчиларни мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашнинг метод ва усуллари билан таништиришдан иборат.

«Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси» фани куйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- Тингловчилар мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифаларини яхши билишлари;
- Болаларнинг мактаб таълимига умумий ва махсус тайёргарлиги тушунчаларини билишлари;
- Болаларни мактаб таълимига тайёрлашни аниқлаш йуллари ва метод, усуллари тўғрисида билимга эга булишлари лозим.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

- 1.«Болаларни мактабга тайёрлаш» фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини изоҳланг.
- 2.«Болаларни мактабга тайёрлаш» фанининг мақсади нималардан иборат?
- 3.«Болаларни мактабга тайёрлаш» фанининг вазифаларни санаб ўтинг?

2-мавзу. БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБДА ТАЪЛИМ ОЛИШГА ТАЙЁРЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИ

Таянч тушунчалар: *ташхис, фаолият, жисмойй ривожланиш, ақлий ривожланганлик, текшириш шакллари.*

Боланинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислаш бу текширув жуда зарур. У оила учун боланинг кайси жихатларига тузатиш (агар у зарур булса) киритишда, олти ёшлининг муваффакиятлари ва камчиликларига кандай ёндашишда, шу максатда у тарбиячиларга, колаверса 1-синф уқитувчилари учун ҳам керак. Болани уқитиш учун уни хар томонлама билиш керак.

Афсуски бугунги кунда ташхис тизимининг такомиллашмаганлиги, ўзини окламаган турли хил шаклларни куплиги таълим муассасаларининг хамда ота-оналарнинг болаларни мактабга тайёрлаш борасида фаолиятини кийинлаштирмакда. Масалан, айрим мактабларда болаларни биринчи синфга олишда боланинг мактабга тайёргарлигини белгиловчи асосий курсатгич сифатида тез ўқиш кўникмаси (бир минутда 50-70 ва ундан хам ошук сўз) илгари сурилмокда. Вахоланки, бу кўникма мактабгача таълим давлат дастурига киритилмаган.

Агар бола тез ўқишга урганган булса ёмон эмас, бирок бу мактабга боришдаги шартли талаб сифатида кабул килинмаслиги керак.

Ташхис ўтказиш, боланинг ривожланганлиги ва мактабда таълим олишга тайёргарлиги даражасини аниклаш максатида турли усулларнинг бир неча вариантлари берилмокда. Бирок бу хар бир болага ташхис кўйишда маскур услубларнинг барчасини қўллаш зарур, дегани эмас.

Болани ташхисдан ўтказишни мажбурийликка асосланмаган, ишончли сухбат ёки ўйин тартибида олиб борган маъкул. Токи бола ўзини текширилайётганлигини сезмасин. Болани берилган саволларга жавоб бервётганда шоширмаслик, унинг кизикишини сўндирмаслик учун сухбат ва тавсия этилайётган ўйинлардан 2-3 тасини ўтказган маъкул.

Бир марта ташхис ўтказиш вакти 20-25 минутдан ошмаслиги лозим. Барча турдаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар учун мажбурий бўлган хамда ота-оналарнинг хам болани мактабга тайёрлигини аниклаш ва бола ривожланишидаги айрим жихатларни чукуррок ечишларига имкон берувчи асосий ташхислаш усулларининг асосийларга куйидагилар киради:

Болаларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги холатини ташхислаш.

Мактабга кабул килинишдан олдин барча болалар ўз яшаш жойларидан болалар поликлиникаси таркибида тор мутахассислик буйича шифокорлардан иборат бўлган тиббий комиссия текширувидан утиши шарт. Улар боланинг соғлиги ва мактабга тайёргарлиги хакида ўз хулосаларини беришади.

Мазкур текширувнинг эрта баҳода утказилиши болада аниқланган етишмовчиликларни ёз давомида диспансеризацияда тулдириб олиш имконини беради.

Харакатнинг асосий турлари, қўл мускуллари спорт ўйинларининг оддий кўникмалари, ҳаракат сифати ривожланганлигини мусобақа, эстафета тарзида ўтказиладиган спорт ва ҳаракатли ўйинлар давомида текшириш мумкин.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Боланинг жисмоний ривожланганлиги ҳолати ташҳиси нималардан иборат?
2. Шахсий – психологик ва ақлий ривожланганлик ташҳиси деганда нимани тушунаси?
3. Таълим олиш фаолиятининг кўникма ва илк заминини аниқлаш ташҳисини қандай изоҳлайсиз?
4. Текширишнинг қўшимча шакллари ифодаланг.

3-Мавзу. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ЎЙИН ФАОЛИЯТИНИНГ МОХИЯТИ

Таянч тушунчалар: *ўйин, фаолият, болалар ўйинлари, МТМда таъкил этиладиган ўйинлар, ўйинларни таъкил этиш методикаси.*

Ўйиннинг болалар фаолиятидаги ўрни

Ўйин – кишилик фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли.

Кишилик тарихий тараққиётининг барча даврларида ҳам ўйин субъект фаолиятининг энг биринчи ва муҳим тури сифатида тан олинган. Бинобарин, шахс фаолиятининг муҳим турлари – меҳнат, ўқиш билан бирга ўйин ҳам унинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўйинлар воситасида катта авлод томонидан тўпланган ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билим, турмуш тарзи ва ижтимоий муносабат асослари, маданий қадриятлар ёш авлодга изчил узатиб келинган.

Ўйин шахснинг тарбиялаш, ривожлантириш, унга таълим бериш хусусиятларига эга. Мавжуд хусусиятлари туфайли ўйинлар қадим-қадимдан халқ педагогикасининг муҳим асосларидан бири бўлиб келмоқда. Бевосита ўйинлар болаларда идрок, сезги, хотира, тафаккур, нутқни ривожлантиришга ёрдам бериш орқали уларни маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади¹.

Ўйин мактабгача таълим ёшидаги болалар фаолиятининг асосий шакли саналади. У орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатнинг қай даражада шаклланишини белгилаб беради. Ўйин болаларнинг жисмоний ривожланиши, МТМнинг таълим-тарбия ишида, болаларни ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда катта ўрин тутди. Ўйиннинг мактабгача таълим ёшидаги болалар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади. Бола ҳаётининг бир ёшидан бошлаб унга ўраб турган теварак-атрофни билишга эҳтиёж хосдир. Болалар ўйинлари ўзининг барча хилма-хиллиги билан унга янги нарсани билиш, ўйин мазмунида акс этган жиҳатга ўз муносабатини билдириш имконини беради. Бола – ўсиб ва ривожланиб боровчи мавжудотдир.

¹ Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2015. – 100-бет.

Ҳаракат – маълум мақсадга қаратилган ақлий ва жисмоний фаолият, меҳнат. Ўз моҳиятига кўра ақлий ёки жисмоний бўлишдан қатъий назар ҳаракат МТМ тарбияланувчиларининг тўла-тўқис ўсиб-улғайишларини таъминловчи муҳим шартларидан бири саналади. Фаол ҳаракатларга эҳтиёж ўйиннинг барча турлари, айниқса, ҳаракатли ва ўйинчоқлар билан ўйналадиган дидактик ўйинлар орқали тўлиқ қониқтирилади. Шунингдек, ўйинлар боланинг мулоқотга киришишга бўлган эҳтиёжини қондиришда катта имкониятга эга.

2. Ўйин мактабгача таълим ёшидаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир. Илмий асосланган ўйинлар МТМда болалар ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш шакли сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур жараёнда тарбиячи етакчи ўрин эгаллаб, у энг аввало, ўйин орқали таълим-тарбияга доир қандай вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкинлигини аниқ тасаввур қила олиши лозим. Шунингдек, болалар ўйинига ажратилган вақтни машғулот ёки кун тартибдаги бошқа тадбирларни чўзиб юбориш орқали эгаллаш мумкин эмас. МТМ таянч дастурида ҳар кунги кун тартибига овқатланиш, бадантарбия, сайр, машғулотлар ўтказиш билан бир қаторда ўйин ҳам киритилган. Ўйин болалар ҳаётини ташкил этиш шакли сифатида кичик гуруҳдан бошланади. Ўйин эрталаб нонуштагача (15-20 дақиқа) бошланади ва нонуштадан кейин, машғулотлар ўртасида, очик ҳавода, ўйқудан кейин ўтказилади. Эрталаб ролли ўйинлар, қуриш-ясаш, ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш тавсия этилади. Машғулот ўртасида ҳаракатли, қоидалари ўйинлар ўтказилади. Улар асосан, машғулотнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Сайр вақтида очик ҳаводаги ўйинлардан фойдаланилади. Кундузги уйқудан кейинги ўйинларга қурилиш ўйинлари, эртақ бўйича қўйиладиган ўйин, ролли, дидактик ўйинлар кирилади.

3. Ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир. Педагогика фани ўйинни бола шахсини тарбиялашнинг асосий воситаси деб ҳисоблайди. Ўйин орқали болалар катталарнинг меҳнат тажрибасини, билим, кўникма ва малакалари, ҳаракат усуллари, ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини, мулоҳаза ва муҳокамаларини эгаллаб олади. Ўйинда боланинг ўз тенгқурлари ва катталар билан бўладиган муносабат усуллари шаклланади, ҳис ва дидлари тарбияланади.

4. Ўйин болаларга таълим-тарбия беришнинг метод ва усулидир. Ўйин жараёнида болаларнинг билимлари ва тасаввурлари бойиб, чуқурлашиб боради. Ўйинда у ёки бу ролни бажараётиб, бола ўзининг бутун диққатини ўйинга қаратиши лозим. Бола ўйнаётганида кишилар меҳнати, уларнинг аниқ ҳаракатлари, муносабатлари тўғрисидаги тасаввури етарли эмаслигини сезиб қолади, бунинг натижасида катталарга савол бера бошлайди. Тарбиячи болаларнинг бундай саволларига жавоб бериб, уларнинг билимларига аниқлик киритади, бойитади. Шундай қилиб, ўйин болалардаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлайди. Бунда педагогнинг тўғри раҳбарлигида унинг тушунчалари кенгаяди.

Тарбиячи ўйин орқали болаларда она-ватанга, ўз халқига, бошқа миллат вакилларига ижобий муносабатни шакллантиради, мустаҳкамлайди. Ўйин

орқали тарбиячи болаларда жасурлик, ростгўйлик, ўзини тутта билишлик, ташаббускорлик каби сифатларни тарбиялайди. Ўйин болаларда ижтимоий ахлоқни, уларнинг ҳаётга, бир-бирига бўлган муносабатни шакллантирувчи мактаб вазифасини бажаради. Тарбиячи болаларнинг ўйинига раҳбарлик қилаётиб, уларни жамоа орқали ҳам тарбиялаб боради. Ўйин жараёнида болалар ўз хоҳиш-истакларини жамоа хоҳиши билан келишиб олишга, ўйинда ўрнатилган қоидаларга риоя қилишга ўрганади.


МТМда ташкил этиладиган болалар ўйини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига кўра хилма-хилдир, умумлаштирган ҳолда, уни икки турга ажратиш мумкин:



МТМда қўлланиладиган болалар ўйинларининг асосий турлари

Ижодий ўйинлар қатъий белгиланган қоидаларга эга бўлмаган ва ўйин қоидаларини болаларнинг ўзлари ўйин жараёнида белгилайдиган ўйинлар саналади. Одатда бу каби ўйинларни болаларнинг ўзлари ўйлаб топади.

Ўз моҳиятига кўра ижодий ўйинлар бир неча турли бўлади. Улар



Ижодий ўйинларнинг асосий турлари

Сюжетли-ролли ўйин ўз хусусиятига эга акс эттирувчи фаолиятдир. Теварак-атрофдаги катталар ва тенгдошларининг ҳаёти ва фаолияти бу ўйин мазмунига манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур турдаги ўйинларнинг ўзига хослиги уларда сюжет, роль ва хаёл қилинган вазиятнинг мавжуд бўлишидир. Бунинг учун албатта, болалар бирор нарса ёки воқеа тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлиши лозим. М: болалар «паровоз» ўйинини ўйнашмоқчи бўлишади. Бунга ўйиннинг қандай бориши тўғрисида сюжет (воқеанинг бориши) керак. Сюжет болаларнинг билимига боғлиқ бўлади. Болада аввал ғоя туғилади, кейин мазмуни ривожланади. Баъзан болаларнинг ўйиннинг қандай боришини олдиндан белгилаб оладилар. М: улар орасидан ким «паровоз» бўлиши, қолганлар унинг орқасидан эргашиши, қаерга борганда навбат алмашишларини олдиндан келишиб олишади.

Сюжетли-ролли ўйинларда тарбиячи етакчи роль ўйнайди. Тарбиячи болаларнинг қизиқишларини диққат билан кузатиб, уларнинг ижобий томонларини ривожлантириш учун шароит яратиши ва болаларни керакли йўналишда тарбиялаб бориши лозим. Тарбиячи сюжетли-ролли ўйинларга раҳбарлик қилишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиши лозим:

1) болалар ўйинига раҳбарлик қилиш учун уларнинг ўйинини билиш ва ҳар доим кузатиб бориши лозим;

2) тарбиячи болаларнинг ўйин давомидаги мулоқотлари, хатти-ҳаракатларини мунтазам кузатиб, тинглаб бориши лозим. Бу тарбиячига болаларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истакларини билиб олиб, уларни тўғри йўлга солиш, ижобий хусусиятларини янада ривожлантириш имконини беради;

3) сюжетли-ролли ўйинларни ўйнаш учун маълум жой ажратиш лозим;

4) ўйин жараёнида керак бўладиган ўйинчоқларни болалар мустақил ўзлари ясашлари учун уларга кичкина ёғоч бўлаклари, мих, лой, қоғоз, картон, бўёқ ва керакли асбоблар – болғача, қўл арра, қайчи, пичоқ кабиларни бериш керак. Бироқ ўйинчоқлар яшаш устида ишлаш фақат тарбиячининг раҳбарлиги остида бажарилиши лозим;

5) ўйин мавзусини танлашга ёрдам бериш болаларни ўйнашга ўргатиш усуллари билан бирдир; тарбиячи болаларнинг ролли ўйинлари мавзусини бойитибгина қолмай, балки унинг сюжети, мазмунини бойитиш тўғрисида ҳам ўйлаши керак;

6) тарбиячи болаларнинг барчаси ўйинга қатнашишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак; ўйинда кўпинча улар роль таллашиб бир-бирлари билан келиша олмай қолади; болаларни бу каби келишмовчиликларни ҳаққоний ечишга ўргатиш лозим.

Саҳналаштирилган ўйинлар болалар бирор эртак ёки ҳикоя сюжети асосида маълум бир ролни бажаришига, ўйин жараёнидаги персонажларнинг айтадиган сўзларининг ёд олинишига асосланган бўлиб, болаларда ирода, интизом, ўз ҳаракатларини бошқаларнинг ҳаракатига мувофиқ амалга ошириш каби сифатларни тарбиялашда самарали восита саналади. Саҳналаштирилган ўйинларни ташкил этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

I босқич. Саҳналаштириш учун бадиий асарни танлаш. Бадиий асарни танлашда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

1) эртак ёки ҳикояда қатнашувчилар сони кўп бўлиши керак;

2) асарнинг нафақат мазмуни, балки унда ҳаракатларнинг ҳам турфа хил бўлишига эътибор қаратиш лозим;

3) асар ифодали ўйишга мос бўлиши керак;

4) асар мазмуни қизиқарли ва эмоционал бўлиши зарур;

5) асар болаларнинг ёшига мос келиши лозим.

II босқич. Саҳналаштириш учун танланган эртак ёки ҳикоянинг мазмунини ўқиб бериш.

III босқич. Асарни болалар томонидан эслаб қолинишига эришиш: қайта ўқиб бериш, ҳар бир боланинг айтадиган гаплари устида индивидуал иш олиб бориш, расмлар намойиш этиш.

IV босқич. Ўйин қизиқарли ўтиши ва узоқ давом этиши учун ўйинга керакли материаллар, кийимлар тайёрлаш ҳамда раҳбарликни тўғри амалга ошириш.

Саҳналаштирилган ўйинлар болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оддийдан мураккабга қараб йўналтириб борилиши мақсадга мувофиқ. М: ўрта гуруҳ учун асосан ҳаракатни акс эттирувчи асарлар танланса, катта гуруҳ болалари учун эса асар қаҳрамонларининг анча мураккаб муносабатлари, уларнинг кечинмалари, қайғулари акс эттирилган асарлар танланади.

Болаларнинг қурилиш, буюм яшаш ўйинлари ролларга бўлиниб ўйнайдиган ўйиннинг таркибий қисмидир. Бирор нарсани қуриш болаларни ўз фикрларини рўёбга чиқариш усулидир. **Қурилиш материаллари билан ўтказиладиган ўйинлар**да болаларнинг техникага қизиқиши ортади, кузатувчанлиги ривожланади, улар геометрик жисмларнинг энг оддий хусусиятлари билан танишадилар.

Қурилиш материаллари билан боғлиқ ўйинларни ўтказишда қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш лозим:

1) қурилиш материаллари бутун гуруҳ болаларининг бир пайтда ўйнашлари учун етарли бўлиши лозим;

2) гуруҳ хонасида қурилиш материалларини сақлайдиган, уни курадиган ва бир неча кунгача сақлаб қўйишнинг иложи бўлган жой бўлиши керак;

3) қурилиш материаллари учун ҳар бир деталга алоҳида хоначалари бўлган ғилдиракли шкаф бўлиши, уни болалар истаган томонларига судраб олиб юришларига имкон яратилиши керак;

4) қурилиш материаллари сақланадиган бурчакда майда ўйинчоқлар, ўйинчоқли одамлар, қушчалар, ҳайвонлар, транспорт бўлиши мумкин;

5) болаларнинг ўзлари ўйинчоқ ясашлари учун ҳар доим керакли материал бўлиши зарур;

6) болаларга қурилиш усулларини ўргатиш лозим;

7) қурилиш материалларидан ишланган буюмларни бир неча кунгача, ҳатто ундан кўпроқ муддат сақлаш керак.

Қурилиш-яшашга доир ўйинлар учун **қум, сув, қор** кабилар асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Қум болаларнинг ёзда ўйнашлари учун яхши материал. Ҳар бир гуруҳда иккитадан қум яшиги бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунда ҳамма болалар ўйнаш имкониятига эга бўладилар. Қум болаларнинг ўйнашлари учун энг қулай ўйин воситаси бўлиб ҳисобланади. Қум махсус яшикларда нам ҳолатда сақланади.

Қумни сақлашга муайян гигиеник талаблар қўйилади. Улар:

- а) қум турли хил тош, шишалардан тозаланган бўлиши;
- б) қум фақат намроқ ҳолда сақланиши;
- д) болаларнинг саломатлигига хавф солмаслиги керак.

Кичик ёшдаги болаларни қум билан ўйнашлари учун байроқчалар, ўйинчоқлар тайёрлаб қўйилиши керак.

Сув билан ўйналадиган ўйинлар билан кичик ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. Сувда қўғирчоқни чўмилтириш, ўйинчоқлар билан ўйнаш, катта ёшдаги болалар эса сувда чўмилишлари мумкин.

Қор билан ўйналадиган ўйинлар болаларда қувноқ кайфиятни уйғотади. Бунинг учун ёғоч белкуракча, қорни ташиш учун қутича ортилган чана бўлиши шарт. Катталар ёрдамида қор уюмларидан турли шакллар, қорбобо, қорқиз, ҳайвонларнинг қиёфасини ясайдилар.

Дидактик ўйинлар – ўрганилаётган объект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида тингловчиларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури ҳисобланади. Бу каби ўйинлар тингловчилар томонидан ижтимоий-фойдали меҳнат ва ўқиш кўникмаларини фаол ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг аҳамияти натижалар билан эмас, балки жараённинг мазмуни ва кечиши билан белгиланади; бу каби ўйинлар болаларни ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишга тайёрлайди, улардаги турли психологик зўриқишларни камайтиради².

Мазмунига кўра дидактик ўйинлар таълимий ўйин сифатида МТМ тарбияланувчиларининг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинлар сирасига киради. Дидактик ўйинларнинг муҳим белгиси ундаги қоидаларнинг мавжудлигидир. Ўйинда ўйин нияти, ўйин қоидалари, ўйин ҳаракатлари ўртасида узвий алоқа мавжуд. Ўйин нияти ўйин ҳаракатларининг табиатини белгилайди. Ўйин қоидаси еса, ўйин ҳаракатларини, вазифасини ҳал этишга ва ўйиндаги ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам беради.

Дидактик ўйинлар орқали болаларга янги билимлар, тушунчалар бериб борилади. Бу ўйинларда боланинг ҳар томонлама ривожланиши, билим жараёни, сенсор маданияти, нутқ фаолияти, ақлий қобилиятлари такомиллашади. Ўйин қоидасига риоя қилиш, унга амал қилиш ўйин мазмунини бойитади.

Дидактик ўйинларда табиий нарса ва буюмлардан кенг фойдаланилади. Боланинг кун тартибида дидактик ўйин учун вақт ва жой ажратилиши керак. Бундай ўйинлар машғулот жараёнида ва ўйиндан ташқари вақтларда гуруҳ ёки якка-якка ўтказилади. Бунда ўйин мазмуни ва натижаси пухта аниқланади.


Дидактик ўйинлар жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилиниши керак:

² Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2015. – 114-бет.

- 1) навбатма-навбат таъсир этиш;
- 2) сўралганда жавоб бериш;
- 3) ўртоқлари фикрини эшита олиш;
- 4) ўйин жараёнида бошқаларга халақит бермаслик;
- 5) ўйин қоидасини бажариш;
- 6) ўз хатосини тан олиш.

Дидактик ўйинларда болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ўйинда ўйин суръати ва ритми катта рол ўйнайди, жуда секин ва бир текисдаги темп болани кўп куттиради, жуда тез темп эса болаларни ҳаяжонга солади, турли баҳс-мунозараларга олиб келади. Катталар томонидан ўйин иштирокчиларини тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга ега.

Дидактик ўйинларнинг қуйидаги турлари мавжуд (42-расм):



Дидактик ўйинларнинг асосий турлари

Стол-босма ўйинлари болаларнинг теvarак-атроф ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, бир тизимга солиш, тафаккурини (тахлил қилиш, умумлаштириш, тавсифлаш) ўстириш имконини берувчи ўйин туридир. Бу ўйин турига *лотто, жуфт расмлар, домино ва лабиринт* киради.

Оғзаки сўз ўйинлари болани эшита олиш, зудлик билан жавоб топа олиш, ўз фикрларини тез ва аниқ ифода эта олишга ўргатадиган ўйинлар саналади. Бу каби ўйинлар одатда катта мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказилади. Бундай ўйинлар боланинг ақлий ривожланишида катта аҳамиятга ега. Юқорида кўрсатиб ўтилган ўйин турларида дидактик мақсад ва ўйин материалларининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Буюм ва ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар боланинг илк ёшидан бошлаб, то мактаб ёшига етгунга қадар ўйналадиган ўйин тури ҳисобланади. Бунда болаларнинг тасаввурлари, диққатлари ўйин асосини ташкил этади. Уларда теvarак-атрофдаги нарса ва буюмлар, уларнинг сифати, фойдали томонлари тўғрисида умумий тушунча ҳосил бўлади. Ўйинда ўйналадиган ҳар бир буюм ёки ўйинчоқ ўзининг ташқи кўринишига эга бўлиши, нарсанинг асосий белгисини ажрата билиш имконини бериши лозим. Бундай ўйинлар болаларнинг нарсаларнинг шакли, ҳажми, белгиси, сифати ҳақидаги билимларини кенгайтиради.

Демак, ўйин кишилик фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, таклид

қилиш) асосида ўзлаштириш шакли саналади. Ўйин мактабгача таълим ёшидаги болалар фаолиятининг асосий шакли саналади. У орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатнинг қай даражада шаклланишини белгилаб беради. Ўйин болаларнинг жисмоний ривожланиши, МТМнинг таълим-тарбия ишида, болаларни ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда катта ўрин тутди. МТМда ташкил этиладиган болалар ўйини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига кўра хилма-хилдир, умумлаштирган ҳолда, уни икки тур: ижодий ўйинлар ва қоидали ўйинларга ажратиш мумкин. Ўйинларнинг болаларнинг ёш, физиологик ва жисмоний имкониятларига, қизиқишларига, вақти ва ўрнига кўра тўғри танланиши кутилган натижаларни қўлга киритишга имконият яратади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Ўйиннинг мактабгача таълим ёшидаги болалар ҳаётида ўрни нималарда намоён бўлади?
2. МТМда қўлланиладиган болалар ўйинлари неча турга ажратилади?
3. Ижодий ўйинлар нима?
4. Қанай ўйинлар қурилиш ўйинлари саналади?
5. Тарбиячи сюжетли-ролли ўйинларга раҳбарлик қилишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиши лозим?
6. Саҳаналаштирилган ўйинлар қандай босқичларда ташкил этилади?
7. Қурилиш материаллари билан ташкил этиладиган ўйинларни уюштиришда нималарга эътибор қаратилиши зарур?
8. Дидактик ўйинларнинг қандай турлари мавжуд?

4-мавзу. БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА МТМ, ОИЛА ВА МАКТАБНИНГ ХАМКОРЛИГИ

Таянч тушунчалар: оила, МТМ, ҳамкорлик, оила ва МТМ ҳамкорлиги, ота-оналар билан ишлаш, ота-оналар билан ишлаш шакллари.

«Оила» тушунчаси ва унинг моҳияти

Оила – никоҳга ёки аъзоларининг ижтимоий турмуш тарзи, ўзаро ахлоқий жавобгарлиги ва ўзаро ёрдамга асосланган қон-қариндошларнинг кичик гуруҳи³.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатда мавжуд бўлган оилага қуйидагича таъриф мавжуд: «Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлиб, юридик маънода никоҳ, қариндошлик, фарзандликка олиш ёки бошқа шаклларда болаларни доимий тарбияга олишдан келиб чиқадиган тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган шахслар доирасидан иборат бўлган миллий мустақиллик мафқурасига, умуминсоний қадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган оилавий муносабатларни ривожлантириб, уни мустаҳкамлашга қаратилган фуқаролар иттифоқидан иборатдир»⁴.

Оила жамиятнинг асосий бўғини, у никоҳ ва қон-қариндошликка асосланиши ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, шунингдек, жамият ва давлат оилани, оталик, оналик ва болаликни ҳимоя қилади ва оилавий муносабатларга умуминсоний ва миллий қадриятлар жорий этилишини таъминлайди⁵.

Психолог олимлар оилани кичик бир ижтимоий гуруҳ сифатида таърифлайди. Оилани ташкил этувчи ушбу гуруҳ никоҳ орқали ҳамда яқин уруғчилик ришталари билан бир-бирига боғланган бўлиб, улар ўртасидаги муносабатларга хос бўлган муҳим жиҳатлар – ўзаро меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, масъулиятлилик ва албатта, ҳаёт, турмуш тарзидаги умумийликдир⁶.

Социология оилага яхлит ижтимоий организмнинг қисми, жамият бўғини, ижтимоий тарбия жамоаси сифатида қарайди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар албатта, оилада ўз аксини топади. Бироқ бошқа – ишлаб чиқариш, касбий, сиёсий ижтимоий бирлашмалардан фарқли равишда оила тўғридан-тўғри қайта қуришга учрамайди. Оиланинг ахлоқий, психологик жиҳатдан янгиланиши узоқ, мураккаб, қарама-қаршиликларга боғлиқ жараёндир.

Оила ҳаёти мазмунидан келиб чиққан ҳолда кўп томонламали муносабатлар билан тавсифланади, Шунга кўра оилавий муносабатлар қуйидаги шаклларга эга (расм):

³ Педагогический энциклопедический словарь – М., 2002. – С.257.

⁴ Каримова О. Оила ҳуқуқи асослари – Т.: «Ўқитувчи», 2003.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б.12-13.

⁶ Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси – Т., 2006. – Б.10.



Оилавий муносабатларнинг шакллари

Иқтисодий соҳадагига қараганда, янги муносабат, янги ахлоқ меъёрлари оилада секин суръатларда амалга ошади. Оилавий ўзгаришларнинг амалга ошишида биологик, психологик, демографик омиллар ҳам иштирок этади.

Олимларнинг фикрича, одамлар ҳаётининг бирдан-бир тўғри йўли оилавий ҳаётдир. Бинобарин, оила инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойи. Шунингдек, оила муҳим тарбия ўчоғи ҳамдир. Оилада болалар тарбиясида ота-боболар, момолардан қолган, минг йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтган яхши удум, одатлар мавжуд. М.Иномова оиланинг қуйидаги *жиҳатлар*ини алоҳида ажратиб кўрсатган:

биринчидан, оила ўзига хос ва такрорланмас таъсирга эга;

иккинчидан, оила бола учун ўзига хос «кўзгу» бўлиб, ота-онанинг шахсий намунаси, ибрати бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади;

учинчидан, оила ўзига хос ҳиссиётлар оламидан иборат бўлиб, унда ижобий ва баъзан салбий ҳис-туйғулар жамулжам бўлади;

тўртинчидан, оила шароитида болаларда ўзгаларга нисбатан ҳамдардлик туйғулари ҳам тарбияланади;

бешинчидан, оиладаги маиший турмушда боланинг иштирок этиши ҳам ахлоқий тарбиянинг муҳим омили саналади;

олтинчидан, оила – эр-хотинлик, ота-оналик вазифаларини акс эттиради. Ота-онанинг бир-бирига бўлган муҳаббати болага таъсир кўрсатадиган асосий тарбиявий омиллардан бирига айланиши мумкин⁷.

Оила ривожининг ҳар бир босқичи бир функция-сининг тугаши, бошқасининг пайдо бўлиши, унинг аъзоларининг ижтимоий фаолиятининг ўсиб бориш кўлами ва тавсифи билан боғлиқ. В.А. Слостенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Исаевларнинг фикрича, оила жамият ва одамларга муносабати бўйича муҳим ижтимоий аҳамиятга эга функцияларни бажаради.

⁷ Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси – Т., 1999. – Б.20-21.

Оиланинг болани мактабга тайёрлашда ўрни

Болаларни мактабга тайёрлашда оила алоҳида аҳамият касб этадиган маскандир. Бола тарбиясида оиланинг барча аъзоларидан нафақат болаларга нисбатан тўғри муносабатни, балки уларнинг тақдири учун юксак маъсулият хиссини ҳам талаб қилувчи қийин ва мураккаб ишдир.

Оила болани мактабга тайёрлашда тарбияни ҳар томонлама, жумладан маънавий, ахлоқий, ақлий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбияларини биргаликда олиб бориш яхши самара беради.

*Маънавий тарбия*ни болага ўтмишда Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида курашган халқ қахрамонлари ҳақида гапириб бериш, давлатимизнинг рамзий белгилари билан таништириш, мустақиллик, Ватан ҳақидаги шеър ва кўшиқларни ёд олдириш, кадрият ва анъаналаримизни ўргатиш орқали сингдириш мумкин.

Оилавий тарбия жараёнида шахснинг бир катор *ахлоқий* жихатлари шаклланади-ки, бошқа ҳеч қайси тарбия объекти оиладагидек юқори натижа бермайди. Уларга инсонпарварлик, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат, ҳамдардлик, муомала маданияти, бурчи ва садоқат миннатдорчилик каби инсоний фазилатлар туради.

Келажак авлодга *эстетик тарбия* беришда ҳам оиланинг муҳим ўрни бор. Оила даврасида кўшиқлар куйланиши, бирор эртақ ёки асарни оила даврасида ўқиш, бирга спектакл ва кино кўриш ва таҳлил қилиш, кийиниш маданиятини шакллантириш, уйда гуллар парвариш қилиш, расм солиш ва ҳақозолар болани эстетик тарбиясини шакллантиришдаги жихатлардир.

Ота-оналар вояга етаётган фарзандларининг *жисмоний баркамоллигига* ўта маъсулият билан қарашлари лозим. Масалан: эрталабки бадан тарбия машқларини болалар билан биргаликда бажариш, тўғри ва витаминлаштирилган овқат бериш, дам олишни, уйқуни тўғри ташкил этиш вақтида шифокор назоратидан ўтказишлари зарур.

Бола ҳаётида *меҳнат тарбияси* муҳим саналади. Болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда меҳнат қилиш одобини шакллантириш ва кўникмалар ҳосил қилишда, уларнинг қизиқишлари ҳисобга олингандагина эришилади. Ота-оналар болани мактабга тайёрлашда унда меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга, меҳнатга эҳтиёжни тарбиялашга, бошқаларнинг меҳнатини қадрлашга, меҳнат натижаларини эҳтиёт қилишга ўргатишга жиддий эътибор беришлари лозим. Меҳнат болаларда уюшқоқлик, диққат, саранжом-сарипталикни тарбиялаш, шунингдек, мақсадга эришишда сабот ва матонат каби ирода хусусиятларини ривожлантириш воситасидир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни оилада тарбиялашни, ота-оналар билан ҳамкорликни бундан кейин янада такомиллаштириш йўлларини излаб топиш оилавий тарбиянинг ижтимоий тарбия билан алоқасини мустаҳкамлаш мактабгача тарбия муассасалари ходимлари педагогик омиллар, бу соҳада илмий иш олиб боровчи тадқиқотчилар ва тарбиячи-методистларнинг муҳим вазифасидир.

Болаларни тарбиялаш давлат аҳамиятидаги вазифадир. Унинг тўғри хал қилиниши тарбия ишининг қуйилишига мажмуавий ёндашувга таълим муассасалари, оила ва жамиятчиликнинг тўлиқ ўзаро таъсири ва ҳаракатларнинг бирлигига боғлиқ.

Болалар мактаб таълимига тайёргарлигига таъсир этувчи омиллар хақида гапирар эканмиз, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни оилада тарбиянинг ота-оналар билан ҳамкорликда, бундан кейин янада такомиллаштириш йўлларини излаб топилса мақсадга мувофиқ булар эди. Оилавий тарбиянинг ижтимоий тарбия билан алоқасини мустаҳкамлашда МТМ ходимлари, педагог олимлар, бу соҳада илмий иш олиб борувчи тадқиқотчи ва методистларнинг ўрни жуда катта.

МТМнинг оила билан ишлаш шакллари

«Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисида»ги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда ота-оналарнинг мустақил таълим бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача тарбия муассасаларида, шунингдек, МТМга жалб қилинган болалар учун болалар боғчасида, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади.


Бола куннинг асосий қисмини МТМда ўтказса ҳам, инсон комолоти учун энг муҳим бўлган омиллардан бири тарбиянинг тамал тоши оилада қўйилади. Шу сабабли ҳам мактабгача педагогиканинг асосий мақсади бўлган болаларни мактаб таълимига ҳар томонлама тайёрлашда МТМ билан оила ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. МТМнинг оила билан ишлаш тизимида аниқ мақсад, мазмун булиши керак. Мактабгача таълим муассасанинг ота-оналар билан ишлашида кенг аҳоли оммаси орасида педагогик ташвиқот ишларини ташкил қилиш туфайли болаларни тарбиялашда ижобий натижаларга эришиш мумкин. МТМ ходимлари ота-оналар ва оила билан ҳамкорликдаги ишларидан энг кенг тарқалган шаклларини келтирамиз.

Бола оиласи билан алоқаларни ўрнатиш шаклларида бири дастлабки **педагогик топшириқ**ни бажариш жараёнидаги ота-оналар ва тарбиячининг мулоқотида акс этади. Педагогик топшириқнинг бир неча турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Болалар билан узлуксиз(якка, гуруҳий, жамоавий) ишлаш, фаол тарбиявий нуқтаи назарни талаб этувчи топшириқ: болаларнинг қизиқишлари билан боғлиқ тўғаракларга раҳбарлик қилиш ва бошқалар. Тарбиячига ташкилий ёрдам кўрсатишни талаб этувчи топшириқ: экскурсияни ташкил этишга ёрдамлашиш(транспорт, йўлланма билан таъминлаш); таниқли кишилар билан учрашув-ларни ташкил этишга кўмаклашиш; гуруҳ хонасини жиҳозлашга ёрдамлашиш. Хўжалик вазифаларини ҳал этишга қаратилган, таълим муассасасининг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни талаб этувчи топшириқ: хоналарни жиҳозлаш, ўқув жиҳозлари ва қуролларини тайёрлашга иштирок этиш; таъмирлаш ишларига ёрдам бериш.

Педагогик топшириқларнинг санаб ўтилган мазкур турлари ота-оналарнинг ижтимоий ишларининг барча турларини қамраб олмайди. Ота-

оналарга улар нима билан шуғулланишни хоҳлаётганликлари бўйича савол билан мурожаат ва анкета тўлдиришни таклиф этиш мумкин.

Ота-она ва оила билан индивидуал ишлаш. Бунда оилага тарбиячининг бориши, ота-оналар учун суҳбат ўтказиш, уларга маслаҳат бериш, ота-оналарни боланинг мактабгача таълим муассасадаги ҳаёти билан таништириш кабилар киради.



МТМнинг оила билан олиб борадиган ишлари

Ота-оналар билан жамоа тарзида ташкил қилинадиган ишлар. Булар ота-оналарнинг гуруҳий ва умумий мажлислари, ота-оналар мактаби, анжуманлар, шанбалиқлар, савол жавоб кечалари.

Кўрсатмали ишлар – тарбиячи-методист томонидан МТМ жамоаси билан ҳамкорликда ёки шахсий ташаббуси асосида субъектлар, объект ва жараён билан бевосита танишиш мақсадида ташкил этиладиган амалий-кўрсатмали тадбирлар саналади.

Бу турдаги ишлар қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Кўргазмалар уюштириш (болаларнинг ишларини намойиш қилиш, очик эшиқлар куни, ота-оналар бурчаги, ота-оналар учун кутубхоналар ташкил қилиш).

2. Боланинг оиласини бориб кўриш ва оила аъзолари билан яқиндан танишиш.

3. Ота-оналар педагогик таълим бериш.

МТМда ота-оналар билан олиб бориладиган жамоавий ишлар қуйидаги мазмунга эга:

Педагогик маърузалар ота-оналарнинг эътиборини тарбиянинг замонавий муаммоларига қаратишни мақсад қилиб қўяди. Мазкур шакл ота-оналарни

тарбия назарияси асосларига доир тизимли билимлар билан қуроллантиришни талаб этади.

Педагогик мажбурий ўқишни илк ёш гуруҳданоқ ота-оналар билан бошлаш лозим, чунки айни шу пайтда МТМга, педагогик маърифатпарварликка муносабат пайдо бўлади. Агар биринчи машғулоти МТМ мудирини ўтиб берса, жуда яхши бўлади. Педагогик мажбурий ўқишда параллел гуруҳлар бирлаштирилиши ҳам мумкин.

Кўпгина таълим муассасаларида ота-оналар учун педагогик маърузалар ва мажбурий ўқишга билан таққослаганда, ота-оналарнинг тарбия назариясини эгаллашлари бўйича мураккаб иш шакллари билан бири ҳисобланган **педагогик таълим университети** ишлайди. Машғулотлар ҳам маъруза, ҳам семинар тарзида ташкил этилади. Албатта, ҳамма ота-оналар аудиторияси бундай иш шаклига тайёр эмас. Тез-тез таълим муассасаларида бундай «университет» тизими ишлари соддалашлаштириб турилади, номи ўзгармасдан қолса ҳам, мазмунига ўзгартиришлар киритилади.

МТМда тарбия жараёнини ташкил этиш муаммолари бўйича ота-оналарнинг анъанавий **йиллик илмий-амалий анжумани** шакллантирилади. Оила тарбиясига доир долзарб муаммо аниқлаб олинади. МТМ ва оилада бутун йил давомида уни назарий ва амалий ўрганиш амалга оширилади. Шундагина анжуман ҳақиқатдан ҳам яқиний бўлиши мумкин.

Очиқ эшиклар куни ёки МТМда ота-оналар куни жуда катта тайёргарликни талаб этиб, одатда уни болалар бир гуруҳни тугаллаб, кейинги босқичга ўтишларига мўлжалланади. МТМ махсус жиҳозланади, навбатчилар белгиланади, ажойиб байрам дастури тайёрланади.

Байрамни ўтказишнинг намунавий тузилиши:

○ мажлислар залида ўттиз дақиқа давомида турли гуруҳ ота-оналари учун МТМ фаол тарбияланувчиларининг чиқишлари ташкил этилади, энг яхши гуруҳ ва алоҳида тарбияланувчилар белгиланади;

○ гуруҳлар билан танишиш (тарбияланувчилар ота-оналарга қандай яшаётганликлари, қандай таълим олаётганликлари, нимани ўрганганликлари, ўзларининг кўникма ва малакаларини намойиш этишади; катта ва тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари сувенирлар тайёрлашади ва ота-оналарга топширишади);

○ кўрғазмаларга ташриф буюриш: «Энг яхши расмлар», «Энг яхши кўлда бажарилган ишлар», «Кичик мусаввирлар ва конструкторлар» ва бошқалар;

○ ота-оналар кўмитаси соврини учун ташкил этилган спорт мусобақалари;

○ тарбияланувчиларнинг бадиий фильм кўриши;

○ ота-оналар учун фильм намойиш этиш.

Албатта бундай очиқ эшиклар кунини ўтказиш вариантлари кўп. Энг асосийси – МТМда олиб борилаётган ишларни намойиш этиш, ота-оналарнинг эътиборини тарбиявий масалаларга қаратиш.

Ота-оналар мажлиси – анъанавий, ҳаммага яхши маълум иш шакли. Шу билан бирга бугун мажлис ўтказиш методикаси уни такомиллаштиришни талаб этади. Гуруҳ мажлисини ташкил этишга ёндашувлардан бири – мажлис мавзуларини муаммоли тарзда шакллантириш: «Қийинчиликлардан қочиш ёки уларни четлаб ўтиш болаларни тарбиялашга ёрдам берадими?», «Раҳмдил, ғамхўр қилиб тарбиялашни кечиктириш мумкинми?», «Болалардаги дангасаликни қандай йўқотиш керак?», «Болаларни ўзини-ўзи тарбиялаш ишларига қандай жалб этиш керак?» Фақатгина муаммо шакллантирилиб қолмасдан, ўтказиш учун қизиқарли ҳам бўлиши керак.

МТМда ташкил этиладиган **индивидуал ишлар** ота-оналар билан ишлашда муҳим ўрин тутаяди.

Индивидуал иш шаклларида бири – **тарбияланувчининг оиласига ташриф буюриш**дир. Бу шакл тарбиячи ва ота-оналарга жуда яхши маълум, бироқ, икки ҳолатда ташриф буюриш тўхтатилиши зарур.

Оила ташриф буюриш олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилиши зарур. Статистик маълумотларга қараганда, бугун 90% болалар ота ҳам, она ҳам ишлайдиган оилаларда тарбияланади. Демак, ҳар қандай вақт ҳам тарбияланувчига ташриф буюриш учун қулай эмас. Ноўрин ташриф буюриш бирор иш билан машғул бўлиб турган ота-оналарда норозилик уйғотиши мумкин. Баъзан шундай ҳам бўладики, тарбиячи уйга борганда ким билан суҳбатлашишни ҳам режалаштирмайди. Оила тарбиясига доир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «таклиф бўйича ташриф буюриш» тарбиячининг оилага ташриф буюришига нисбатан тарбияланувчиларнинг салбийдан ижобий, фаолгача бўлган радикал муносабатларини ўзгартиради.

Педагогик маслаҳат – МТМ томонидан ота-оналарга мактабгача таълим ёши болаларини самарали тарбиялашга доир муаммоларни ҳал қилишда кўрсатиладиган амалий-методик ёрдам. Маслаҳатнинг педагогик-психологик шартлари ўзида тарбиячи ва психологнинг ота-оналарнинг ташаббусларига ижобий муносабати, оилага ёрдам кўрсатишга тайёр туриш, ота-оналарда пайдо бўлган саволлар бўйича аниқ тавсия маслаҳатлар беришни акс эттиради.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг мазмуни

МТМда ота-оналар билан ишлаш бўйича йиллик режа тузилади. Бу режа педагогик кенгашда муҳокама қилинади. Режада умумий ва гуруҳий мажлислар, ота-оналар учун очиқ эшик кунлари, суҳбат ва маслаҳатлар, оталиқ ташкилотларида кўргазмалар ташкил этиш ва концертлар қўйиб бериш, шунингдек бу тадбирларни ўтказиш вақтлари ва унга маъсул бўлган шахслар белгиланади.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг мавзулари ва мазмуни тарбиячи-методистнинг режасида ва тарбиячининг календар режасида акс этади.

Ота-оналар билан ишлаш бўйича жуда кўп ишларни тарбиячи – педагог амалга оширади, чунки у бола тарбиясида юз бераётган ўзгаришларни

ҳаммадан кўпроқ кўради ва болалар ҳаёти билан яқиндан таниш бўлади. У ота-оналарга болалар тарбиясида нималарга кўпроқ эътибор Бериш кераклиги, уларни мактаб таълимига тайёрлаш, соғлиғини сақлаш, овқати ва кун тартибини тўғри ташкил этиш ва бошқалар соҳасида тавсиялар бериб боради.

Тарбиячиларнинг ота-оналар билан олиб борадиган ишлари шакл ва методларини тавсифлашдан олдин уларнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти ва оила билан алоқаларни йўлга қўйиш усулларининг баъзи психологик-педагогик таъсирларига тўхталиб ўтиш лозим.

Биринчи қоида. МТМ ва тарбиячиларнинг оила ва жамоатчилик билан олиб борадиган ишлари асосида ота-оналарнинг обрўсини ошириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳаракат ва тадбирлар туриши керак. Ота-оналар билан маслаҳатлашганда, ҳеч вақт «қилишингиз керак», «мажбурсиз» каби жумлаларни ишлатмаслик маъқул. Чунки кўпчилик ота-оналар ўз мажбуриятларини яхши биладилар, фақат амалиётда улар ана шу билганларини қандай амалга ошириш муаммосига дуч келишлари мумкин. Тарбиячи ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатларининг ягона тўғри шакли – бу ўзаро ҳурмат. Қачонки, назорат шаклида тажриба алмашиш, маслаҳат ва биргаликда муҳокама, ягона қарор шакллантирилса, иккала томон учун ҳам қониқиш ҳосил қилади. Бундай муносабатларнинг қиммати шундаки, тарбиячиларда ҳам, ота-оналарда ҳам шахсий жавобгарлик ҳиссини, талабчанлик, фуқаролик бурчини ривожлантиради.

Ота-оналарнинг иш жойларига «Ривожланиш ҳаритаси», «Очиқ журнал» кабиларни олиб бориш қутилган натижаларни бермайди. Ота-оналар билан суҳбатда «қора рўйхат»даги маълумотлардан фойдаланиш ҳам яхши фойда бермайди, чунки биринчидан, ота-оналарда болаларидан норозилик пайдо бўлади, иккинчидан таълим муассасасига нисбатан уларда салбий муносабат шаклланади. Кейин ота-оналар таълим муассасасига боргиси келмаслиги, улар болалари ҳақида ёмон фикр айтганликлари учун кўнгли тортмаслигини айтиб арз қилади. Баъзан бундай ҳолат оилада ота-она муносабатлари ёмонлашувига ҳам олиб келади. Охир-оқибат болада таълим муассасасига нисбатан ҳам, тарбиячиларга нисбатан ҳам салбий муносабат ҳосил бўлади. Тарбиячи тарбиявий иш шакл ва методларини танлашда қабул қилинган қарор ва талаб болалар кўз олдида ота-онанинг обрўсини мустаҳкамлаш ва оширишга имкон беришини ҳисобга олиши керак.

Иккинчи қоида. Ота-оналарнинг тарбияловчи имкониятларига ишониш, уларнинг педагогик маданияти даражаси ва тарбия-лашдаги фаоллигини ошириш. Кўпчилик ота-оналар психологик жиҳатдан барча талабларни қабул қилишга тайёр бўлишса ҳам, бироқ шундай ота-оналар борки, болаларни тарбиялашга масъулият билан ёндашиш ва бу жараёни чуқур тушунишга доир етарлича маълумотга ва педагогик тайёргарликка эга эмас.

Учинчи қоида. Педагогик такт, оила ҳаётига ножўя аралаштиришга йўл қўйилмаслиги. Тарбиячи – расмий шахс, бироқ у ўз фаолиятида оила ҳаётининг махфий томонларига, «бошқалар»дан сир сақланадиган томонларига ҳам дахлдор бўлади. Яхши тарбиячи оила учун бегона бўлмайди, ота-оналар ёрдам

қидирганларида уларнинг бу вазиятдан чиқишларига ишонади, маслаҳат беради. Оила қандай бўлиши, ота-оналар тарбиячилар билан қандай бўлишларига қарамасдан, тарбиячи ҳамма вақт уддабурон, ёрдамга тайёр бўлиши керак. Оила ҳақидаги ҳамма нарсага яхши томондан эътибор қаратиши, тарбияда ота-оналарга ёрдам кўрсатиши керак.

Тўртинчи қоида. Оилавий муаммоларни ҳал қилишга доир қарор қабул қилишда кўтаринки руҳ ва кайфият, боланинг ижобий сифатлари, оила тарбиясининг кучли томонлари, шахснинг муваффақиятли ривожлантиришга таяниш. Тарбияланувчининг ҳарактерини шаклланиши қийинчиликларсиз, қарама-қарши-ликларсиз кечмайди. Агар бу жараён шахс ривожланиши қонуниятининг намоён бўлиши сифатида идрок этилса, у ҳолда мазкур қийинчилик, қарама-қаршилиқ, кутилмаган натижалар тарбиячининг саросимага тушиб қолишига олиб келмайди. Ҳаммамизга яхши маълумки, юзага келган педагогик вазифаларни ҳал этишнинг ўнлаб усуллари мавжуд, бироқ улардан фақат бири мазкур аниқ вазият учун тўғри бўлиб чиқади. Ана шунинг учун ҳам мактабгача педагогикага тайёр кўрсатма сифатида эмас, шахсга самарали таъсир этишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан сифатида қараш керак.

МТМ ва оила ўртасида ҳамкорлик ўрнатишда мудира, педагоглар жамоаси ва ота-оналар биргаликда фаол иштирок этишлари лозим. Шундагина бола тарбиясида кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Ота-оналар билан ишлашда қуйидаги алоҳида иш шакллари билан фойдаланилади: суҳбатлар, маслаҳатлар, оилаларга бориш, айрим ота-оналарни боғчага таклиф этиш, алоҳида эсдаликлар ва кўчма папкалардан фойдаланиш.

Оилага таъриф буюришдан кўзланган **мақсад** – оила шароити, боланинг оиладаги ҳулқи қизиқишлари, ота-онаси ва оила аъзолари билан танишиш, шунингдек, ота-оналарни бола тарбиясининг самарали методлари билан таништириш ва оиланинг бола тарбиясидаги ижобий тажрибаларни ўрганиб, оммалаштиришдан иборат.

Тарбиячи боланинг уйига текширувчи сифатида эмас, балки дўст, бола тарбиясидек мураккаб ишда ёрдам берувчи сифатида бориши, оила аъзолари билан назокат ва хушмуомалалиқ билан муносабатда бўлиши керак. Тарбиячи ҳар бир оилага ҳар галл боришидан аввал ўз олдида аниқ мақсад қўйиши, қайси мавзуда суҳбатлашини олдиндан белгилаб олиши лозим. Ота-оналарга бериладиган саволлар пухта ўйланган бўлиши керак.

Суҳбат шундай тузилиши керакки, тарбиячи билан ота-она бир-бирларини яхши тушунишлари, улар ўртасида ишончли алоқа ўрнатилиши даркор. Оилага боришдан олдин тарбиячи шу оила тўғрисида (ота-оналарнинг феъл-атвори, оилавий муносабатлар, боланинг ривожланиш даражаси) тўғрисида маълум тасаввурларга эга бўлиши керак. Тарбиячи ота-оналар хурмати ва ишончини қозонмоқ учун аввал ота-оналарга боланинг ижобий фазилятлари тўғрисида фикр, мулоҳазаларини билиб олади ва боланинг уйидаги ҳаётини қандай ташкил этиш кераклиги, унга нималарни ўқиб ва хикоя қилиб бериш

мумкинлиги, боланинг кун тартиби, уни оила меҳнатида қатнаштириш, катталарга хурмат руҳида тарбиялаш каби таълим-тарбия ишлари мазмуни ва усуллари бўйича тавсиялар беради.

Албатта, тарбиячининг оила билан олиб борадиган ишида боланинг ёши, имкониятлари, ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Тарбиячининг ота-оналарга берадиган тавсия ва маслаҳатлари ишонarli бўлиши учун ота-оналар ёки оиланинг бошқа аъзолари МТМга таклиф қилинади. Бунда ота-оналар боланинг навбатчилик вазифасини қандай бажараётганини ёки сайрга чиқишдан аввал у қандай кийинаётганини кўрадилар ва болаларнинг ўқув ва имкониятларига ишонч хосил қиладилар.

Оилага боришнинг мақсад ва мазмуни тарбиячининг режаси ва ҳисоботида, кундалик дафтарида акс эттирилиши керак. Тарбиячи ҳар бир боланинг оиласига йилиги камида икки марта бориши керак.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг мазмуни ранг-баранг бўлиб, унда айрим масалалар биргаликда муҳокама қилиниши тақозо этади. М:

- болаларни тарбиялашда оиланинг роли, ота-оналарнинг вазифаси тўғрисидаги қонунлар, болаларни мактабга тайёрлаш ҳақида;

- МТМнинг йиллик иш режаси тўғрисида;

- ота-оналар жамоатчилигининг иши ҳақида.

Бу масалаларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш учун ота-оналарнинг гуруҳи ва умумий мажлислари, маслаҳатлар, конференциялар, ота-оналар кечалари каби иш шакллари жамоа иш шаклларига киради.

Ота-оналар мажлиси. Ота-оналар мажлисига боғчадаги ҳамма гуруҳ болаларининг ота-оналари, параллел гуруҳлар ота-оналари ва битта гуруҳ болаларининг ота-оналари таклиф этилиши мумкин.

Умумий мажлисда ота-оналарни мактабгача таълим ёшидаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва тарбиялаш вазифалари, шу йилги режалар, ота-оналар кўмитасининг фаолияти, оила тарбиясидаги илғор тажрибалар билан таништирилади. Бунда мажлисда мудира ёки методист-тарбиячи маъруза қилади, ота-оналар сўзга чиқишади, болалар гапиришади. Булар таълим-тарбия ишидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб олишга имкон беради, оила ва жамоатчилик алоқасини мустаҳкамлайди, ота-оналарнинг ўз боласининг тарбияси учун жавобгарлигини оширади, уларда боғчага қизиқиш уйғонади.

Гуруҳдаги ота-оналар мажлисида мазкур шдаги болаларнинг ота-оналари учун долзарб бўлган масалалар муҳокама қилинади.

М: умумий мажлис мавзуси «Болаларга ахлоқий тарбия беришда оиланинг роли» бўлса, ўрта гуруҳда ўтказиладиган мажлисда бу мавзу мураккаблаштирилиб, «Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялашда боғча ва оиланинг биргаликдаги ишлари», «Болаларда катталарга хурматни тарбиялаш» ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Ота-оналар учун тайёрланган маърузани болалар ишини, тегишли мавзудаги кинофильм, диапозитивлар кўриш билан қўшиб олиб бориш мумкин.

Болалар ҳаёти, фаолияти тўғрисидаги мисоллардан фойдаланганда ижобий материаллар кўпроқ бўлиши керак, салбий фактларни гапиришда эҳтиёткорлик ва одоб доирасидан четга чиқмаслик, танқид қилинувчиларнинг номлари кўрсатилмаслиги лозим. Танқидий мулоҳазалар мажлисдан кейин яқка тартибдаги суҳбат орқали ота-оналарга етказилиши, бола тарбиясидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар таклиф этилиши мумкин.

Йилнинг охирида ўтказиладиган гуруҳ мажлисида ота-оналарга бир йил мобайнида амалга оширилган таълим-тарбия ишлари ва келгуси йилнинг режалари, ҳақида гапириб берилади. Бу мажлисда фаол ота-оналар ҳам ҳисоб берадилар ва фаолларнинг янги таркиби сайланади.

Ота-оналар бурчаги ва кўргазма ташкил этиши. Ота-оналар бурчаги уларни тарбияга оид янгиликлар ва педагогик масалалар билан таништириш мақсадида ташкил этилади. Уларга китоблар, журналлар, расмлар, болаларнинг ишлари, болалар овқатининг хиллари, боланинг уйидаги ва оиладаги кун тартиби, ота-оналар учун эслатмалар, эълонлар жойлаштирилади. Бурчак вақти-вақти билан тарбия вазифасига қараб ўзгартириб турилади.

Педагогик билимларни тарғиб қилиш бўйича ташкил этиладиган кўргазмалар кўпинча ота-оналар конференциялари, мажлислари, консультациялар олдидан ташкил этилади. Унда халқ таълим тўғрисидаги қонун ва қарорлар, МТМ тармоқлари ва ундаги тарбияланувчилар сонининг ўсишини кўрсатувчи диаграммалар, болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнлари, болалар ҳаётини акс эттирувчи тасвирлар, китоб ва ўйинчоқлар, болаларнинг ишлари ўрин олади. Ота-оналар бурчаги оила билан олиб бориладиган ишнинг кўргазмали усули, унинг дид билан безатилишига алоҳида эътибор берилиши керак. Бундан ташқари, ота-оналарга тарбия тўғрисидаги фильмлар намойиш этилади, булар кўпинча ота-оналарни қизиқтирадиган бахслар бошланишига сабабчи бўлади.

Ота-оналар учун очик кунлар ташкил этилиши ҳам мактабгача таълим муассасалари ишида муҳим ўрин эгаллайди. Бундай кунларда ота-оналарга болаларнинг машғулоти, меҳнат, ўйин фаолиятлари, сайрлар ва болаларнинг жамоада ўларининг қандай тутушлари ва шунга ўхшашлар кўрсатилади.

Ота-оналар қўмитаси. Ота-оналар қўмитаси «Мактабгача таълим муассасасининг Устави»га биноан мудирага ёрдам бериш мақсадида тузилади. У ота-оналарнинг умумий мажлисида бир йил муддатга сайланади. Бу қўмитага ҳар бир ёш гуруҳ ота-оналаридан 1-2 вакил сайланади. Қўмитанинг асосий вазифаси мудирага мактабгача таълими муассасасининг хўжалик ва таълим-тарбия ишларида ёрдам бериш, қўмита аъзолари, ота-оналар мажлиси ва кечаларни тайёрлаш, ўтказиш ва бошқа ишларда тарбиячиларга кўмаклашишдир.

Ота-оналар қўмитаси болаларнинг ота-оналар билан танишади, болаларни тайёрлаш бўйича улар билан иш олиб боради. Қўмита аъзолари ҳар икки ойда бир марта йиғилиш ўтказади. Ота-оналар қўмитаси мудиранинг иш режалари ва

ишнинг ахволи тўғрисидаги ота-оналарни қизиқтирувчи баъзи масалалар ҳақидаги маъруза ва ҳисоботни эшитишга ҳақлидир.

Ота-оналар кўмитасининг фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар МТМда сақланади.

Аҳоли ўртасида педагогик билимларни тарғиб қилиш. Педагогик билимларни тарғиб этиш натижасида миллионлаб кишилар болаларини оилада МТМда тарбиялаш тамойилларини онгли равишда англаб олди.

Корхоналарда, хўжаликларда, жамоа жойларида, маҳаллаларда оилада бола тарбияси тўғрисида маърузалар билан чиқиш, телевидения ва радио эшиттиришлар, педагогик тарғибот ишининг кенг оммалашган воситаларидир. Тарғибот, шунингдек, вақтли матбуот: «Мактабгача таълим», «Халқ таълими», «Педагогик таълим» каби журналлар, кўп сонли бадиий педагогик, илмий оммабоп ва методик адабиётларни чиқариш орқали ҳам амалга оширилади.

Ота-оналар учун махсус педагогика ва рухшунослик, анатомия ва физиология, оила тарбияси назарияси ва амалиёти тўғрисида маърузалар ўқиш, болалар тарбияси тўғрисида кинофильм ва спектакллар намойиш қилиш.

Бу машғулотларни турли соҳалар бўйича юқори малакали тарбиячи, актёр, рухшунос мутахассислар олиб боради.

Педагогик тарғибот ишида қуйидаги *шартлар*га амал қилиш керак:

1. Педагогик тарғиб ҳаёт, жамият қурилиши амалиёти билан боғлаб олиб борилиши лозим. Педагогик тарғибот орқали кенг жамоатчиликка болаларни ҳар томонлама тарбиялаш масалалари ва уларни амалга ошириш йўллари, илмий асосланган усуллари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

2. Оила тажрибасидаги ижобий тажрибалар, оиладаги бола тарбиясида йўл қўйилган хатолар ва уларни олдини олиш, бартараф этиш йўллари тўғрисида тарғибот ишларини олиб борилади.

3. Педагогик тарғиботга тайёрлашда ота-оналар ҳар хил савияда эканликлари ҳисобга олиб, улар учун тайёрланган ахборот материаллари ишонарли, кўргазмали ва уларнинг хис туйғусига таъсир кўрсатадиган бўлиши керак.

Шундай қилиб, МТМ ва ота-оналар билан ҳамкорлик ишларини мунтазам равишда олиб боргандагина оила тарбияси ва ижтимоий тарбия ўртасидаги бирлик ўрнатилиши мумкин.

МТМда ота-оналар учун кечалар ва тўғараклар уюштиришнинг аҳамияти

МТМда ота-оналар билан ишлашнинг энг самарали шаклларида бири очик эшиклар кунидир. МТМ ишининг мураккаблиги, кўп қирралилиги ва унинг болалар тарбиясидаги аҳамиятини тушуниш учун ҳамма ота-оналар МТМда бўлиб туришлари керак.

Очик эшиклар куни жамоанинг ўз календарь йиллик режаси бўйича, ҳар бир ёшдаги гуруҳнинг маълум режими бўйича одатдаги меҳнат кунидир. Бундай кунларни йилига 1-2 марта ўтказиш тавсия қилинади.

Очиқ эшиклар кунини ўтказиш мўлжалланганда аввал тайёргарлик ишини ўтказиш зарур, яъни, ота-оналарга болаларни жисмоний чиниқтириш, овқатлантириш, машғулотларнинг борши, сайр қилиш ва бошқа кўпгина нарсаларни кўриш имкониятига эга бўлишлари ҳақида маълум қилинади.

Ота-оналарга эса қуйидагилар эслатилади: болалар билан оддий муносабатда бўлиш, уларнинг фаолиятида имкони борича иштирок этиш, тарбиячи машғулот ўтказаётган болалар диққатини четга тортмаслик, ўзининг фарзандига ҳатто у диққат қилмаётган ёки бирор нарсани нотўғри қилаётган бўлса ҳам танбеҳ бермаслик, ўз тассуротларини, фикрларини кўрик тугагандан сўнг болалар иштирокисиз айтиш мумкинлиги каби одоб қоидаларига риоя қилишни илтимос қилинади.

Очиқ эшиклар кунини ўтказишга тайёрланаётганда фотосуратчини таклиф этиш, кейинчалик эса «Ота-оналар бизнинг меҳмонимиз» ёки «Бизда очиқ эшиклар куни» мавзуида фотокўргазма ташкил этиш мумкин. Бу кўргазма МТМга шу кун ташриф буюрмаган ота ва оналарда анча қизиқниш уйғотади.

Болаларни тарбиялаш санъати ҳақида маъруза ва суҳбатлар циклини ташкил этиш мумкин. М: республика, вилоят, туман ва маҳаллалардаги намунали оилалар танлаб олиниб, оилаларда ота-оналар қарашидаги бирлик, ўзаро муносабатда ростгўйлик, самимийлик ва меҳнатсеварлик юқори ахлоқий ғояларни шакллантиради мазмунидаги суҳбат ва маърузаларни ўтказиб туриш самара беради.

Ота-оналар билан МТМ ходимларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш ва унинг мазмуни мактабгача тарбия муассасаси ишлаётган шароитларга боғлиқдир. Биргаликдаги фаолият керакли даражада амалга ошириладиган жойда ўзаро ёрдам, бир-бирини тушуниш, топширилган ишга жавобгарлик ҳолати вужудга келади.

Мактабгача тарбия муассасаларида ота-оналар ва бошқа оила аъзолари учун ўтказиладиган кечалар мавзули характерга эга бўлиб. «Мусиқа ва ҳаёт», «Бола ҳаётида китоб», «Бола ва табиат» каби мавзуларни танлаш мумкин.

Ҳамкорликнинг бу шаклининг ўзига хослиги шундаки, унда қисқача ахборотдан сўнг йиғилганларга болалар, МТМ ходимлари ва ота-оналарнинг бадий чикишларини кўриш тавсия қилинади. М: мусиқий раҳбарнинг чикишидан сўнг болалар ўзлари ўрганган ашула, ўйинларни бажаришади, сахналар кўрсатишади ёки бирор эртак сахналаштирилади.

Бундай кечалар учун «Болани қандай севиш керак?», «Болалар тарбиясида отанинг роли», «Биз ўз болаларимизни биламизми?», «Савол ва жавоблар кечаси» ва ҳ.к. мавзуларни танлаш мумкин.

Ота-оналарнинг болалар ёзувчилари, шоирларни, бастакорлари билан учрашувлари фойдалидир. Оила билан ишлашнинг оғзаки журнал юмалоқ стол атрофида учрашув каби шакллари яхши натижа беради, бунда педагог, шифокор, ҳуқуқшунос ва б. иштирок этади.

Болалар тарбиясида зарур бўлган амалий кўникмаларни ўзлаштиришда ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида улар учун қисқа муддатли тўгараклар

ташқил этилиб, ундаги машғулотларда болалар кийимини бичиш ва тикишни, тўқишни, турли хил овқатлар тайёрлашни ўрганишади. Улар билан болалар ашулалари ўрганилади, ясама ўйинчоқлар тайёрлаш санъати ўргатилади.

Ота-оналар билан ўтказиладиган савол ва жавоб кечалари, очиқ эшиклар кунлари диққатга сазовордир. Ота-оналарни танлов ҳарактеридаги ташкилий-педагогик ишларга жалб қилиш, М: юмшоқ ўйинчоқ тайёрлаш, сув ва қум билан ўйнаш учун ўйинчоқлар яшаш, сюжетли-ролли ўйинлар, майдончаларни кўкаламзорлаштириш учун жиҳозлар тайёрлаш муҳим тадбирлардир.

Бундай танловлар йиллик режада ўз ифодасини топган бўлиши керак. Танлов шартларини умумий ота-оналар мажлисида муҳокама қилиш ва маъқуллатиб олиш керак.

Фаол иштирокчи ота-оналарга ташаккурнома эълон қилиб, иш жойларига маълум қилиш керак, бундан улар маънавий қониқиш олади.

Бундай ишларни ўтказишда катта ёшдагиларни ҳам ёддан чиқармаслик керак. Буви ва буваларнинг амалий маслаҳатлари, уларнинг бой ҳаётий тажрибалари ёш ота-оналар учун ҳам, тарбиячилар учун ҳам қимматлидир.

Шундай қилиб, оила жамиятнинг асосий бўғини, у никоҳ ва қон-қариндошликка асосланиши ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Болаларни мактабга тайёрлашда оила алоҳида аҳамият касб этадиган маскандир. Оила болани мактабга тайёрлашда тарбияни ҳар томонлама, жумладан маънавий, ахлоқий, ақлий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбияларини биргаликда олиб бориш яхши самара беради. Мактабгача таълим ёшидаги болалар мактабгача таълимни уйда ота-оналарнинг мустақил таълим бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача тарбия муассасаларида, шунингдек, МТМга жалб қилинган болалар учун болалар боғчасида, мактабларда, махаллаларда ташқил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади. Оила шароитида таълим МТМ билан ўзаро ҳамкорликда ташқил этилсагина кутилган натижаларга эришиш мумкин. Шу мақсадда МТМ оилаларга методик ёрдам кўрсатади. Бу борадаги педагогик фаолият жамоавий ва индивидуал ишлар шаклида амалга оширилади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Оила тушунчасига таъриф беринг.
2. Оиланинг психологик, ижтимоий ва иқтисодий талқинини баён этинг.
3. Қандай асосларга кўра оиланинг вазифаларини тасниф этиш мумкин?
4. Жамиятга муносабати бўйича оиланинг вазифаларини айтиб беринг.
5. Инсонларга муносабати бўйича оиланинг вазифаларига нималар киради?
6. Педагогик-психологик адабиётларда ҳозирги замон оиласининг қандай вазифалари ажратиб кўрсатилган?
7. Оиланинг тарбиявий функциясининг моҳиятини тушун-тиринг.
8. Оила билан алоқаларни йўлга қўйиш қоидаларини баён этинг.

9. МТМнинг оила билан олиб борадиган ишларининг нечта шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин?

10. МТМнинг оила билан олиб борадиган ишларининг жамоавий шаклларига нималар киради?

11. МТМнинг оила билан олиб борадиган ишларининг индивидуал шаклларига нималар киради?

5-мавзу. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ЖИСМОНИЙ ЖИҲАТДАН ТАЙЁРЛАШ

Таянч иборалар: *бола, мактабга тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, жисмоний ривожланиш, кун тартиби, чидамлилиқ*

Боланинг мактабда ўқишига жисмоний тайёрлиги.

Болани мактабда ўқишга жисмоний тайёрлиги ўқишнинг муваффақиятли бўлишида катта аҳамиятга эгадир. Мактабга чиқиш муносабати билан бола турмуш тарзининг қайта қурилиши, кун тартибининг ўзгариши, жиддий ўқув меҳнати, дарсларнинг давомийлиги ундан сезиларли жисмоний зўр беришни талаб қилади. Мактабга жисмоний тайёрлик кўпгина таркибий қисмлардан таркиб топади:

1. Мактабгача ёшдаги болалар саломатлигининг яхши булиши;

2. Организмнинг чиникканлиги, маълум даражада чидамлилиги ва иш қобилияти, касалликларга қаршилиқ курсата олиши;

3. Мактабгача ёшдаги болаларни майда кўл моторикасининг ривожланганлиги;

4. Маданий гигиеник малакаларни эгалланишини, уларда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш одатини тарбиялашни назарда тутати.

Жисмоний тайёрлик бола мактабга тайёргарлигининг зарур таркибий қисми ҳисобланади.

Мактабга етукликни аниқлашда бола соғлигининг ҳолати ва организмнинг биологик етуклигини баҳолаш (антропометрик кўрсаткичлар суяк, мушак, нафас олиш ва юрак-томир тизимининг) ривожланганлигини назарда тутувчи кўп омилли таҳлилдан, мактабга функционал тайёрликни «Мактабга етуклик»ни асосий кўрсаткичи ва энг аввало бир қатор физиологик функцияларининг ривожланиш даражасини баҳолашдан фойдаланилади. Буларга: партада анчагина ўзок муддат ўтириш учун зарур бўладиган тормизланиш қобилиятининг ривожланганлиги; ҳаракатларни яхши бошқариш, жумладан ёзиш ва расм солишга алоқадор график вазифаларни бажаришда зарур бўладиган бармоқларнинг майда ҳаракатлари; ижобий ва тормозланишига ҳос шартли алоқаларни нисбатан тез ҳосил қилиш ҳамда мустаҳкамлаш, шунингдек иккинчи сигнал системанинг етарлича ривожланганлигига таъликлидир.

Кун тартиби, чиниктирувчи муолажалар, мунтазам жисмоний тарбия машғулоти, ҳилма-ҳил ҳаракатли уйинлар ва жисмоний машқлар фаол ҳаракат режими болаларни мактабда ўқишга жисмоний тайёрлигини таъминлашнинг зарурий шартлари ҳисобланади.

1. Жисмоний ривожланганлик даражаси

- Мустакил тарзда жисмоний машқларни бажара олиш;
- Буйрукка (старт, стоп) асосланиб югура олиш;
- Нарвўн ёрдамида тепаликка чика олиш ва пастга туша олиш;
- Нарвон устида ўтириб олдинга силжий олиш;
- 5 секунд давомида арконда осилиб туриш;
- Арғимчок уча олиш;
- Чекланган саф ва чизик бўлаб юра олиш;
- Кия кўйилган тахта устидан юриб ўта олиш;
- Бир оёкда калдиргоч бўлиб тура олиш;
- Оёк учлари билан буюмларни кисиб кўтариш, пастга суриш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчира олиш;
- Жойидан туриб 15-20 марта сакрай олиш, 70-80 см ўзунликка сакрай олиш, 30 см баландликдаги тўсикдан сакраб ўтиш;
- Тўхтамасдан 2-3 минут давомида югура олиш; 100 метр масофани тўхтамасдан югуриб ўтиш;
- 10 метр масофани эмаклаб ўтиш;
- Сафда тўғри туриш ва сафни ўзунасига юриш;
- Сафланиш ва кайта сафланишни билиш;
- Мусика оҳангига мос ҳолда ҳаракат кила билиш;
- Коптокни ирғитиш ва илиб олиш;
- Илон изи шаклида юриш;
- Тўп-тўп бўлиб айлана бўйлаб юра олиш;
- Ҳалк ўйинлари «Ким чаккон», «Ок теракми-кўк терак?», «Куёним куёним не бўлди?», «Читти гул»...

Болаларни мактабга тайёрлашда кун тартибининг ўрни

Кун тартибидаги аксарият ҳолларда генетик ва чиниктирувчи муолажаларни бажариш орқали боланинг билим доираси кенгайди. Аклий фаоллиги ортади. У жасурлик, халлолик, батартиблик, каътийлик, мустакиллик ва шунга ўхшаш ижобий хулқ нормалари ва коидаларини ҳам эгаллаб шаклланади. Жисмоний тарбия аксарият ҳолларда бутун гуруҳ билан бажарилади. Жисмоний тарбия машғулотларида ҳаракатли ўйинларда болаларда жамоатчилик уюшқоклик, интизомлилик каби хислатлар шаклланади.

Ўқиш учун болалар анчагина жисмоний ва аклий куч сарфлашлари керак. Шунинг учун ота-она бола мактабга боргунига қадар унинг тўғри жисмоний ривожланиши ва соғлом бўлиб ўсиши ғамхўрлик қилиши жуда муҳимдир.

Одатда, соғлом бола касалманд ва заиф болага нисбатан мактаб тартибига ва бутун дарс давомида ўзида жуш уриб турган ғайратларини тийиб жим

ўтиришга тезроқ кўникади. Ҳар бир бола аниқ кун тартибига онгли равишда риоя қилишига боғлиқ. Болани мактаб режимига тайёрлашда, унинг соғлигини мустақамлашда эрталаб маълум вақтда ўриндан туриш, овқатланиш ва уйкуга ётишга аниқ риоя қилиниши керак.

Ҳар бир оила меҳнат фаолиятининг характери, маиший шароити, болаларнинг сони ва шу қабиларга ўз яшаш тартибини ўрнатади. Бирок бир нарсани, яъни мактабгача ёшдаги боланинг нонуштаси ва тушлиги ўртасидаги оралик 4 соатдан ошмаслигини, тушлик ва кечки овқат ўртасидаги оралик – бир оз каттароқ (6-7 соат), бунинг орасида енгил овқатланиш кечки чой бўлиши муҳимдир.

Боланинг бир суткадаги уйқуси тахминан 11 соатни ташкил қилиши керак. Бола тушликдан сунг 1-1,5 соат дам олиши, кечкурун у доимо бир вақтда, яъни 9 дан кечикмай ухлаши муҳимдир.

Болаларни тўғри дам олишлари учун куйидаги қоидаларга риоя қилиш зарурдир:

- бола ухлайдиган ҳонани яхшилаб шамоллатинг;
- болани ухлашга ётишдан олдин тишини тозалашга, юз-кўли, буйни, оёғини ювишга одатлантиринг;
- болага ўринда нонушта қилишга асло йул қуймаслик.

Боланинг нормал ривожланиши учун у тоза ҳавода кўп ҳаракат қилиши керак. Тенгдошлари билан чопсин, сакрасин, нарсаларга тирмашиб чиксин. Бола очик ҳавода киш ойларида 4 соатдан кам бўлмасин, ёзда эса деярли бутун кунини очик ҳавода ўтказиши керак.

Болага уззу-кун тиним билмай лакиллаб юришга йул қуйиб булмайди, бундай ортикча ўйинқароқликдан бола мактабнинг талабчан интизомига кўникиши кийин бўлади. Ҳаракатли ўйинларнинг тинч машғулотлар билан алмашилиб туришини кўзатиб бориш зарур.

Боланинг кундалиқ тартибга амал қилиши учун асосан, катъий назорат лозим. Бола кундалиқ тартибни бажариш мажбурийлигига ва ҳеч қандай гап, илтимослар, маълум вақтда овқатланмаслик ҳамда ўйнамасликка сабаб бўла олмаслигига кўникиши керак. Шу билан бирга режимнинг зарурлиги ва унинг фойдасини доимо тушунтириб бориш лозим.

Кун тартибининг аҳамияти бола фаолиятининг ҳар қил турларининг алмашилиб туришини таъминлашдир, бу эса ёш, ўсувчи организмни чарчашдан саклайди, боланинг ҳар томонлама камол топишига имкон беради. Масалан, бола расм солишга кизиқиб кетиб, столдан 40 минут давомида турмади, лекин у фаол ҳаракат қилиши, яъни ўйнаши, чопиши керак. Шунинг учун у ўйнаб бўлганидан кейингина унга тинч ўйин ёки машғулотни тавсия қилиш мумкин. Агарда иш шу йусинда кетса, бола шундай тартибга риоя қилса, у қай даражада бўлмасин аста-секин ўз фаолиятини бошқаришга одатланади, бу уни кундалиқ ва мактаб режимининг асосий қоидаларига осонгина кўникишида катта аҳамиятга эгадир.

Олти ёшли боланинг кун тартиби

№	Кун тартиби	Вакти
1.	Ўриндан туриш, бадан тарбия машқларини килиш, ювиниш, ўринни йиғиштириш.	8.00-8.45
2.	Нонушта	8.45-9.15
3.	Сайр	9.15-10.00
4.	Машғулот	10.00-11.00
5.	Очик ҳавода ўйнаш, сайр килиш, кўнгил очиш.	11.00-12.45
6.	Тушлик овкат	12.45-13.15
7.	Кундузги уйку	13.15-15.00
8.	Ўзи ёктирган иш билан шуғулланиш учун бўш вақт	15.00-16.00
9.	Кечки чой	16.00-16.15
10.	Очик ҳавода сайр килиш ва ўйнаш	16.15-18.00
11.	Кечки овкат	18.00-18.30
12.	Тинч уйинлар, катталар топшириғига кўра кўлидан келадиган ишларни бажариш	18.30-20.15
13.	Уйкуга тайёрланиш, гигиеник тадбирлар (тишни тозалаш, ювиниш)	20.15-20.30
14.	Тунгу уйку	20.30

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Болаларнинг мактабда ўқишига жисмоний тайёрлиги нималардан иборат?
2. Болаларни мактабга тайёрлашда кун тартиби қандай бўлиши керак?
3. Жисмоний тарбиянинг асосий воситалари қайсилар?
4. Жисмоний тарбиянинг биринчи даражалий вазифаларига нималар киради?

6-мавзу. БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБТАЪЛИМИ ТАЙЁРЛАШДА НУТКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САВОДГА УРГАТИШ

Таянч тушунчалар: руҳият, соғлом, тетик, ривожлантириш, ахлоқий сифатлари, ўзлаштириш, меъёрли.

Мактабгача ёшдаги болаларни турли фаолият ёъналишларида савод ўргатишга тайёрлаш.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажакда кўп жихатдан баркамол, интеллектуал салоҳиятли авлод ва унга таълим-тарбия бериш сифатига боғлиқ. Шу боис Ватани, ҳалқини севадиган, истиқлол ғояларига садоқатли, мустақил фикрлайдиган ижодкор шахсни етиштириш давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шунинг билан бирга таълим тизимидаги туб ислохотлар орқали шахс маънавий камолотини таъминлаш мазкур йўналишнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таълим тизимини тубдан ислох қилиш, маънавий баркамол шахсни тарбиялаш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларидан бири эканлиги кўрсатилган. Мактабгача таълим, умуман олганда, узликсиз таълимнинг биринчи босқичи ҳисобланиб, у мактабда ўқиш учун тайёр бўлган соғлом ва тўлақонли шахс сифатида шаклланган болани тарбиялашни кўзда тутди.

Болани мактабда муваффақиятли таълим олишга тайёрлаш учун унга она тилининг барча бойликларини эгаллаб олиш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш зарур. Бола нутқининг ривожини кўп жихатдан унинг руҳиятига, соғлом, тетик ўсишига. Ахлоқий сифатларига ўқув дастурини ўзлаштиришда меъёрли бажарилишини таъминлашшига, қўлланмаларнинг монандлигига боғлиқдир. Бу масалалар мактабгача таълимда ўз ечими ифодасини топиши ва ўз она тилида равон гапира оладиган қилиб тарбиялашга қаратилиши зарур.

Болаларнинг ақлий жараёнини ривожлантириш учун уларнинг нутқини ўстириш зарур: Бола ҳар бир сўз маносини тушуна олиши уни ўз нутқида эркин ифодалашга мувофиқ бўлиши керак. Тушунчалар тизимига мослашган бола ўз фикрини жамлаб гапиришга ва ифодалаб беришга ўрганади.

Оғзаки нутқни ўстириш бўйича ўтказиладиган машғулотларда, асосан, болаларнинг оғзаки нутқини ўстиришга, нутқни грамматик томондан тўғри шакллантиришга, нутқнинг морфологик ва синтаксис томонларини шакллантиришни давом эттириш: содда ва қўшма гаплар тузиш, бунда барча сўз туркумларидан фойдаланишга ўргатиш, болаларни гапирганда сонни отга, сифатни отга, сифатни феълга тўғри ишлатиш малакаларини такомиллаштириш, товуш ва сўзларни тўғри талаффуз этишга, равон гапиришга, мустақил ҳикоя қилишга эътибор берилади. Оғзаки нутқини ўстиришда мустақил ҳикоя қилишга ўргатиш катта ўрин эгаллайди: болаларни ўз ҳаётларида учраган воқеалар, суратларга қараб, тарбиячининг

таклиф қилган мавзуси асосида ҳикоялар тузишга ўргатилади. Тайёрлов гуруҳ болаларининг ҳикоялари мазмунан боғланган, маълум изчилликда, грамматик томондан тўғри тузилган бўлиши керак.

Мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири болаларнинг ўз халқининг бадиий тилини ўзлаштириб олишлари натижасида уларнинг тўғри оғзаки нутқини шакллантиришдан иборатдир. Бу умумий вазифа қуйидаги махсус вазифалардан иборат: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, луғатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш, оғзаки (диалогик) нутқни шакллантириш, раво нутқни ривожлантириш, бадиий сўзга қизиқишни тарбиялаш, савод ўргатишга тайёрлаш.

Болалар нутқини ривожлантиришни тегишли дастур асосида амалга ошириш зарур. Ушбу дастурда атроф-олам ҳақидаги билимлар доираси ва луғат ҳажми, ҳар бир ёш босқичида болаларда шаклланиши лозим бўлган нутқий маҳорат ва кўникмалар белгиланган бўлиб, у шахснинг муайян сифатларини (киришимлилик, хушмуомалалик, босиқлик) тарбиялашни кўзда тутиши лозим.

Нутқни ривожлантириш дастури илмий асосларга қурилган бўлиб, у бутун мазмуни билан бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. Нутқни ривожлантириш дастури бола фаолиятининг ўқув, ўйин, меҳнат ва маиший каби шаклларида амалга ошади. Жамоат тарбияси шароитида таълим - бола нутқини шакллантиришнинг етакчи воситаси ҳисобланади.

Она тилини ўқитиш – болаларнинг билиш қобилиятини режали, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ривожлантириш, уларнинг атроф-олам ҳақидаги энг оддий билимларни ва тегишли луғатни ўзлаштириш, нутқий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириш жараёнидир. Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишнинг асосий шакли – машғулотлардир.

Дидактик мақсадлар бўйича қуйидаги машғулотлар турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- янги материални маълум қилиш машғулотли;
- билимлар, маҳорат ва кўникмалар мустаҳкамлашга оид машғулотлар;
- билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга оид машғулотлар;
- якуний машғулотлар ёки ҳисоб-текширув (назорат) машғулотлари.

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар нутқини ривожлантиришга доир машғулотларни дидактик ўйинлар, эрмак ўйинлар, сахна кўринишлари шаклида ўтказиш тавсия қилинади. Улар нафақат кўнгилочар тусга, балки албатта таълим тусига эга бўлиши лозим.

3 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар нутқини ривожлантириш эмоционал тусга эга бўлиши лозим. Бунда кўрғазмавийлик, ўйин усуллари ва дидактик ўйинларни кенг қўллаш зарур.

5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар нутқини ривожлантиришга доир машғулотлар муайян вазифага эга – яъни, у болаларни мактабда ўқишга тайёрлашни кўзда тутди.

Машғулотларда педагог нутқий вазифалардан ташқари ўқув фаолиятини йўлга қўйиш қобилиятини шакллантириш (диққат-эътиборли бўлиш, педагог топшириғини тинглаш, тушуниш ва уни аниқ бажариш, болалар жамоаси олдида фикр олдира олиш, тенгдошининг жавобига оддий баҳо бера олиш ва ҳ.к.) вазифасини ҳам бажаради.

Саводга тайёрлаш бўйича ўтказиладиган машғулотларда саводга ўргатиш икки даврга ажратилади.

Тайёргарлик даври.

Асосий давр (Саводга тайёрлаш).

Саводга ўргатишнинг **тайёргарлик даври** вазифалари сентябр, октябр ойларида режалаштирилади. Бу даврда қуйидаги ишлар олиб борилади:

1. Товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва шакллантириш.

2. Унли ва ундош товушлар ҳақида тушунча бериш.

3. Жарангли ва жарангсиз товушларни ажратишга ўргатиш асосида фонематик идрокни ва тасаввурни ривожлантириш.

4. Оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

а) гапни сўзларга бўлиш, сўзларни бўғинларга бўлиш;

б) маълум товушларнинг ўрнини аниқлаш (сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида);

в) сўзда товушлар кетма-кетлигини ва сонини аниқлаш;

г) товушлардан бўғинлар, сўзлар тузишга ўргатиш;

д) товушларни эшитишда фарқлашга ўргатиш;

Тайёрлов гуруҳида нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш йўналишининг саводга ўргатиш бўлими 2-босқичи - **асосий даврида** (октябр-май) қуйидаги ишлар олиб борилади:

1. Берилган товушни ҳарф белгиси билан таништириш.

2. Кесма ҳарфлар ёрдамида товуш-ҳарф таҳлил ва синтези бўйича машқларни бажаришга ўргатиб бориш;

3. Бўғин ўқиш;

2. Кесма ҳарфлар ёрдамида бўғин ва сўзларни тузиш ва уларни бўғинлаб ўқишга ўргатиш.

Тайёрлов гуруҳларида йил давомида ўтказиладиган машғулотлар болалар ёшига мос бўлиши ва кетма-кетликда олиб борилиши керак.

Машғулотлар ишланмасида мавзунинг мақсад-вазифалари, кутилаётган натижалар, керакли жиҳозлар, машғулотнинг бориши тўлиқ ёритилади. Машғулот мавзулари болалар учун тушунарли, амалий ишлар ва турли интерфаол ўйинлар болалар ёшига мос, қизиқарли ва турли бўлиши лозим. Машғулотлар давомида болалар бармоқ машқларини тетиклаштирувчи дақиқаларда бажарадилар, ҳарфлар билан махсус ўйинлар (йиғиш, териш),

амалий ишларни бажариб, алифбени билиб, бўғинларни ўқий олиш кўникмалари мустаҳкамланиб боради.

Бола нутқи ривожланганлигини аниқлаш (саводхонликка ўргатиш).

Мақсад: Болаларнинг товушлар, сўзлар ва сўз бирикмалари ҳақидаги билим ва тасаввурларини, уларнинг сўзларни бўғинларга ажаратиш ҳамда берилган сўзлардан гап тузишни билишини аниқлаш.

1. «Чиройли стол» сўзи иштирокида гап тузиш.
2. «Ручка» чиқиб сўзи билан сўз бирикмаси ўйла.
3. Копток ҳақида имкон қадар кўп сўз айт.
4. «Болалар мактабга келишди. Улар синфда ўтиришибди. Дарс бошланди. Бир тингловчини доскага чақиришди». Бу ҳикояда нечта гап бор (ҳар бир гапни учбурчак билан белгиланг. Қанча учбурчак бўлса, демак шунча гап бўлади).
5. «Машина», «ошхона» сўзларини бўғинлаб айт.
6. «Баҳор келди» сўз бирикмасидан гап туз.
7. Сўз нимадан ташкил топган?
8. Гап нимадан ташкил топган?
9. Хонадаги «О» товуши бор нарсаларни айт (бошқа товушларни ҳам айтиш мумкин).

- *Иккита гапни эплаб гапира олмасанг, мактабда қандай ўқийсан?*
- *Санашни билмайсан-у, мактабга қандай борасан?*
- *Мактабга борсанг, ўртоқларинг бу килигиндан лол қолишади!*
- *Ҳеч нарсани билмайсан, мактабга борсанг бизни уялтирасан!*

Каби таъна-дашномлар, болада мактабдан кўркиш, ундан хавфсирашнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Шундай куркув билан мактабга борган болаларнинг мактабга бўлган муносабатини ўзгартириш, уларда ўзига нисбатан ишонч уйғотиш учун хаддан зиёд куч, вақт, меҳнат, сабр-тоқат, чидам, эътибор зарур бўлади. Бу эса болада олдиндан мактабга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга қараганда шубҳасиз, мураккаб жараён дир.

Боланинг фаоллиги ижтимоий тарихий тажрибани ўзлаштиришга ёрдам беради, бунинг асосида унинг билиш, кўрғазмалар, ўйин, энг оддий меҳнат ва ўқув каби хилма-хил фаолият турлари, шунингдек, муомаласи шаклланади. Бола у ёки бу фаолиятни ўзлаштириб, фаоллик кўрсатади, айти пайтда шу фаолият билан боғлиқ билимлар, малака, кўникмаларни ўзлаштиради, шу асосда унда хилма-хил қобилиятлар ва шахс хусусиятлари шаклланади.

Боланинг фаолиятдаги мавқеи уни фақат тарбия объектига эмас, шу билан бирга тарбия субъектига ҳам айлантиради. Бу болани тарбиялаш ва ривожлантиришда фаолиятнинг етакчилик ролини белгилайди. Болаларнинг ривожланиши ва тарбияланишининг ёш билан боғлиқ даврларида фаолиятнинг турли хиллари ёнма-ён бўлади ва ўзаро таъсир кўрсатади, лекин бунда уларнинг роли бир хил бўлмайди: ҳар бир босқичда фаолиятнинг етакчи тури

ажратилади, унда боланинг ривожланишидаги асосий ютуқлар намоён бўлади. Ҳар бир фаолият эҳтиёж, сабаблар, фаолият мақсади, мавзуи, воситалари, буюмлар билан амалга ошириладиган ҳаракатлар ва ниҳоят, натижа билан ажралиб туради. Илмий маълумотларнинг далолат беришича, бола уларни дарҳол эмас, балки аста-секин ва катта ёшдаги одамнинг раҳбарлигида эгаллайди. Бола фаолиятининг хилма-хиллиги ва бойлиги, уни эгаллашдаги муваффақият оиладаги, Мактабгача таълим муассасаси тарбия ва таълим шароитларига боғлиқ, бўлади.

Боланинг дастлабки ёшларидан бошлаб фаолиятнинг энг оддий турлари унинг шахсий қобилиятларини, хусусиятларини ва атрофдаги нарсаларга муносабатини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзлаштирилган билимлар ва ривожланган ақлий қобилиятларни болалар хилма-хил ўйинларда ва меҳнатда қўллайдилар. Буларнинг ҳаммаси бола шахсининг ривожланишига таъсир этади, унда фаолиятнинг янги мазмунига қизиқишни шакллантиради.

Мактабгача ёш давридаги эҳтиёжлар, ҳис-туйғулар, сабаблар, мақсадларни тарбиялаш ва ривожлантириш шу даражага етадиган, у болага мактабдаги мунтазам ўқишга ўтиш имконини беради.

Кичик мактаб ёшида асосий нарса ўқиш бўлиб қолади ва уни болалар ижтимоий аҳамиятга молик фаолият сифатида тушунадилар. Боланинг жамиятдаги янги мавқеи ўз хатти-ҳаракатини ва тенгдошларининг хатти-ҳаракатини ўзгача нуқтаи назардан – мактаб тингловчиси нуқтаи назаридан баҳолашни шарт қилиб қўяди. Бола фаоллик, ижодкорлик кўрсатиб, катталарнинг унинг хулқ-атворига ва фаолиятига қўяётган тобора мураккаблашиб бораётган талабларини бажаришга интилади.

Ҳар бир фаолият турининг мазмуни ва тузилишининг ижтимоий-тарихий табиати ҳар бир ёш авлодга объектив равишда берилган бўлади. Одамларнинг ишлаб чиқариш қуролларида, билимларда, санъатда, ахлоқда ва ҳоказоларда жамланган сермахсул фаолияти натижалари биргаликдаги фаолиятда ва мулоқотда бўлган пайтда тарбия ва таълим воситасида катта авлоддан кичикларга берилади. Одам шахсининг ижтимоий табиати ана шундай шаклланади.

Болалар нутқини ўстириш ва саводга тайёргарлик. Нутқ ўстириш ва саводга тайёрлаш минн муҳитига М. Монтессори ва бошқаларнинг нутқ ўстириш бўйича машғулотлар ўтказишнинг турли услубларини қўйиш мумкин. Ҳозир мактабгача ёшдаги болаларни ўқишга ўргатиш тўғрисида мунозаралар ўтказишяпти. Амалиёт шуни кўрсатадики, тарбиячи методик жиҳатдан ишни тўғри ташкил этиши лозим. Тўғри ташкил этилган ўйин фаолияти орқали болалар ҳарфлар билан ўйнашади, ўқишга ўрганишади, сўзлар ёзилган турли туман карточкалардан, йирик босма шрифтлар, чиройли расмлардан фойдаланишади.

М.Монтессорининг шиори – «Менга ўзим бажаришим учун ёрдам бер, мен ўзим бажараман». Тарбиячи доим меҳрибон, сабр-тоқатли, болани тўғри йўлга

йўналтириши, ўзининг шахсий намунаси билан нима қилиш ва қандай қилиш лозимлигини кўрсатиши лозим. У бу ерда устоз эмас, балки воқеаларнинг қатнашчиси сифатида иштирок этади: фақат болаларни қизиқтира олиши лозим. Ўзаро бир-бирини тушуниш, англаш ва муҳаббат туйғуси асосида мулоқот олиб борилади. Табассум, имо-ишора билан кичкинтойни қўллаб қувватлаб туради, кўпроқ уни мақтайди. Тарбиячининг ички дунёси билан кичкинтойнинг ички туйғуси ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик мавжуд, тарбиячининг маданият даражаси қанчалик юқори бўлса, боланинг маданият даражаси шунчалик юқори бўлади. Бундай жараён даврида тарбиячи ҳам, бола ҳам шаклланади, бу эса ҳамма учун ҳиссий қулайлик яратади, шунингдек, оналарни ҳам ижод қилишга уўналтиради. Ижодий ривожлантирувчи муҳитнинг самараси кичкинтойнинг умумий тараққиётига, ижодий тафаккурига, мустақиллигига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитгагина боғлиқ эмас, балки тарбиячининг бола билан бўладиган мулоқотига, вазиятга, бериладиган топшириқларга, уларни бериш усулларига ҳам болиқ. Болаларга таълим-тарбия бериш бир тартибда ўтмайди. Тарбиячи болаларнинг тараққий этиш динамикасини кузатиб бориши, лозим бўлса, ёрдам кўрсатиши лозим. Аммо бунда боланинг психикасига нисбатан ютуқлари даражаси дастур талаблари билан солиштирилмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, юқорида кўрсатилган шарт-шароитларда психикаси соғлом бола сезиларли даражада анъанавий давлат таълим стандартларидан ўзиб кетади, ривожланишида нуқсонли бўлган болалар эса ўз ёшларига мос етарлича билим ва малакалар оладилар. Юқори даражада олинадиган билимлар даражаси ҳар бир боланинг индивидуал имкониятларига боғлиқ. Ижодий–ривожлантирувчи муҳитни тўғри ташкил этиш бола шахсининг ҳар томонлама етуқлиги: мустақил, мақсадга интилувчан, ишни тўғри режалаштира олиш қобилиятларини такомиллаштиради. Бундай вазият болани тўғри англаб ҳаракат қилишга ўргатади. Тарбиячилар болаларнинг ўхшамайдиган хислатларини қадрлашлари, ўзига хос индивидуал бўлишларини ҳурмат қилишлари лозим.

Тарбиячилар! Болани мажбурламанг, боланинг эркин фаолият юритиши учун имконият яратиб беринг. Энг асосийси, ҳамма нарса бола учун қизиқарли бўлиши лозим.

1. Эшитиш ва тушуниш малакасини шакллантириш.

1. Импрессив мулоқотчанлик;

2. Нутқ малакаси. Экспрессив мулоқотчанлик.

2. Ўқиш ва саводга тайёргарлик кўриш.

1. Китобнинг қадр-қимматини тушуниш;

2. Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.

Бу йўналишда болаларнинг нутқи ва уларда шаклланаётган ўқиш ва ёзиш малакалари орқали мулоқот қилишнинг белгилари ривожланади.

Катталар билан мулоқотда бола:

- Катталар билан мулоқотга кириша олади;

- Катталарнинг саволларига жавоб бера ола олади;
- Ўз фикрини катталарга баён қила олади;
- Диалогик нутқдан фойдаланиб суҳбатлаша олади;
- Истагини сўз билан ифодалай олади;
- Катталардан сўз орқали ёрдам сўрайди;
- Оиласи ва танишлари тўғрисида ҳикоя қилиб бера олади:
- Катталар билан бошқа мавзуларда ҳам сўзлаша олади;
- Одоб билан мулоқотга кириша олади;
- Муомалада нутқ ва имо-ишораларни қўллай олади;
- Катталар билан мулоқот қилишда таниш қонун-қоидаларга риоя қилади;
- Катталарга мурожаат қилишнинг турли усулларида фойдаланади;
- Нотаниш катталар билан мулоқотга кириша олади.
- Тенгдошлари билан мулоқотда:
- Тенгдошлари билан ёнма-ён ўйнай олади;
- Тенгдошлари билан мулоқотга кириша олади;
- Тенгдошлари билан саломлаша олади;
- Тенгдошларини исми билан чақиради;
- Олган таассуротларини бошқа болалар билан ўртоқлаша олади;
- Тенгдошлари билан ўйин қоидаларини биргаликда келишиб олади
- Тенгдошлари билан мулоқотда ўз фикрини айта олади;
- Тенгдошлари билан юзага келган низоларни бартараф эта олади;
- Тенгдошини сўз орқали баҳолай олади;
- Тенгдошига оддий таклифлар, илтимослар билан мурожаат қилади;
- Ўйин давомида тенгдошига шерик сифатида қарайди;
- Тенгдошлари билан мулоқотда диалогик нутқдан фойдаланади.

МАШҒУЛОТ

Мавзу: «О о» ҳарфлари билан таништириш.

Мақсад:

- **«О о» ҳарфлари билан таништириш.**

Вазифалар:

- «О» товушининг унли товуш экани ҳақида тушунча бериш, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, унинг тўғри талаффузини ўргатиш,
- «О» товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.
- Майда қўл моторикаси ривожлантириш

Кутилаётган натижалар:

- «О о» ҳарфларини билиб оладилар.
- «О» товушининг унли товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

- **«О» товушли сўзлар айта оладилар.**

- Майда кўл моторикаси ривожланади

Керакли жиҳозлар:

- **«Оо» ҳарфлари**

- **«О» ҳарфи бор суратлар**

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар, ҳар бир товуш ёзувда алоҳида ҳарф билан ёзилади. Мен ҳозир сизларга о товушини босма ёзувини ифодаловчи о ҳарфини кўрсатаман.

«О» ҳарфининг шакли қандай экан? («О» ҳарфининг шакли: думалоқ экан.)

«О» ҳарфининг неча хил шаклини кўряпсиз? (2 хил шаклини кўряпмиз: бири катта, иккинчиси кичик.) Сиз катта деган «О» ҳарфи бош «О» ҳарфи дейилади. Бош «О» ҳарфи билан кишиларнинг исми ва фамилияси ёзилади. (Бош ҳарфларнинг ишлатилиши кейинги ҳарфларда тўлдирилиб борилади.) Бош «О» ҳарфи билан ёзиладиган болаларининг исмидан топтирилади: Омон, Отабек, Ойдин, Ойниса, Озод, Оқил, Олим, Оқила каби.

Кичик «о» ҳарфи қолган сўзларда ишлатилади. Масалан: от, она, ота каби.

Бош «О» ва кичик «о» ҳарфлари бир-бирига ўхшайдими? (Улар бир-бирига ўхшайди; уларнинг иккаласи ҳам думалоқ.)

Мана бу (хаттахта ёнидаги) „Ҳарф жилди“. Бугундан бошлаб танишган ҳарфларимизни унинг катакчаларига солиб борамиз. «Оо» кесма ҳарфлари чўнтакчага солинади.

Демак, ҳарфларни ёзамиз, кўрамиз ва ўқиймиз. Бу ҳарфларнинг уч хусусияти. Ҳарфнинг бу уч хил хусусияти болаларга айтилади, товушнинг хусусияти билан таққосланади Бунда:

«О» товушини нима қиламиз?

«О» ҳарфини-чи? Товуш билан ҳарф фарқланар эканми?

Иккита бош ва кўрсаткич бармоқларингиз билан бош «О» ҳарфини ясаб кўрсатинг.

Битта бош ва кўрсаткич бармоғингиз билан кичик о ҳарфини ясаб кўрсатинг (тарбиячи ўзи ҳам кўрсатади).

Болалар учун амалий иш.

Тарбиячи: Болажонлар, келинлар рангли иплардан «О» ҳарфини ясаймиз. Бунинг учун биз ипларимизни думалоқ шаклга келтирамиз.

Мана «О» ҳарфи тайёр. Болалар «О» ҳарфи ҳақида қувноқ шеър эшитинг.

Ғилдиракка қарасанг
«О» ҳарфини кўрасан
Бу ҳарфда бурчак йўқ
Шунинг учун думолоқ.

Болаларга топшириқ берилади: расмларни номланг ва «О» товушини тўғри талаффуз қилинг.

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- «О» товуши қайси ҳарф билан ёзилади?
- Ҳарфларнинг қандай хусусиятлари бор?(ҳарфларни ёзамиз, кўрамиз ва ўқиймиз)
- «О» ҳарфининг шакли қанақа экан? (Думолоқ)
- «О» ҳарфининг неча хил шакли бор экан? (Бош ва кичик, босма шакли)
- Бош «О» ҳарфи қайси сўзларда ёзилар экан?
- Иккита бош ва кўрсаткич бармоқларингиз билан бош «О» ҳарфини ясаб кўрсатинг.
- Битта бош ва кўрсаткич бармоғингиз билан кичик «о» ҳарфини ясаб кўрсатинг (тарбиячи ўзи ҳам кўрсатади).

Болалар учун амалий иш.

Тарбиячи: Болажонлар, келинлар ҳаммамиз пластилиндан «О» ҳарфини ясаймиз. Бунинг учун «О» ҳарфининг шаклига диққат билан қараб олиб, пластилиндан шу шаклни ясаймиз.

«О» ҳарфли бўғин тузиш ва уни ўқиш. Тарбиячи ҳарф териш картони, хаттахта таглигига ёки хаттахтага ол, **от, ош, од** бўғинларини тузиб, ёзиб қўйган бўлади. Уни болаларга ўзи ўқиб намуна кўрсатади. Болалар билан хўр бўлиб ўқийди. Сўнг якка-якка ўқитади. Бунда «О» товушини ичда сақлаб, кейин унлини қўшиб бирга ўқиш лозимлиги амалий кўрсатилади.

Шу бўғинлар қайта болаларнинг ўзларига туздирилади ва ўқитилади. Бунда тарбиячи «Ол» дейди ва йўлланма беради: аввал қайси товушни эшитяпсан («О» товушини), ўшани ҳарф жилдидан олиб қўй. «Олл», энди охирида қайси товушни эшитяпсан? («л» товушини) «О» ҳарфининг қайси томонига «Л» ҳарфини қўясан? (орқасига). Тузган бўғининингни ўқи: «Ол» (Қолган болалар ўз жойларида кесма ҳарфлардан фойдаланиб бўғин тузадилар).

Кесма ҳарфлар билан ишлаш. Болаларга кесма ҳарфлардан бўғин туздирилади ва ўқитилади. Тузилган бўғинлардан ёки бўғинли карточкалардан

бир нечта сўз туздирилиб, ўқитилади, улардан бирининг бўғин-товуш таҳлили ўтказилади: олма, олча, Олим, о-на, Одина.

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?
- «О» қандай товуш экан?
- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?»
- «О» товуши қайси ҳарф билан ёзилади?
- «О» ҳарфининг шакли қанақа экан?
- «О» ҳарфининг неча хил шакли бор экан? (бош ва кичик, босма шакли)
- Бош О ҳарфи қайси сўзларда ёзилар экан?
- Бўғинли карточкалар билан қандай сўзларни туздик?

Болаларга она тилини ўқитишга доир машғулотлар ҳар бир гуруҳда болаларнинг ёш имкониятларини ва ҳар бир боланинг нутқий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки билимлар мазмуни, уларнинг таркиби, метод ва усулларни танлаш, ҳафтасига ўтказиладиган машғулотлар сони, ҳар бир машғулотнинг давомийлиги шунга боғлиқ бўлади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Болаларда ўқиш, ёзиш ва уларда мавзусга қизиқиш уйғотиш жараёни қандай амалга оширилади?

2. Болаларни турли фаолият ёъналишларида саводга ўргатишга тайёрлаш жараёни ҳақида нимаарни биласиз?

3. Бола нутқини ривожланганлигини аниқлашнинг асосий даврида (октябр-май) қандай ишлар олиб борилади?

4. Болалар нутқини ўстириш ва саводга тайёргарлик учун қандай ишлар амалга оширилади?

5. Болалар нутқини ўстириш ва саводга тайёргарлик даврида қандай ишлар олиб борилади?

7-Мавзу: БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АҚЛИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Таянч тушунчалар: дидактик ўйинлар, жозибали муносабат, элементар тушунча, ўсимлик ва ҳайвонот олами, атрофдаги олам, экскурсия, классификация, ранг, шакл, катталик.

1. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли.

Болаларни билимларни эгаллаб олишлари уларни ақлий фаоллигини ривожлантириш, ақлий малака ва кўникма эгаллаб олишлари, уларнинг мактабда муваффақиятли ўқишлари учун бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрланишда манба бўлиб хизмат қилади. Болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тарбиянинг ўрни катта. Билимлар заҳирасини кенгайтириш, ақлий фаолликни ва мустақилликни ривожлантириш, мактабда яхши ўқиш, кейинги меҳнат фаолиятига тайёрланишнинг муҳим шартидир.

Бола 6-7 ёшдан мактабга ўтиши, уларни мактаб таълимига тайёрлаш учун ақлий ривожлантириш етарли бўлишини таъминлаш тарбиячидан катта масъулиятни талаб этади. Мактабгача таълим ёшида билим тез суръатда ривожланиб боради, бойиб боради. Нутқ шаклланади, билиш жараёнлари такомиллашади, бола энг оддий ақлий фаолият усуллари эгаллаб боради. Болаларда ақлий фаолиятни дастлаб муомала орқали, сўнг машғулотлар, билим бериш орқали амалга оширилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни ақлий тарбиялашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Болаларда табиат ва жамият тўғрисидаги билимлар системасини, илмий дунёқарашни шакллантириш.

2. Билимга доир руҳий жараёнларни ривожлантириш: сезги, идрок, хотира, ҳаёл, тафаккур, нутқ. Билишга доир руҳий жараёнларни ривожлантириш ақлий тарбиянинг муҳим вазифасидир.

3. Билишга қизиқиш ва ақлий қобилиятларни ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш. Ақлий тарбиянинг вазифаси болалар қизиқувчанлигини улар ақлининг синчковлигини ривожлантириш ва шулар асосида билишга қизиқиш ҳосил қилишдан иборат.

4. Ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш, яъни энг оддий фаолият усуллари предметларни текшириш улардаги муҳим ва муҳим булмаган белгиларни ажратиб курсатиш бошқа предметлар билан таққослаш мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ақлий тарбия бериш вазифаларидан биридир. Бу кўникма ва малакалар билиш фаолиятининг таркибий қисмлари бўлиб, боланинг билимларини чуқур эгаллаб олишига ёрдам беради.

Энг муҳими шундаки, болаларга билим берибгина қолмай, уларни олган билимларидан ақлий ва амалий вазифаларни ҳал этишга фойдаланишга ўргатиш.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари болаларни жисмоний ва ақлий жихатдан ривожлантириш, уларнинг рухий, шахсий қобилиятлари, интилиш ва эҳтиёжларини қондириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга, мустақиллик ғояларига содиқ ҳолда вояга етиб боришни таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш жараёни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш «Болажон» таянч дастури асосида амалга оширилади. Ҳар бир оила баркамол авлодни тарбиялаш учун қайгуриши лозим. Шу боис «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мамалкатнинг ижтимоий-иқтисодий тарақиётини таъминлашнинг асосий омили бўлган кадрларни тайёрлаш борасидаги энг зарур тадбирлар тизими белгилаб берилди. Соғлом авлодни тарбиялаш давлат ва жамиятнинг устувор юналишидир.

Ҳеч кимга сир эмаски, республикада болаларни мактабгача таълим-тарбия муассасаларига жалб қилиш 17 фоизни ташкил қилади. Бундай шароитда мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган 83 фоиз бола билан юқорида курсатилган 17 фоиз боланинг ривожланиш даражаси ўртасида номутаносиблик вужудга келмоқда. Бундай номутаносиблик, болалар мактаб остонасига қадам қўйган кундан бошлаб уларнинг ривожланиш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Сўнги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини енгилашга алоқида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамият мактабгача ёшда бўлган болаларни ягона талаб асосида ривожлантириш вазифасини қўйди. Шунга кўра мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларига таянган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларга интеграл тарзда таълим-тарбия бериш мақсадида таянч дастурлари тақдим этилмоқда. Бу таянч дастурлари бугунги кунда мактабгача таълим-тарбия муассасаларига жалб этилмаган 3 миллиондан ортиқ болани ҳам ривожлантириш ва ягона давлат талаблари асосида мактабга тайёрлаш имконини беради. Таълим-тарбия жараёни якунида мустақил фикрлайдиган, эркин, билимли, бир сўз билан айтганда баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад қилиб белгиланди. Бу узлуксиз таълим тизимининг илк тури – мактабгача таълимга ўзига хос ёндашувни талаб этар эди. Бола дунёга келган кундан бошлаб, давлат ва жамият ҳамда ота-она зиммасига уни соғлом, ақлли, хуш ҳулқли қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилди.

Бу кўникма, малакалар билиш фаолиятини таркибий қисмларга бўлиб, бола билимларни чуқур эгаллаб олишига ёрдам беради.

Машғулотларда ақлий тарбия усуллари. Педагогика, психология фани ақлий тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш *биринчи* навбатда боланинг имкониятларидан тўғри фойдаланишни, *иккинчи* томондан бола организмнинг чарчашига сабаб бўладиган ортиқча зўрайиш бўлмаслиги керак, деган фикрни илгари суради. Тўғри ташкил этилган фаолият жараёнидагина тўлақонли ақлий ривожланиш рўй беради. Шу сабабли педагогларнинг вазифаси муайян

мақсадни кўзлаб, тарбиявий таъсир кўрсатиш учун керакли шароитни яратиш болаларда ақлий фаолиятни дастлаб муомала орқали сўнг машғулотлар, билим бериш орқали амалга оширилади. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли каттадир. Болани билимларни эгаллаб олиши, ақлий фаоллигини ривожлантириш, ақлий малака ва кўникмаларни эгаллаб олиши мактабда муваффақиятли ўқиши учун, бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрланишда манба бўлиб, хизмат қилади. Мактабгача тарбия ёшидаги

Болаларни ақлий тарбиялашнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

1. Болаларда табиат ва жамият тўғрисидаги билимлар системасини илмий дунёқарашини шакллантириш. Бола теварак атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси, сифати, хоссалари ҳақида, қайси материаллардан фойдаланганлиги, тайёрланганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

2. Билишга доир руҳий жараёнларни ривожлантириш: сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ ва бошқалар. Билимга доир нутқни ривожлантириш ақлий тарбиянинг эркин вазифасидир.

3. Билишга қизиқиш ва ақлий қобилиятларни, ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш. Ақлий тарбиянинг вазифаси болалар қизиқувчанлигини, синчковлигини ривожлантириш ва шулар асосида билишга қизиқиш ҳосил қилишдан иборат.

4. Ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш, яъни оддий фаолият усуллари, предметларни текшириш, улардаги муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларни ажратиб кўрсатиш бошқа предметлар билан таққослаш мактабгача ёшдаги болаларга ақлий тарбия бериш вазифаларидан биридир.

Ўсимлик ва хайвонлар билан танишиш бўйича системали машғулотлар олиб борилгандан кейин болалар ўсимлик, ёш хайвонлар тўғрисидаги маълум бир тасаввурга эга бўладилар. Сўнгра болалардаги ақлий кўникма, малакаларни ривожлантириш мақсадида тарбиячи болалар билан машғулотларни ўтказишни режалаштириши мумкин. Булар қуйидагилар: *«Сен таърифла, мен топаман».*

Дидактик вазифа - Катталарнинг саволларига нарсанинг ҳарактерли белгисини ажратиб ва номини айтиб жавоб бериш.

Ўйин ҳаракати – Катталарга топишмоқни айтиш.

Ўйин қоидаси – Таърифланаётган нарсанинг номини айтиш мумкин эмас.

Тарбиячининг саволларига аниқ ва тўғри жавоб бериш.

Жихозлаш – Сабзавот ва меваларни стол устига қўйилади. Тарбиячи стулини ўсимликлар кўринмайдиган қилиб қўйилади.

Ўйиннинг бориши – Тарбиячи болаларга стол устидаги сабзавотлардан биттасини танланг. Мен сиздан унинг қандайлигини сўрайман. Сиз жавоб берасиз. Фақат унинг номини айтманг. Сизларнинг жавобларингиздан мен уни топишга ҳаракат қиламан, дейди. Кейин тартиб билан тарбиячи савол беради: «Шакли қандай?, ҳамма томони шардек думалоқми?, чуқурчаси борми?, ранги қандай?» ва бошқа.

Болалар саволларга тўла жавоб беришади. Болалар нарсанинг характерли белгилари ҳақида гапириб берганларидан кейин тарбиячи топишмоқни топади.

Машғулотда, ўйинда, табиат бурчагида ва майдончадаги меҳнатда, экскурсия ва сайр вақтида тарбиячи болаларга атрофдаги оламнинг турли-туманлигини, чиройини кўрсатади, ўсимликнинг турли хусусиятлари, сифатлари билан таништиради, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида элементар тушунчани шакллантиради. Болаларнинг жозибали муносабати тарбиячининг ҳикоясидан фаолроқ ўзлаштириб олишга имкон беради. Машғулотларда, дидактик ўйинларда қўйилган вазифани ҳал этишда бола буюм ва ходисаларнинг айрим хусусиятларини ажратишга, солиштиришга, умумий хусусиятларга, белгиларига қараб гуруҳларга ажратишга, классификация этишга ўрганадилар. Болалар фикр юритишга, хулосалар чиқаришга ўрганади, болалар диққати, хотираси ва ихтиёрий идроки ривожланади. Машғулотни, ўйин вазифасини ҳал этишда бола ўзининг хатти-харакатини тушунтиради. Бу эса нутқининг ўсишига ёрдам беради. Машғулотлар, дидактик ўйинлар давомида турли мактабгача ёшдаги болалар кўп маротаба такрорлаш орқали Мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия дастурига хос билимлар мажмуини ўзлаштирадилар. Табиий материаллар билан ўйналадиган ўйинларни танлашда тарбиячи ўйиннинг мазмуни атроф муҳитдаги, табиатдаги ўзгаришларга мослигини унутмаслиги лозим.

Масалан: «Уруғ сотиб олиш» ўйини баҳорда, «Ҳосил йиғиштириш» эса ёз ёки кузда ўтказилиши керак. Тарбиячининг ўзи ҳам машғулот, ўйиннинг турлича вариантларини ўйлаши мумкин: ўйинга, машғулотга қўшимча вазифа, янги рол, болаларнинг атроф-олам ҳақидаги билимларини бойитиш ва бошқалар. Баъзи бир дидактик ўйинларни турли вариантда, турли ёшдаги болалар учун тавсия этилади. Ўйинлар ўсимликлар, ҳайвонлар ёки бошқа предметларнинг сони ошиши, турлича қоида ва ўйин ҳаракатларининг ошиши ҳисобига мураккаблашади. Масалан: пайпаслаб билиш учун сабзи, бодринг, олма ва бошқалар олиш мумкин, кейинчалик шакли ўхшаш бўлган мева ва сабзавотларни киритиш мумкин.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга барг, гуллар билан ўйнаш кўпинча гуруҳ хонасини, овқат столини безаш, гулдаста, баргларни катталарга, кичик болаларга совға қилишга хоҳишлари билан боғланади. Бундай ўйинларни, машғулотларни ўтказишда болаларни ўсимликларга нисбатан эҳтиёткорлик, гулларни бекордан-бекорга узмасликка ўргатиш лозим.

Агар бола олма ёки бошқа предметларнинг шаклига диққатини қаратган бўлса, унга олмани думалатиб кўриш, коптокдек силаб кўриш, унинг силликлигини аниқлашни таклиф этиш лозим. Болаларда ранг, шакл, катталиқ тушунчаларини ишлатишга ўргатиш лозим.

Хилма-хил табиат ҳодисаси оламида болаларнинг бевосита Кузатишлари учун энг тушунарлиги ўсимлик ва уй ҳайвонларидир. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўсимлик ва ҳайвонлар билан таништириш жараёнида болаларда табиатга нисбатан муҳаббат тарбияланади, ҳайвонларни парваришlashга, ўсимликларни ўстиришга нисбатан истаклари тарбияланади.

Болаларда ақлий фаолиятни дастлаб муомала орқали, сўнг машғулотлар, ўйинлар, билим бериш орқали амалга оширилди. Бола ҳар доим буюмлар, ходисалар орасида бўлади. Доимо бирор нарса билан танишади, ниманидир билиб олади, ушлаб куради, нимагадир кулоқ солади, шу тарзда бола дунёни англайди. Теварак-атроф буюм ва нарсалар болаларининг сезги органларига, анализаторларга таъсир этади ва сезги ҳосил бўлади. Сезги болаларда айрим хоссаларни билиб олишга ёрдам беради. Болада ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш, энг оддий фаолият усуллари предметларини текшириш, улардаги муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларни ажратиш кўрсатиш бошқа предметлар билан таққослаш мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ақлий тарбия бериш вазифаларидан биридир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли нимадан иборат?
2. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақда нималарни биласиз?
3. Қандай машғулотлар ақлий тарбияда санарали ҳисобланади?
4. Болаларни ранг, шакл, катталик тушунчаларини англашга қандай ўргатилади?

8-мавзу. БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА ИЖТИМОЙ - ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ

Таянч тушунча: *ижтимоийлашув, психологик тайёргарлик, хулқ атворнинг огишуви, психика, қизиқиш, эҳтиёж.*

Боланинг психик жиҳатдан ўсишда боғча ёшидаги давр анча мураккаб ва жуда масъулиятли даврдир.

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшида бола мустақил бўла олиш учун зарур бўлган иккита қудратли кучга эга . Биринчидан, маълум даражада ўзига бўйсундирилган ҳаракат аппаратига эга. Иккинчидан эса , атрофидаги катта одамлар ва ўз тенгдошлари билан бир қадар эркин муосабатда бўла оладиган нутққа эга . Мана шунинг учун боғча ёшидаги болаларнинг хулқ – атворлари, қизиқишлар ва эҳтиёжлари боғчагача тарбия ёшидаги болаларникидан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, боғча ёшидаги болалар билан боғчага тарбия ёшидаги болалар тарбиясига ҳам турлича муносабатда бўлишни тақозо этади.

Агар янги туғилган ҳамда боғчагача тарбия ёшидаги болаларга бериладиган тарбия асосан уларни овқатланиши гигиеналарини тартибга солиш ва сезги органларини ривожлантиришга қаратилган бўлса боғча ёшидаги болаларга бериладиган тарбия уларнинг мураккаб ҳаракатларини такомиллаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакалари ҳосил қилиш, нутқларини ўстириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик диднинг дастлабки куртакларини юзага келтиришга қаратилгандир. Демак, асосан боғча ёшидан бошлаб боланинг бундан кейинги бутун шахсий ҳаёти давомида таркиб топа борадиган индивидуал хусусиятлари ҳам юзага кела бошлайди. Ана шу сабабли ҳам инсоннинг хар томонлама камол топа бориши ва хусусан , психик жиҳатдан боғча ёшидаги даврида олган таълим тарбиясига боғлиқдир. Бу ҳақида Н.К.Крупская шундай деб ёзган эди: «ёш болалик чоғларидан қолган таасуротлари жуда катта аҳамиятга эга».

Машхур рус педагогларидан Лестгафнинг фикрича, инсоннинг бошқа ёшдаги даври шундай бир даврки, бу даврда унда келгусида қандай характер ҳислатлари пайдо бўлиши белгиланади ва ахлоқий характернинг асослари юзага келади. Инсоннинг камол топа боришда боғча ёшидаги даврнинг аҳамиятига доир Лестгафнинг бу фикри буюк рус педагоги А.С.Макаренконинг куйидаги фикрига тўла мос келади. А.С.Макаренко болаларни жуда кичиклик давридан бошлаб тарбиялаш зарурлиги ҳақида гапириб, тарбиянинг энг муҳим асослари боланинг 5 ёшгача бўлган даври мобайнида юзага келтирилади. Мана шу даврда қилинган иш бутун тарбия процессининг 90 % ни ташкил этади , деган эди.

Ҳақиқатдан ҳам боланинг боғча ёшидаги даври шу қадар мазмундор ва актив даврдирки , бу давр боланинг келгуси ўсишида албатта ўз аксини қолдиради. Лекин бундан боланинг боғча ёшидаги даври , унинг қандай одам бўлиб чиқишни батамом белгилаб беради, деган маъно келиб чиқмайди . Мана шунинг учун бола шахсининг шаклланиши фақат боғча ёшидаги давр билангина боғлаб бўлмайди. Умуман инсон ўз табиати жиҳатидан деярли бутун умри давомида тарбияланувчи мавжудоддир. Лекин ҳар бир одам характериға хос бўлган шахсий хислатларнинг юзага келишида унинг ҳар бир ёш босқичида олган таълим тарбиясини акси сезилиб туради.

Боғча ёшидаги давр ўз таъсир кучи жиҳатидан ғоят маъсулиятлидир

Бола ясли даврини ўтиб , боғчаға келгач , унинг яшаш шароитида жиддий ўзгаришлар юз беради. Биринчидан, бола боғча ёшиға ўтгач, унинг фаолият доираси анча бошқача мазмунға эға бўла бошлайди .

Иккинчидан, бола боғчаға ўтгач, муайян асосида махсус педагог томонидан тарбиялана бошлайди.

Боланинг яшаш шароитида юзага келган бу ўзгаришлар унинг психик жиҳатдан ўсишиға таъсир этмай қолмайди. Мана шунинг учун бола боғча ёшидаги даврида фақат жисмоний жиҳатдангина ўсмай, балки психик жиҳатдан ҳам тараққиётнинг яна бир юқори поғонасига кўтарилади. Боғча ёшидаги боланинг ҳар бир хатти – ҳаракатидан унинг мустақиллиги, нутқнинг элементар бўлса ҳам , грамматик жиҳатдан тўғри шаклини амалий ўзлаштира бошлаганлиги кўриниб туради. Боғча ёшидаги болаларнинг кўзға ташланиб турувчи хусусиятларидан яна бири уларнинг тақлидчанлик ва серҳаракатликларидир.

Боғча ёшидаги даврида болаларнинг нақадар серҳаракат бўлишлари барча ота – оналарға тарбиячиларға маълум бу ёшдаги бола бутун кун давомида хилма – хил ва тинимсиз ҳаракат қилиш орқали атрофдаги муҳит ва одамлар билан муносабатда бўлади. Бинобарин, шундай хилма – хил ҳаракатлар тугайли ўз тасавури ҳамда билим доирасини кенгайтириб боради.

Болалар психологиясида кенг қўлланиладиган яна бир асосий метод – эксперимент методидир. Эксперимент методи кузатиш методига нисбатан актив метод хисобланади. Эксперимент методида у ёки бу психик процессни қачон юзага келишини кутиб ўтирмай, бу процессни экспериментаторнинг ўзи юзага келтиради. Шунингдек ўрганилаётган психик процессни болаларда бир неча марта такрорлаб ўрганиш мумкин, яна қулай томони шундаки, бу метод кузатиш методи сингани кўп вақт талаб қилмайди. Эксперимент методи 3 га бўлинади: 1) лаборатория эксперименти, 2) табиий эксперимент. 3) педагогик-психологик эксперимент методи. Лаборатория эксперименти махсус ташкил қилинган лабораторияларда турли асбоблар ёрдами билан ўтилади. Табиий экспериментда бирор психик процесс ўрганилаётганда махсус шароит юзага келтирилади. Болалар психологиясида экспериментнинг ҳар иккала туридан кенг фойдаланилади. Бироқ бу методлардан болалар психологиясида фойдаланишнинг ўзига хос томони шундаки, боғча ёшидаги болалар

лаборатория шароитида ўтказиладиган экспериментлар билан табиий шароитда ўтказиладиган экспериментларнинг фарқига бормайдилар.

Ҳар икки ҳолда ҳам, тажрибалар вазифа тарзида эмас, балки ўйин тарзида ўтказилса яхши натижа беради. Эксперимент методидан гуруҳларда ўтказиладиган машғулотлар пайтида кенг фойдаланиш мумкин. Масалан: турли ёшдаги боғча болалар билан ўтказиладиган дидактик машғулотларда табиий эксперимент методини қўллаш мумкин. Бунда болаларга ҳар хил ҳайвонлар, паррандалар, мевалар, сабзавотлар тасвирланган расмли карточкаларни аралаш ҳолда бериб, уларни гуруҳларга ажратиш топширилади. Болалар бу нарсаларни қандай белгиларига қараб гуруҳларга ажратишларида уларнинг умумлаштириш хусусиятларини ўрганиш мумкин. Одатда, гуруҳ шароитида ўтказиладиган бундай экспериментни табиий эксперимент деб юритилади. Болалар психологиясида таркиб топтирувчи эксперимент методидан ҳам фойдаланилади.

Бунда болаларнинг у ёки бу хусусияти (психологик хусусияти) таркиб топтирилади ва мустаҳкамланади. Масалан: боғча ёшидаги болалар айти бир вақтнинг ўзида бутунни ва унинг таркибий қисмларини тўла идрок қила олмайдилар. Улар ўз диққатларини ёки бир бутун нарсанинг ўзига ёки унинг бўлақларига қарата олмайдилар.

Таркиб топтирувчи эксперимент орқали болаларни бир бутун нарсани унинг қисмлари билан бир пайтда идрок қилишга ўргатилади. Бунинг учун болаларга бир бутун нарсанинг образини ярата олиш машқ қилдирилади. (турли геометрик фигуралар – доира, квадрат, куб, фойдаланилади)

Педагогик эксперимент орқали бирон таълим – тарбия методининг эффективлиги аниқланади. Масалан: Бирон тадқиқотчи болаларни сон – санокқа ўргатишнинг қандайдир янгича методини ишлаб чиққан бўлса, уни педагогик эксперимент методи орқали синаб кўради. Бунинг учун олдиндан боғча маъмурияти билан келишиб 1 та экспериментал ва 1 та назорат гуруҳини белгилаб олади. Шундан сўнг тадқиқотчи экспериментал гуруҳда янгича метод билан элементар мавҳум тасаввурларни ўстириш машғулотини ўтказади. Назорат гуруҳида эса бу машғулотлар одатдаги эскича метод билан давом эттирилаверади. 1-2 ойдан сўнг ҳар иккала гуруҳдаги болаларнинг ўзлаштиришлари таққосолаб кўрилади. Агарда экспериментал гуруҳ болалар янгича метод билан ўзлаштиришлари назорат гуруҳдаги болаларнинг ўзлаштиришларидан анчагина самарали бўлиб чиқса, бу метод бошқа ҳамма боғчаларга ҳам тарқатилади. Борди-ю, агар натижа назорат гуруҳдаги болаларнинг ўзлаштиришларидан ёмон, яъни паст бўлиб чиқса, янгича метод билан машғулот ўтиш дарҳол тўхтатилади.

Болалар психологиясида асосий методлардан ташқари ёрдамчи методлардан ҳам кенг фойдаланилади. Болалар психологиясининг ёрдамчи методларидан – фаолият маҳсулотларини ўрганиш методидир. Болалар ҳам худди катта одамлар сингари доим маълум фаолият билан машғул бўладилар. Фаолиятлари жараёнида турли нарсаларни, маҳсулотларни юзага келтирадилар. Ана шу нарсаларда, маҳсулотларда болаларнинг психик процесслари ва психологик

хусусиятлари ўз аксини топади. Боғча ёшидаги болаларнинг фаолиятлари – ўйин, расм чизиш, пластилин ёки лойдан бирон нарса ясаш, аппликация, қуриш –ясаш кабилардан иборатдир. Ана шу фаолиятларининг натижасига қараб болаларнинг майл ва истаклари, эҳтиёж ва қизиқишлари, қобилият ва лаёқатларини ўрганиш мумкин. Масалан: болаларнинг чизган расмларида улар идрокининг хусусиятлари ва атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини кўриш мумкин. Шу сабабли бу методдан болалар психологиясида кенг фойдаланилади.

Болалар психологияси сўраш – суҳбат методидан кенг фойдаланилади. Бу методни 5-6 ёшли болаларга нисбатан қўллаш мумкин. Бунда болаларга турли мавзуларга доир саволлар берилади ва улардан оғзаки суҳбатнинг мавзуи ва суҳбат пайтида болаларга бериладиган саволлар олдиндан яхшилаб уйлаб олинади. Суҳбат жараёнида жавобларни ёзиб олиб, кейинчалик жавобларни таҳлил қилиш мумкин. Суҳбат методини ўтказишда қуйидагиларга риоя қилиш талаб этилади:

1) Суҳбатнинг мавзуси ва мазмуни болаларнинг тараққиёт даражаларига ва ёш хусусиятларига мос бўлиши керак.

2) Саволлар режали ва мақсад асосида тузилиши керак.

3) Суҳбат пайтида «ҳа» ёки «йўқ» демай, тулиқ жавоб олиш керак.

4) Суҳбатни ҳаддан ташқари чўзиб юбормаслик керак.

Суҳбат орқали болаларнинг билишлари, нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввурлари, қизиқишлари ва одамлар билан бўлган муносабатларни ўрганиш мумкин.

Болалар психологиясида сўнгги йилларда тест методи қўлланила бошланди. Тест сўзи инглизча бўлиб, ўлчаш деган маънони билдиради. Тест методи орқали болаларнинг умумий ақлий тараққиёт даражалари ва айрим психик процессларининг (тафаккур, хаёл, хотира) қанчалик ривожланганлик даражаси аниқлаб таққосланади. Тест методи ёрдами билан болаларнинг ўз ёшларига нисбатан нормал тараққий этганликлари ёки орқада қолганликларини ҳам аниқлаш мумкин. Қўлланиладиган тестлар орасида интеллектуал тестлар деб (аталадиган) тестлар катга аҳамиятга эга. Интеллектуал тестлар – болаларнинг умумий ақлий тараққиёт даражалари аниқланади.

Тест вазифалари болаларнинг ўйин фаолиятлари билан боғланса, болалар бундай вазифаларни бажону дил бажарадилар. Масалан: бирон бутун нарсанинг майда бўлакларга ажратиб ташланган қисмларини бирлаштириш, майда бўлакчалардан мураккаб ва чиройли анимациялар ясай олиш, турли лабиринтли суратлардан туғри йулни топа билиш вазифаларидан фойдаланиш мумкин.

Масалан: тест методида болаларга топширилидиган вазифалар бир неча вариантда бўлиб, улар кучлари етган вариантлардаги вазифаларни бажарадилар. Хар бир бажарилган вазифага балл сисмасида баҳо қуйиб борилади. Вазифалардан қанчасини бажарганлиги ва туплаган балига қараб, болаларнинг ўртача тараққиёт даражаси белгиланади, аниқланади.

Болалар психологиясида сўнги йилларда социометрия методдан фойдаланила бошланди. Социометрия метод ёрдамида шахсларнинг коллективдаги муносабатлари масаласи ўрганилади. Болалар психологиясида эса социометрия метод ёрдами билан ҳар бир гуруҳда болаларнинг ўз тенгқурлари уртасида юзага келаётган ўзаро муносабатлари ва уларнинг гуруҳда тутган мавқеилари ўрганилади.

Болалар психологиясида тадқиқот методлари билан танишиш тарбиячилар ва педагоглар учун амалий аҳамиятга эгадир. Бу методлардан таълим – тарбия ишларида болаларнинг психик процессларини тараққиётини билиб олиш учун, шунингдек болалар билан индивидуал муносабатда бўлишда, уларнинг индивидуал – психологик хусусиятларини билиб олишда кенг фойдаланилади. «Агар педагогика одамни ҳар жихатдан тарбияламокчи бўлса, у олдин уша одамни ҳар жихатдан билиб олиши керак» - деб ёзган эди. К.Д.Ушинский. Шунинг учун таълим – тарбиявий ишларни туғри ташкил қилиш учун бу методлар билан таниш бўлиш лозим.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижтимоий - психологик тайёргарлик деганда нимани тушунаси?
2. Боғча ёши даврининг психологик хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ижтимоий - психологик тайёргарлик қандай амалга иширилади?

9-мавзу. БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Таянч тушунчалар: *ижодий фаолия, жамоада ишлаш, ижод, конкретлаштириш, режаслаштириш.*

Ижодий фаолияти бўйича мактабгача таълим муассасаси дастури ва мактабда Ижодий санъат дастури болаларда теварак атрофга нисбатан, санъат болаларда эстетик муносабатни тарбиялаш ижодий қобилият ва тасвирлашларини ривожлантиришни кўзда тутди. Мактабгача таълим муассасаси машғулотида, мактабда муваффақиятли ўқиб кетишлари учун зарур бўлган вазифалар хал этилади. Расм, аппликация, лой ишлари жараёнида болаларда фикр юритишнинг анализ, синтиз, такрорлаш, конкретлаштириш каби шаклларида. Шунингдек бу жараёнларда болалар жамоада ишлашга, ўз ҳаракатини ўртоқларининг ҳаракатига бўйсиндиришга ўрганадилар.

Болалар боғчасида Ижодий фаолияти машғулоти болаларда, ўқув фаолиятида зарур бўлган малака кўникмаларни шакллантиради.

Булар: Топширикни тинглаш ва едда тутиш маълум вақт орасида бажариш ўз ишини режалаштириш ва баҳолашга, бошланган ишни охирига етказишга, хато ва камчиликларини топишга ва уни тузатишга материал қуролларини ва иш жойини тартибга саклашга бошқалар.

Педагогларнинг олиб борган текширишлари шуни курсатадики болалар боғчасида таълим-тарбиянинг бундай тизими болаларни мактабга тайёрлашга таъсир курсатади. Шунингдек бошқа психологлар Е.А. Лабунский ва бошқалар томонидан мактаб ўқувчиларининг тасвирлаш фаолиятини урганиш жараёнлари шуни кўрсатиб ўтади, мактабда Ижодий санъат дарсларини тузилиши, болаларнинг боғчасида олган билим, малака ва кўникмалар асосида уларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Мактабгача таълим муассасаларида Ижодий фаолият машғулотида болалар асосан амалий иш бажарадилар, санъат асарларини билан расмга қараб ҳикоя килиш китобдаги иллюстрацияларни қуриб чиқиш жараёнида танишадилар, мактабда Ижодий санъатнинг турлари ранг тасвир, график, хайкалтарошлик ва декоратив санъат асарлар билан янада чуқурок танишадилар. Мактабгача таълим муассасасида Ижодий фаолият машғулотида хилма-хилдир, расм, мазмунли декоратив ва лой аппликация машғулотида. Мактабгача таълим муассасасида машғулотида хаммасига қатта аҳамият берилади. Мактабда эса Ижодий санъат дарсларида расм (натурага қараб) мавзу асосида ва декоратив турлари ўтказилади.

Бунда предметли расм бўйича натурага қараб расм чизиш ўқув предмети аҳамиятига эга булади. Лой аппликация, қуриш-ясаш бўйича амалий ишлар мактабда ишлар қўл меҳнатига киритилади. Бошлангич синф Ижодий санъат дастурини анализи, ишни курсатадики, предметли, расм бўйича ўқув

вазифаларини анча муракаблик киритилишдан ташкари болалар богча дастури буйича айрим такрорлаш ишлари киритилди.

1-синфда болалар доира, квадрат, туртбурчак, овал каби тузилишга эга бўлган предметларни аниклашга ўрганадилар, болалар олдига богчада куйилган вазифа расм чизиш техникасини эгаллаш буйича куйилади. Бунга сабаб, ҳамма болалар богчадан мактабга келмайдилар ва шу сабабли болалар билан ишни мактабга келгунча тайёрлов гуруҳда олган билимларидан бошлаш лозим. Мавзу асосида расм чизиш болалар богчасида утказиладиган мазмунли расмни давоми сифатида ўтказилади. Болалар теварак -атрофдаги ҳодиса ва предметларни кузатиб, кўриб чиқадилар, сўнг хотираларига асосланиб, уларни чизадилар. Тингловчилар объектлар ўртасидаги мазмунли боғланишларни тасвирлашга узоқдаги предметларни кичиклаштириб тасвирлайдилар.

Декоратив расм мактабда техник тартиблар буйича вазифалар қўйилади, яъни нақш тузилиши кетма-кетлигида тасвирлаш билан биргаликда ёрдамчи чизиклардан фойдаланиш ва ўз ишларда халқ амалий декоратив санъат элементларидан фойдаланишга санъат хақида ўтказиладиган дарс суҳбат жараёнида урганадилар. Болаларни Ижодий санъатга ургатиш методларидан болаларни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш лозим. Катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва кичик тингловчиларининг иш хусусиятлари ўртасида куп яқинлик бор. Шунинг учун у ёки буларни ургатиш методикаси уртасида ҳам куп ўхшашлик бор. Мактабда уқитувчининг расмини баъзи бир элементини курсатиш ва шу жараёнда тушунтириш тарбиячининг иш усулларини кўрсатиб беришга яқин туради. Мактабда ишнинг кетма-кетлиги тартибли қуринишда булади. Агар тасвирланадиган предметнинг тузилиши содда булса, тартиб тушинтирилгандан сўнг, ўчириб ташланади. Агарда мураккаб тузилишга эга бўлган предметни тасвирланганда эса, уқитувчининг доскада курсатиб бериши билан кетма-кет тасвирлайдилар. Уқитувчи предметни умумий контурини каламнинг учи билан енгилгина белгилаб чиқиб, унинг кенглигини баландлигини ҳам белгилаб кўрсатади.

Сўнг тингловчи предметни хомаки расми билан натурани солиштириб унинг қисмларини, шаклини ва аниқлайди, тузатади. Иш жараёнида кўрсатиш ва анализ қилиш учун расмлар тўплами, болалар китобчаларидаги рангли расмлар, шунингдек, ўқув харақтерига эга бўлган алоҳида расмларидан фойдаланади. Расм буйича ўтказиладиган ҳар бир дарс уқитувчининг суҳбатидан ва тушунтиришдан ва расмни нимадан бошлаш кераклигини тушунтиришдан бошланади. Ишни амалий бажарилишга ўтишда ўқитувчи болаларининг тартибли равишда чизиши ва қоида ва йулларни эслатиб туради. Катта богча ёшидаги болалар ва кичик мактаб ўқувчиларининг ишига ёки расмига қўйилган талаблар бир-бирига жуда яқин. Болалар ишини анализ қилишда диққатни предмет пропорцияси, конструкцияси, қисмларининг боғлиқлиги, ранг ва композицион тўзилишига тортиш лозим. Шундай қилиб бошланғич синфларда таълим-тарбия масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши, болалар богчасида олиб бориладиган Ижодий фаолият машғулотлари билан узвий равишда олиб борилади. Болаларни мактабга тайёрлаш мактабгача

таълим муассасаларида амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасалари катта гуруҳдаги кузатишлар бўйича расм чизишга катта эътибор берилади, чунки бу нарса болаларни натурага қараб расм чизишга тайерлашда этап ҳисобланади. Бу нарса болаларда кўриш хотирасини ривожлантиради, баъзида предмет болаларда натура сифатида тўғри тасвирлашга ёрдам беради. Болалар гуруҳдаги олиб бориладиган Ижодий фаолият машғулотида, қаламдан, мўйқаламдан эркин фойдаланишга ўз характерини ва қўл кучини идора этишга ўрганадилар.

Бу малакани эгаллаш, болаларда қўлини енгил, эркин бир текисдаги ҳаракат қилиш хусусиятларини ривожлантиради. Болалар турли шаклдаги, катталиқдаги, турли пропорциядаги предметларни чизиш жараёнида предметнинг иш хусусиятига қараб йўналишни сақлаш зарурлигига, ҳаракатини, предметнинг узунлигига мос равишда ҳаракатланишга ўрганадилар. Болалар боғчасида олиб бориладиган Ижодий фаолият материалдан тоза ва тартибли фойдаланишга ўрганадилар уларни тоза сақлашга фақат зарур материаллардан фойдаланишга, уларни ишлатиш йўллари режалаштиришга ўрганадилар. Бу машғулоти болаларда диққатни, кўриш хотирасини ривожлантиради.

Болалар боғчасининг тайёрлов гуруҳида натурага қараб расм чизиш ёки тасвирлашга нисбатан талаблар ошади ва бу талаблар мактаб талабига яқинлашади. Болалар натурани анализ қилишга бутун умумий формани хомаки қоғозга тушириб олишга, расмни натурага солиштиришга, хато ва камчиликларини тўғрилашга, натурага ўхшатишга уринадилар. Натурага қараб тасвирлашда ишнинг кетма-кетлигини кўрсатиб, болалар боғчасининг тайёрлов ва катта гуруҳида ўрганишнинг бошланғич босқичидагина амалга оширилади. Кўрсатишда доимо фойдаланиш, болаларни расмни механик равишда ишлашга одатлантириб қўяди. Болалар натурага қараб тасвирлаш буларнинг барчаси болаларни барча дарсларда айниқса қараб тасвирлаш буларнинг барчаси болаларни барча дарсларда айниқса меҳнат дарсларида ўқув фаолиятининг муваффақиятли бўлишига таъсир этади.

Болаларни Ижодий фаолият машғулотида геометрик шаклларни топа ёки кўра олишга, уларни терминлар билан аташга, кенглиги катталиги, ўзунлиги, баландлигини, қисмларнинг бир-бирига нисбатан фазовий жойлашишини билан танишишни болаларни мактабни 1-синфда элементар математик тушунчаларини пухта эгаллашларига ёрдам беради. Болалар боғчасида керакли материаллардан қуриш, яшаш болаларда кўз билан чамалашни шаклантиради ва болаларни мактабдаги техник дарсларни эгаллашга ёки ўзлаштиришга ёрдам беради. Болалар боғчасининг катта гуруҳидаги натурага қараб расм чизиш машғулотида мантиқий фикр юритишга, кузатишга асосий ажратиб кўришга предметни фазовий хусусиятларини анализ қилишга ўзлари мустақил равишта тасвирлаш воситаларини танлашга ўрганадилар. Буларнинг ҳаммаси эса мактабда ўқиш жараёнида зарурдир. Шундай қилиб, Ижодий фаолият машғулотида болалардаги бадиий дид ва ижодий қобилиятлар ўсади ва бу орқали мактабда ўқишга тайёрланиб борилади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. МТМ дастури ва мактабда ижодкорлигини ривожлантириш ўртасидаги узвийлик қандай?
2. Болаларни мактабга тайёрлашда ижодкорлик фаолияти машғулотининг таълимий вазифаси нималардан иборат?
3. Болани ижодкорлик фаолияти машғулотларида мактабга тайёрлашда нималарга эътибор қаратилади?

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1-Мавзу: МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ МАЗМУНИ

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Болаларни мактабга тайёрлаш фани ҳақидаги билимларини «Танишув» тренингида ишлаб чиқиш

САВОЛЛАР	ЖАВОБЛАР
1. Сиз ким ва нима учун бу ерга тўпландингиз?	
2. Сизнинг мақсадингиз!	
3. Ким билан ҳамкорлик қиласиз?	
4. Кимга ғамхўрлик қиласиз?	
5. Сизнинг кучсиз томонларингиз!	
6. Сизнинг кучли томонларингиз!	
7. Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси ҳақидаги тушунчангиз?	
8. МТМга таъриф беринг?	
9. Мутахассислигингиз ҳақида маълумот беринг!	
10. Гуруҳингизга таъриф беринг!	

Машғулотнинг бориши:

2-топшириқ: Болаларни мактабга тайёрлаш фанининг вазифаларини «Тушунчалар таҳлили» услубида тўлдириш

«Тушунчалар таҳлили» методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач педагог берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- -ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

ТУШУНЧАЛАР	МАЗМУНИ

**3-топшириқ: Таълимга оид «Қарор қабул қилиш технологияси»
услуги таҳлили**

Тингловчиларга қуйидаги иш қоғози тақдим этилади:



2-Мавзу: БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБДА ТАЪЛИМ ОЛИШГА ТАЙЁРЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИ

Машғулотнинг бориши:

1-топширик: Болаларнинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислаш мавзусида «давра суҳбати» ўтказиш

«Давра суҳбати» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан «Жавоблар варақалари»ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва «Жавоблар варақалари»га ўз исми-шарифини ёзади.

4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва «Жавоблар варақаси»га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга «Жавоблар варақалари»дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги «Жавоблар варақалари»ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

«Блиц-Сўров»

1. Педагоглариининг энг буюк бурчи – унинг халққа нафи тегадиган, ақл-идрокли, қобилиятли, уқувли шогирдлар тайёрлашдир.

.....

2. Педагог ёш авлодни ҳалкимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим ва фахрли шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаради.

.....

3. Педагоглариининг сиёсий етуклиги болаларнинг тарбиялаш сифати учун халқ ва жамият олдидаги ўз масъулиятини англаши, таълим-тарбия ишларини ҳал этиши, ижодий ёндашиши.

.....

2-топширик: Болаларнинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислашга доир ишлар тизими

«Б/Б/Б ТЕХНОЛОГИЯСИ»НИ ҚЎЛЛАШ

Б/Б/Б ЖАДВАЛИ - Биладан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим.

№	Мавзу саволлари	Биладан	Билдим	Билишни хоҳлайман
1.	Машғулотлар			
2	Дидактик мақсадлар			
3.	таълим олишга тайёрлик			
4.	Методик тамойиллар			
5.	Дастур			
6.	Сухбат			
7.	Назорат-текширув			
8.	Тайёргарлик сухбати			
9.	Таълим-тарбия			
10.	Диалог			

3-топширик. Болаларнинг мактабда таълим олишга тайёрлигини ташхислаш усулларига доир ишлар тизимини ёритувчи

«Икки саҳифали кундалик»ни шакллантириш

Тингловчилар учун қуйидаги иш қоғози тавсия этилади:

1-саҳифа
 Мактабгача таълим муассасасининг мақсади -

2-саҳифа
 Ҳозирги замон талабларига мос равишда мактабгача таълим тизимини ислоҳ этиш вазифалари –

3-Мавзу: БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ЎЙИН ФАОЛИЯТИНИНГ МОХИЯТИ

Машғулоти бориши:

1-топшириқ: Болаларни мактабга тайёрлашда ўйин фаолияти мавзуси моҳиятини ёритиш

Ишнинг мақсади: Ўйиннинг болалар фаолиятидаги ўрнини ривожлантириш, атрофдагилар билан мулоқотда бўлиш малакасини шакллантиришдан иборат бўлиб, мактабгача таълим ёшидаги болаларга ўйин усулларини ўргатиш, муомалага ўргатиш ишларини таҳлил қилиш, турли ёш гуруҳлари учун ўйин машғулотларининг интерфаол ишланмаларини ишлаб чиқиш.

Таълим–тарбия тизимини такомиллаштириш бевосита замонавий педагогик технологияларни амалиётга самарали жорий этиш даражаси билан боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Педагогик технологияни жорий қилишни инновация жараёни деб қараш мумкин. Замонавий ахборот технологиянинг болалар жамоасида муваффақиятли жорий қилиниши ва яхши самара бериши бир қатор омилларга боғлиқ. Мактабгача таълим муассаларида, ўқув тизимини янгидан ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жалб қилиш, ривожланган давлатлар ўқув системасидаги янгиликлар ва ютуқларни ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимизда тадбиқ этиш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Кичик ёшдаги болалар ўйин фаолиятининг методик масалалари мавзуси моҳиятини ёритиш.

	Таърифлар	№	Тушунчалар
	... педагогнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади	А	технологик воситалари
	... тескари алоқа (педагог ва болалар ўртасидаги) кўлами, ривожлантириш ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ	В	технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик муҳит
	Таълимнинг ... болаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади	С	Таълим жараёни
	Таълим жараёнининг самарадорлигини таъминланади	Д	Таълим сифати

Жавоб:

1-	2-	3-	4-
1-С	2-Д	3-А	4-В

2- топширик: Кичик ёшдаги болалар ўйин фаолиятининг методик масалалари мавзуси юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш

Блиц-сўров:

1. Илк ёшдаги болалар ўйин фаолиятини тарбиялаш ” –
2. Кичик ёшдаги болалар ўйин фаолияти мазмуни” –
3. Ўрта ёшдаги болалар ўйин фаолияти мазмуни –

3- топширик: Болаларни мактабгатайёрлашда ўйин фаолиятининг мохияти юзасидан ўтказиладиган «Муаммоли вазият»

«Муаммоли вазият» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

4- Мавзу: БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА МТМ, ОИЛА ВА МАКТАБНИНГ ХАМКОРЛИГИ

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: «Оила» тушунчаси ва унинг моҳиятини.

«ВЕНН диаграммаси»да бажариш

Венн диаграммаси- 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади.

Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Тингловчилар:

1) кичик гурҳларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларида ривожланган давлатлар таълим тизимига оид фикрларини ойдинлаштириб олиб, тўлдирадилар;

2) жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар;

3) доираларнинг кесишувчи жойида икки доира учун умумий бўлган фикрлар рўйхатини тузади;

4) иш натижаларининг тақдимоти.

«Оила» тушунчаси ва уни ривожлантириш вазифаларини «ВЕНН диаграммаси»да тўлдириш



2-топшириқ: Оиланинг болани мактабга тайёрлашда ўрни ўрганишда «Ақлий хужум» методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. «Ақлий хужум» методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий

ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади. «Ақлий ҳужум» методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- Билдирилган фикр - ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

- Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

«Ақлий ҳужум» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

- таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
- таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
- таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
- фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
- юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий ҳужум» методининг афзалликлари:

Муаммоли савол берилади. Фикр ва ғоялар эшитилади ва жамлаб борилади. Фикр ва ғоялар гуруҳланади. Аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр- ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб боради;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

«Ақлий ҳужум» методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

Муносабат: болаларга ёрқин эмоционал муносабатлар, тасвирланган воқеалар ва қаҳрамонларга фаол кўмаклашиш ҳамда улар ҳақида қайғуриш хосдир. Болалар китоб, шеър ва халқ кўшиқлари билан такроран учрашишга интиладилар. Улар доно фикр, хазил, қофиядош сўзлардан завқланадилар ва уларни эсда сақлаб қолишни ҳамда ўз нутқида қўллашни хохлайдилар.

3-топширик: МТМнинг оила билан ишлаш шакллари.

Мавзу: «Оила».

Мақсад: Воқеани, тасвирлашда вақтни тўғри ифодалаш, оила билан ишлашни ўргатиш

Вазифалар:

- «Оила» мавзусида ижодий фаолиятни фаоллаштириш;
- воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратишга, ходисаларни солиштиришга ва умумлаштиришга уларни ифодалаш учун риалликка асосланишга ўргатиш;

- МТМнинг оила билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш;

- МТМнинг оила билан ишлаш малакаларни тўғри қўллаш.

Кутилаётган натижалар:

- воқеани тасвирлашда оила мухитини аниқлашни ўрганадилар;
- риаллик асосида тўғри тасвирлашга интилади;
- «Оила» мавзусида ижодий фаолият фаоллашади;
- воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратишга, ходисаларни солиштиришга ва умумлаштиришга уларни ифодалаш учун риалликка асосланишга ўрганадилар;

МТМнинг оила билан ишлаш шакллари мўлжалланган интерфаол усуллар:

- Ақлий ҳужум.
- Қисқа ҳикоя.
- Савол- жавоб.
- Тетиклаштирувчи машқлар.

Бориши. Бугун биз оила ҳақида ҳикоя тузамиз. Оила таркиби қандай бўлади. Ҳар бир оила аъзоларнинг оиладаги ўрни қандай бўлади?

а) оила аъзолари оилӣ маълумотлий, ўйқмишли фарзандлар тарбиясига берфарқ бўлмаган оилани қандай аташ мумкин? (Зиёли оила, наъмуналий оила);

б) оила аъзолари ўрта маълумотлий, фарзандлар тарбиясига қисман берфарқ оилани қандай аташ мумкин? (Ўрта оила, кониқарли оила);

д) Оилада ота онанинг фарзанд тарбиясидаги ўрни қандай бўлади? (оилани наъмунавий оила бўлишида юксак ўрни эгаллайди, фарзандни келажакда комил инсон бўлишида ўз натижасини кўрсатади);

с) Оиланинг жамиятдаги ўрни қандай? У жамият тараққиётига қандай хисса қўшади?

2-топширик: Таълимга оид «Тушунчалар таҳлили»

Тушунчалар	Мазмуни
Таълим	
Тарбия	
Муассаса	
Мазмун	
Муносабат	
Ривожлантириш	
Мослашув	
Ижодкор	
Маданият	
Педагог	
Ҳамкорлик	

5- Мавзу: МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ЖИСМОНИЙ ЖИХАТДАН ТАЙЁРЛАШ

Машғулотнинг бориши:

1- топшириқ: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш муаммолари.

Кичик гуруҳлара Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш муаммоларини ёритувчи «Икки саҳифали кундалик»ни шакллантириш

Тингловчилар учун қуйидаги иш қоғози тавсия этилади:

1-саҳифа Боланинг ижтимоий ва шахс сифатида шаклланишида диалогнинг мақсади -

2- саҳифа Ҳозирги замон талабларига мос мактабгача таълим муассасаларида боланинг ижтимоий ва шахс сифатида шаклланиши вазифалари –

2- топшириқ: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш усуллари.


БББ ЖАДВАЛИ - Биладан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим.

	Мавзу саволи	Биладан	Билдим	Билишни хоҳлайман
1.	Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш ҳақида қайси олимларнинг фикрларни биласиз?			
2	Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш усуллари			
3.	Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш учун педагог томонидан қилиниши керак бўлган ишлар			
4.	Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш ни аҳамияти			
5	Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан			

	тайёрлаш да умумий тавсифи			
6	Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш нинг мазмуни ва моҳияти			

3-топширик: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлашнинг назари асосларини «Қарор қабул қилиш технологияси» график органайзери ёрдамида баҳс-мунозара ташкил этиш.

Тингловчиларга қуйидаги иш қоғози такдим этилади:



6-Мавзу: БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБТАЪЛИМИ ТАЙЁРЛАШДА НУТКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САВОДГА УРГАТИШ

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг мазмуни ва моҳиятини Ҳозирги кунда машғулот жараёнларида педагогик технологияларнинг «Ақлий ҳужум», «Кластер» методи, ва бошқа усулларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Боланинг руҳий камолотининг кўп жиҳатлари нутқ билан боғлиқ равишда ривожланади. Чунки, бола мулоқотга киришиши яъни тенгдошлари ва катталар билан бўладиган мулоқотлари жараёнида жуда кўплаб маълумотларга эга бўлади ва ўзининг руҳиятини кейинги ривожланиш босқичига кўтариб боради. Шунинг учун, бола ҳаётининг дастлабки биринчи ойдан тарбия фақат уни парвариш қилиш билан чегараланмаслиги керак. Боланинг илк ёш давридан эшитиш қобилиятини тарбиялаш, шунингдек, боланинг эмоционал соҳаси – жилмайиш, кулиш, ва овоз тонини уйғотиш лозим. Буларнинг ҳаммаси биргаликда болалар нутқини ривожлантиришга хизмат қилади.


ТАРМОҚЛАР» МЕТОДИ (КЛАСТЕР)

Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:

1. Хаёлга келган ҳар қандай фикр кетма-кет ёзилади.
2. Фикрлар тугамагунча ёзишда давом эттириш керак, фикрлар тугаб қолса, у ҳолда янги фикр келгунча бирон расм чизиб туринг.
3. Иложи борича фикрларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўпайтиришга интилинг.
4. Сўзлар кетма-кетлиги фақат «нима?» деган сўроғига жавоб бериши лозим.

Ушбу метод яқка, кичик гуруҳ, жамоа билан ишлашда қўлланиши мумкин. Гуруҳ ҳолатида қўлланилиши гуруҳлар фикрини тўплаш ва уларни бир тизмдаги қурилмага келтириш мумкин.

«Тармоқлаш» методидан фойдаланиш.



2-топширик: Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг вазифаларини «Тушунчалар таҳлили» услубида тўлдиринг

«Тушунчалар таҳлили» методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилди (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач педагог берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- -ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

ТУШУНЧАЛАР	МАЗМУНИ
Луғат иши	
Грамматика	
Равон нутқ	
Диалогик нутқ	
Монологик	
Нутқ ўстириш жараёни	
Товуш маданияти	
Товушларни тўғри талаффуз этиш	

7-Мавзу: БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АҚЛИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АХАМИЯТИ

Машғулотнинг бориши:

1-топширик: Болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлигининг ақлий ривожлантиришнинг ахамияти.

3 x 4 технологияси

Ушбу технология орқали бирон бир мавзуни ёки атамани ҳар томонлама хусусиятларни гуруҳлар орқали маълум вақт ичида моҳиятини ёритилади. Бунда тўртта гуруҳ мавзуга доир учтадан фикр ёзади. Жами фикрлар ўн иккита чиқиши керак. Шуниси муҳимки гуруҳлар бир-бирини фикрини такроран ёзмаслиги керак.

Мақсади: Ушбу технология орқали иштирокчиларнинг характер томонлари, ички кечинмаларини ҳам кўришимиз мумкин. Технологияни қўллаганда гуруҳларни фаолликка, ақлий ҳужумни фаоллигига, мантиқий фикрга, саводхонликка дунёқарашни кенгайтиришга ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга эришилади.

Хулоса: 3x4 технологиясини янги мавзуни баён этишда мустаҳкамлашда, уйга вазифани сўрашда қўллашимиз мумкин.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг тузилмаси

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим оловчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топширикни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим оловчилар жалб этилади;

- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

2-топшириқ: Ақлий ривожлантириш кўникмаларни шакллантиришда (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда таълим олувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна: Ақлий ривожлантириш кўникмаларни шакллантириш усуллари ва йўллари

Мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг ақлий ривожлантириш кўникмаларни шакллантиришнинг энг муҳим шартлари					
психологик-педагогик назарияни эгаллаш		ўз ғояларини ягона умумий қилиб жамлаш		янгиликни жорий қилиш	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<p>Хулоса: Мактабгача таълим муассасаларида– мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартларини амалга ошириш</p>					

8- Мавзу: БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ

Машғулотнинг бориши:

1- топшириқ: Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижтимоий-психологик тайёргарлигини олиб бориш вазифасини «ХУЛОСАЛАШ» методидан фойдаланиш.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий васеминар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
 - ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб,
 - ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма
 - баён қилади;
 - навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар.

Шундан сўнг, педагог томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

2- топшириқ: Ижтимоий-психологик тайёргарлигини «SWOT-таҳлил» методида ишлаш.

«SWOT-таҳлил» методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Намуна: Ижтимоий-психологик тайёргарлигини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-психологик тайёргарлик ишини олиб боришнинг кучли томонлари	Янги дастурлар асосида мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-психологик тайёргарлик ошириш.
W	ижтимоий-психологик тайёргарликнинг кучсиз томонлари	Дастурдан мохирона фойдалана олиши.
O	Мактабгача таълим муассасининг умумий тавсифи (ички)	Мазмуни
T	Тўсиқлар (ташқи)	Моҳияти.

«Хулосалаш» Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини янги дастурлар асосида таълим-тарбия беришга тайёрлаш.

9- Мавзу: БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Машғулотнинг бориши

1- топшириқ: Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижодкорлигини ривожлантиришда «ИНСЕРТ» УСУЛИ

Самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб ўрганишга ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари китоб ва бошқа материаллар олдиндан тингловчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб «В»; «+»; «-»; «?» белгилар орқали ўз фикрини ифодалайди.

(В)- Мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+)- Янги маълумот


(-)-Мен билган нарсага зид.

(?)-Мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

«Инсерт» усули жадвали

Тушунчалар	В	+	-	?
Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижодкорлигини ривожлантириш аҳамияти				
Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижодкорлигини ривожлантириш мазмунини				
Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижодкорлигини ривожлантириш мазмунини билан таништириш				

2- топшириқ: Болаларнинг мактаб таълимига тайёрлашда ижодкорлигини ривожлантиришни «Нима учун?» техникасида тайёрлаш. «Нима учун?» техникасининг схемадаги кўриниши



«Нима учун?» техникаси схемасини тузиш қоидалари

1. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.

2. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

**КЎЧМА МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

КЎЧМА МАШҒУЛОТ (4 соат)

Мавзу: Болаларни мактабга тайёрлашнинг замонавий технологиялари

Машғулот мақсади: «Болаларни мактабга тайёрлаш» модули доирасидаги ютуқлар ва инновациялар билан танишиши.

Машғулотни ўтказиш тартиби: Тажрибали профессор-педагог ёки мутахассис фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасасининг мактабгача таълим йўналишидаги дарс- машғулотларини кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашишади. «Болаларни мактабга тайёрлашнинг замонавий технологиялари» мавзуси бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этишади.

Кўчма машғулот «Болаларни мактабга тайёрлаш» модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-педагоглар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларда ташкил этилади.

Кўчма машғулот гуруҳ журналига қайт этилиб ОТМ тегишли факультет томонидан тасдиқланади.

Машғулот мазмуни:

Таянч тушунчалар: *машғулот, ривожлантириш, такомиллаштириш, тизим, узвийлик, мазмун, методика, шакллантириш.*

Ўзбекистон Республикасида болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасалари ва оила олдида турган муаммолар. Мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифалари. Давлат талабларида мактабгача таълим-тарбиянинг мазмуни. Болаларни мактабга тайёрлаш фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия ишини давр талаби эканлиги. Мактабгача таълим муассасасида болаларни ривожлантириш боскичлари. Мактабгача таълим муассасасида Давлат талаблари асосида болаларни мактабга тайёрлаш. Мактабга тайёр болага қўйиладиган давлат талаблари. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мактабгача таълим. Мактабгача таълим тўғрисидаги Низомда мактабгача таълим вазифалари. Мактабгача таълимни ташкил этиш ва мактабгача таълим турига педагогик кадрларни тайёрлаш масалалари. Мактабгача тарбия концепцияси мазмуни. Мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий етуклигига қўйиладиган давлат талаблари. Мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий жиҳатдан етуклигига қўйиладиган минимал талаблар. Болаларнинг маънавий камолотини тарбиялашда оила ва маҳалланинг роли.

Боланинг мактаб таълимига тайёрлиги тушунчаси.

Болаларни мактаб таълимига тайёргарлиги. Боланинг мактабга психологик тайёрлиги. Умумий тайёргарлик. Болани мактабда ўқишига ахлокий-иродавий тайёргарлик. Болани мактабда ўқишига ақлий тайёргарлик.

Бола мактабда ўқишига жисмоний тайёргарлиги. Болаларни мактаб таълимига ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари. Жисмоний ривожланганлик даражаси; Нутқ ва тафаккури ривожланганлик даражаси. Маънавий маданий етуклик. Интеллектуал (ақлий) тайёргарлик. Шахсий ва ижтимоий психологик тайёргарлик. Болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.

Боланинг мактаб таълимига тайёрлиги таҳлили.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлигини ташхислаш усуллари. Болаларни мактаб режимига тайёргарлиги. Боланинг нормал ривожланиши. 6 ёшли боланинг тахминий кундалик режими. Болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тайёргарлик. МТМ си гуруҳларидаги болаларга таълим-тарбия беришнинг мақсад ва вазифалари. МТМда тарбияланаётган болаларнинг ақлий ривожланишини аниқлаш ва мустахкамлаш. Ақлий ривожланишни аниқлаш машғулоти. Дидактик (сенсор) машғулоти, ўйинлар. МТМнинг турли ёш гуруҳларида болаларни мактаб таълимига жисмоний томондан тайёргарлигини аниқлаш. Болаларни мактабга тайёрлашда тиббиёт ходимлари ишининг ахамияти. Болани мактабга тайёрлашда тиббий кўрикнинг ахамияти. Мактабгача ёшдаги болаларни уйда соғломлаштириш. МТМдаги мактабгача ёшдаги болаларни тиббий, психологик-педагогик кузатув дафтари.

Болани мактаб таълимига тайёрлашга таъсир этувчи омиллар.

Болани мактабга тайёрлашда оилани ва МТМнинг ўрни. Болаларни мактабга тайёрлашда машғулотнинг ўрни. Болани мактабга тайёрлашда оилани ўрни. МТМсининг ўрни. Боланинг ақлий ривожланганлиги. Болани мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасасининг таъсири. Оилада болани мактаб таълимига тайёрлашнинг метод ва усуллари. МТМ ва ота-оналар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг мазмун ва моҳияти. МТМда машғулотнинг ўрни. Машғулоти турлари. Машғулоти давомида тарбиянинг ўрни. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда машғулоти-ўқитишнинг ташкил этиш шакли.

Тарбиячилар илғор иш тажрибаларни ўрганиш жараёнида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштиради, касбий сифатларини оширади, замонавий машғулоти ўқитишнинг метод ва усуллари билан танишади, ишланмаларидан фойдаланади. Мутахассислик модулларидан очиқ машғулоти кузатади, муҳокама қилади. Очиқ, кўргазмали, намунавий машғулоти ва уларга қўйилган талаблар асосида таҳлил қилинади.

Машғулоти баҳолаш мезонлари:

1. Машғулоти мазмунининг дастур талаблари ва режага мослиги;
2. Машғулоти ишланмасига ижодий ёндашилганлиги;
3. Машғулотига тайёргарлик (гигиеник шароитлар, тарқатма ва кўргазмали материалларни танланиши, жиҳозларнинг ўз ўрнида жойланиши, болалар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги);
4. Санитар-гигиеник талаблар (болаларни стол атрофида ишлаш вақтида қоматларини тўғри тутишини назорат қилиш, ҳаракат фаоллиги: жисмоний дақиқалар, динамик паузалар; машғулоти давомида болаларнинг жойлашини тўғри танлаш: стол атрофида ярим доира бўлиб, гиламда тик туриб, машғулоти давоимийлиги);

5. Машғулот қисмларининг сони ва ҳар бир қисм давомийлиги;
6. Болаларнинг машғулотдаги иштироки:
 - сўз бойлигини ошириш даражаси
 - жавобларни мантиқан тўғри тузиш
 - ҳаракатларни тўғри тузилиши;
7. Болалар билан ишлаш усуллари: ўйин, оғзаки, кўргазмали, амалий;
8. Болалар билан яққа ишлаш;
9. Тарбиячи томонидан болалар ишларини баҳолаш:
10. Тарбиячи маҳорати: билим даражаси, болаларда мотивация уйғота олиши, интерфаол методлардан фойдаланиши, болалар жамоасини бошқара олиши, нутқининг раволиги ва ифодалилиги.

Намунавий машғулот
(Ўрта ва катта гуруҳлар учун)

**Қувонч бахш эта оладиган таълимгина,
юқори самаралидир**

Мавзу: **"Болага йуналтирилган таълим"**

Мақсад: Ўзгаришларни қабул қилиш ва уни амалга оширишга ўргатиш;

Танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш;

Танлаш имкониятини яратиш ва уни амалга ошириш;

Муаммоларни тўғри аниқлаш ва ҳал этиш;

Ижод ва ихтирочиликни шакллантириш, намоён этиш;

Болаларни инсон, жамият, мамлакат, атроф-муҳит тўғрисида ғамхўрлик қилишга одатлантириш.



Эътибор қаратилади: Эртақ қаҳрамонларининг расмлари. Она сичқон, сичқонча, товук, ўрдак, бақа, балиқ ва мушук расмлари.

Машғулотнинг бориши:

«Болага йуналтирилган таълим» бу нима? – Бу қизиқиш билан таълим олишдир!

Л.Виготский, Ж. Пиаже, Э. Эриксон, М.Монтессори ва бошқа буюк олимларнинг бутун дунёга машҳур услубий назариялари асосидаги энг илгор педагогик технологиядир.

«Болага йўналтирилган таълим» дастурининг фалсафаси

Ота- оналар ўз фарзандларининг биринчи мураббийлари ва адвокатларидир.



Болалар қачонки ҳақиқий таълим жараёнига жалб этилган бўлсаларгина, энг яхши тарзда ривожланадилар.

«Болага йўналтирилган таълим» дастури:

- Бу 0 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар, уларнинг ота оналари ва педагоглар учун оригинал (ноёб) дастурдир;
- Бу жўшқин ўзгарувчан ривожлантирувчи муҳит бўлиб, ҳар бир бола учун таълимнинг ўзига хос шaroитларини яратади;
- Тарбиячилар болаларнинг ёрдамчиларига айланадилар, ривожлантирувчи муҳитни яратадилар ва индивидуал ёндашишни таъминлайдилар;
- Болаларга фаолият турларини танлаш, муаммоларни ҳал этиш, ўзаро муносабатларни ўрнатиш имконияти яратилади;
- Таълим жараёнида ота оналарнинг иштироки таъминланади;
- Ҳар бир боланинг таълимга бўлган эҳтиёжи қондирилади;
- Ҳар хил миллат вакиллари ва уларнинг маданият, урф-одат, анъаналарига ҳурмат ҳисси шакллантирилади.

«Болага йўналтирилган таълим» дастурининг уч кити:

<p><u>Қуриш- яшаш малакаларини шакллантириш</u> Болалар оламни шахсан ўзлари тушунган ҳолда қуриб ясайдилар</p>	<p><u>Ривожланишнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш</u> Ҳар бир бола интидорли ноёб ва ягонадир</p>
	
<p><u>Прогрессив (илгор)таълимни қўллаш</u> Асосий диққат эътибор гуруҳда ҳар бир боланинг қобилиятига, ўсишига, унинг қизиқишига қаратилади, шу билан бир қаторда кичик гуруҳларда болаларга билим берилади</p>	

Фаоллик марказлари

«Болага йўналтирилган таълим» дастури бўйича иш олиб борилаётган гуруҳларда таълим –тарбия жараёни шундай тарзда ташкил этиладики, у болага мустақил танлаш имконини беради. Ҳар бир гуруҳ хонаси бир неча марказларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирида изланиш ва ўйинлар учун етарли

миқдордаги материаллар тўпланади. Турли гуруҳларда марказлар сони турлича бўлиши мумкин, бироқ, қуйида рўйхати келтирилган марказлар деярли барча гуруҳларда ташиқил этилади. Уларга қийдагилар киради:

Ижодий фаолият

Қурилиш

Пазандалиқ

Сахналаштириш

Адабиёт (китоб бурчаги, саводхонлик маркази)

Математика (манипулятив ўйинлар)

Музиқа

Очиқ майдонча

Қум ва сув

Табиатшунослиқ

Ижодий фаолият маркази

Болаларнинг ўз ижод қобилиятларини синовдан ўтказиш ва амалга оширишга ундайди, уларга қувонч, ҳаяжон ва қониқиш ҳисларини бахш этади. У турли функцияларни бажаради ва энг аввало болаларнинг қизиқувчанлиги, тасавури ва ташаббусига озиқ беради. Бу ерда бўёқ, қоғоз, қайчи, бўрчалар, рангли қаламлар, газлама бўлақлари ва кесиш ҳамда елимлаш учун барча қийқимлар йиғилади. Шунингдек, табиат материаллари – дарахт, барг, қум-тупроқни ҳамқўшиб қўйиш фойдадан холи эмас. Ушбу марказдаги машғулотлар ижодий қобилият, сўз орқали ва сўзсиз мулоқот, умумий ва нозик ҳаракатланиш, ақлий қобилиятни ривожлантиришга йўналтирилади.



Қурилиш маркази

Болалар турли катталиқдаги ва шаклдаги конструктор блокларидан фойдаланган ҳолда биргалиқда ёки айрим ҳолда ўйнайдилар.

Қурилиш маркази болаларга бинолар қуриш, баландлик нима, оғирлик нима эканлигини англаш имконини беради. У болаларнинг математик қобилиятларини ривожлантиришга, ижтимоий кўникмаларни ҳосил қилишларига ёрдамлашади, муаммоларни ҳал этиш тажрибасини беради. Бу ерда, шунингдек, ижодий ёндашишни намоёниш этиш ва бажариладиган ишга диққатни жалб этишни ўрганиш мумкин. Ушбу марказга тарбиячилар, болалар ва ота – оналар истак-хоҳиши билан кўплаб турли нарсаларни – ўйинчоқ машиналар, юк машиналари, одамлар ва ҳайвонларнинг шаклчалари, самолётлар, газлама бўлақларини тўплаш мумкин.



Пазандалик маркази

Болаларга айрим нарсаларнинг хоссаларини текшириш, озиқ- овқат маҳсулотларининг таркибини аниқлаш, янги овқатларни таътиб кўриш, шу жумладан уларни ўзлари тайёрлашлари, янги математик тушунчалар, масалан, ўлчов тушунчаси билан танишиш имконини беради. Биргалиқдаги пазандалик машғулотлари ўзаро муносабатларни яхшилаш, бошқалар билан фикр алмашишга ўргатади, командада ишлаш имкониятини яратади. Тарбиячилар болалар билан ранглар, сонлар, шакллар тўғрисида, овқатланиш маданияти, табиатшунослиқ ҳақида фикрлашиб олишлари мумкин. Пазандалик болаларга жонли ҳаётий тажрибаларни беради.



Саҳналаштириш маркази

Болалар ўз ижодларини намойиш этишлари учун имконият яратилади. Болаларда сахначаларни ўйнашга хоҳиш-истак уйғотиш учун зарур бўлган чиройли кийимлар ва бошқа ҳар хил қўлда ясалган костюмлардан фойдаланиш мумкин. Марказга нарсаларни тарбиячилар ота - оналар ёрдамида танлайдилар. Улар бу нарсаларни иш режасига кўра, бир ҳафтага «кир ювиш» ўйини учун, бошқа ҳафтага «космонавтлар» ёки «цирк» ўйини учун, учинчи ҳафтага ҳайвонларга қараш ўйини учун реквизит сифатида таклиф этишлари мумкин. Реквизитлар болаларнинг қизиқишлари асосида танланади.



Адабиёт маркази

Болалар илк бор саводхонликка ўргатилади. Ушбу марказда китоблар, эшитиш ҳамда ёзиш учун ўқув қуроллари мавжуд бўлади. Бу тинч бурчак бўлиб, унда болалар китобларни кўриб чиқишлари, бир-бирларига ўқиб беришлари мумкин, шунингдек, бу ерда тарбиячи ёки кўнгилли ёрдамчи болаларга китобни овоз чиқариб ўқиб бериши мумкин. Адабиёт маркази «Болага йўналтирилган таълим» дастурида ўқув кунининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Болаларга китобчаларни ўз қўллари билан ясаш, мавзу (сюжет) ларни ўйлаш ва ўйнаш, ҳикоялар эшитиш таклиф этилади.



Математика маркази

Болаларга илк математик кўникмалар берилади. Болалар мустақкам ,фойдали математик билимларни ўзларини ўраб турган дунёдан оладилар. Ушбу марказда бошқотирма ва конструктор каби болалар йиғиши ва сочиб ташлаши мумкин бўлган нарсалар тўпланadi. Бу ерда, шунингдек, болаларнинг бир хилда таққослашлари, турлича таснифлашлари, санашлари учун ёрдам берадиган ўйинлар ҳам бўлиши керак. Бундай материаллар ҳам ақлий қобилиятни ўстиради, ҳам нозик ҳаракатланишни ривожлантиради, ҳам ўзини бошқаришни ўргатади. Материаллар билан ўртоқлашиш, келишиш ва муаммоларни ҳал этиш зарурати ижтимоий кўникмалар ривожланишига олиб келади.



Музиқа маркази

Болаларга завқ баҳш этади, уларни тинчлантиради ва ҳиссиётнинг ривожланишига кўмаклашади. Ушбу марказдан бутун кун давомида машғулотларни бирлаштириш учун фойдаланиш мумкин. Куйлаш, ҳаракатлар, қарсак чалиш, ўйинлар, музиқа асбобларида ўйнаш ва ёзилган куй-қўшиқларни тинглаш ҳар қандай дастурни яхшигина тўлдиради. Музиқавий машғулотлар зеҳни тезлайди, ритмга, санашга ўргатади ва нутқни ривожлантиради; умумий ва нозик ҳаракатланишни (моторикани) мустақкамлайди ва ижодий қобилиятни намоиш этишга имкон беради.



Қум ва сув маркази

Болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради. Ушбу марказ гуруҳдаги махсус стол ёки очиқ майдончада ташкил этилган қум уюмидир, бу нарса болаларга билим орттиришга мўлжалланган ўйинлар учун, сезиш органларидан фойдаланиш учун ажойиб имкониятлар беради. Болалар ушбу табиат материалларини ўрганиш давомида ижод қиладилар, фикрлайдилар, ўзаро ўртоқлашадилар. Улар умумий ва нозик ҳаракатларни мустаҳкамлайдилар. Бунда хокандозча, турли сузгич, қадокчалар ва челакчалар бўлиши лозим. Шундай қилиб, математик ва табиий-илмий тушунчалар шаклланади, ижодий фикрлаш рағбатлантирилади.



Машғулот якунида тарбиячи болалар билан суҳбатлашиб мувзунни мустаҳкамлайди ва таълимий ўйин ўйнайдилар.

Назорат саволлари

1. **«Болага йуналтирилган таълим» бу нима?**
2. Болаларни марказлар билан таништиришда қайси методлар энг қулай деб ҳисоблайсиз?
3. Диалогик нутқни шакллантиришга доир машғулотлар қайси методлар асосида ўтказилади?
4. Болаларнинг қизиқишларни қандай ривожлантириш мумкин?
5. Дидактик жараёни ташкил қилишда тарбиячининг роли қандай?

КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс. Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 9 июндаги «Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги 5-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 2017 йил 17 июль куни Адлия вазирлиги томонидан № 2898-сон буйруғининг мазмуни, мақсадини атрофлича ёритиб беринг.

Топшириқ: Ушбу қарорнинг қабул қилинишига нима сабаб бўлди?

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

2-Кейс. баёни. Мажлисида тарбияланувчининг онаси сўз олиб, тарбиячига: «Менинг ўғлим – Хуршид ҳеч қачон МТМда ташкил этиладиган тадбирларда қатнашмайди, шеърлар ўқимайди, рақс тушмайди. Айтинг-чи, нима учун сиз уни эътибордан четда қолдирасиз?» – деди.

Кейс саволи. Сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлади?

Манба: «Педагогика», «Мулоқот этикаси», «Нутқ ўстириш методикаси» «Мулоқот психологияси» бўйича манбалар.

Таҳлил: тарбиячи ўз хатти-ҳаракатларини асослай олмаса, ота-оналарнинг олдида обрўси тушади. Қолаверса, ҳақиқатдан ҳам тардбирларда имкон қадар барча болаларнинг иштирокини таъминлаш учун муҳит ярата олиши керак.

Педагогнинг ечими: тарбиячи боланинг онасидан узр сўраган ҳолда, «Буни Сизларга аввалдан маълум қилмоқчи эдим. Мен шартли равишда гуруҳ тарбияланувчиларини маълум гуруҳларга ажратиб олганман. Маълум вақтда тадбирларда дастлаб 1-гуруҳ, кейин 2-гуруҳ, сўнгра 3-гуруҳнинг аъзолари иштирок этишади. Бизнинг фарзандингиз ...(2 -3)-гуруҳда кейинги тадбирларда унинг иштироки таъминланади», - дейиши юзага келган ноқулай ҳолатни бартараф этади.

3-Кейс баёни. Мактабгача таълим муассасида бадий адабиёт билан таништириш машғулотида ананавий ва ноананавий таълим технолгиялари афзаллик ёки камчиликлари

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Мактабгача таълим муассасида бадий адабиёт билан таништириш	Анъанавий таълим технолгияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ	Ноанъанавий таълим технолгияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни

<p>машғулотларини сифат ва самарадорлигини оширишда ананавий ва ноананавий таълим технолгиялари афзаллик ёки камчиликлари</p>	<p>тарбиячи шахсига қаратилган бўлиб, машғулотнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.</p> <p>Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида бола шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.</p>	<p>марказида таълим олувчи шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.</p>
---	--	--

4-Кейс баёни. Иш куни тугади. Фаррух (4 ёшли тарбияланувчи)нинг уйидан уни олиб кетиш учун ҳеч ким келмади. Навбатчилик вақтингиз тугашидан бир ярим соат ўтгач, Фаррухни олиб кетиш учун унинг дадаси келди. Бироқ, у маст эди. Тарбиячи ҳам уйига кечикмоқда. Қолаверса, уйигача йўл узок.

Кейс саволи. Тарбиячининг ўрнида Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

Манба: «Мактабгача таълим педагогикаси, «Мактабгача таълим психологияси» фанлари бўйича материаллар.

Таҳлил: Маст ҳолдаги кишига тарбияланувчини топшириб бўлмайди. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам Фаррухни унинг дадаси билан қолдириб кета олмайди.

Педагогнинг ечими: Фаррухни боғча жойлашган худудидаги «Кўриқлов таянч бўлими» ёки «Маҳалла фуқаролари Кенгаши» идорасида қолдириши лозим.

5-Кейс баёни. Нодир (5 ёшли тарбияланувчи)ни олиб кетиш учун болалар боғчасига унинг дадаси келди. Дадасини кўрган Нодир болаларни ура бошлади. Дадаси эса: «Баракалла, ўғлим! Уларга қандай эркак эканлигингни кўрсатиб қўй!», - деб уни руҳлантирди.

Кейс саволи. Бундай вазиятда Сиз қандай йўл тутасиз?

Манба: «Мактабгача таълим педагогикаси», «Мактабгача таълим психологияси» фанлари бўйича материаллар.

Таҳлил: Катталар ҳеч қачон бошқаларга нисбатан зўрлик, зўравонликни тарғиб қилмасликлари керак. Қолаверса, бошқаларга зўравонлик қилиш «еркаклик» белгиси саналмайди. Бу вазият отанинг маънавияти қашшоқ эканлигини кўрсатади.

Педагогнинг ечими: тарбиячининг «Биз Нодирнинг қанчалик кучли эканлигини биламиз. Аммо у ўз кучини бошқаларни уриш учун сарфламаслиги керак. Эртага мен бир эртақ мисолида кучни нималарга сарфлаш кераклигини айтиб бераман. Ҳозир эса, менимча, Нодир ўз ўртоқларидан кечирим сўраса, у ўзини ҳақиқатдан кучли эканлигини исботлайди. Амакингиз сизларни қандай кучга эгаликларингизни синаб кўрмоқчи бўлдилар» қабилида йўл тутиши мақсадга мувофиқдир.

6-Кейс топшириғи: Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳоси	Муомолар ечими
					Машғулот мавзусини белгилаш
					Машғулотнинг режасини тузиш
					Машғулотнинг мақсадини белгилаш
					Машғулотнинг мазмунини танлаш
					Машғулот ўтказиладиган жойни жихозлаш ҳамда керакли техникани тайёрлаш
					Машғулотни бошлаш йўлини танлаш ва унинг ишланмасини ёзиш
					Машғулотни вақтларга бўлиш
					Бўлажак машғулотнинг энг қизиқарли, таъсирли нуқталарини танлаш
					Ўтказилган машғулотнинг якуний таҳлили ва кейинги машғулотга тайёргарлик

7-Кейс баёни. Фазлиддин жисмоний заиф. Мактабгача таълим муассасаларида болалар доим унинг устидан кулишади, мазах қилишади. Тарбиячи ундан бирор нарсани сўраса ёки шеърни ёдлаб, айтиб беришни айтса, у хаяжон ва кўрқувдан тутилиб-тутилиб гапиради. Тарбиячи унинг бу ҳолатини

салбий қабул қилади ва Фазлиддинга шундай дейди: «Ўтир, сенга бирор-бир топшириқ ҳам бериб бўлмайди. Бундай ҳолатда эртага ким бўласан?»

1. Тарбиячи тарбиянинг қандай тамойилини бузяпти?
2. Сизнингча, тарбиячи бу вазиятда қандай йўл тутиши керак?

Манба: «Мактабгача таълим педагогикаси», «Мактабгача таълим психологияси» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма ва материаллар.

Таҳлил: 1. Одатда жисмонан заиф, тенгдошлари томонидан камситиладиган болалар катталарнинг ёрдами, кўмагига муҳтож бўлишади. Акс ҳолда, улар ўз нуқсонларидан уялиш оқибатида, ўзига ишончсиз, журъатсиз ва атрофдагиларга аламли муносабатда бўладиган шахс бўлиб етишади.

2. Кўп ҳолларда болалар заиф тенгдошларининг устидан кулишга мойил бўлишади. Бу уларнинг оилада ва микромуҳитда олаётган тарбияси билан боғлиқ. Болаларга ёшлиқдан оқ заиф тенгдошлари устидан кулиш эмас, аксинча, унга ёрдам бериш кераклигини уқтириб бориш зарур. Акс ҳолда улар келгусида худбин ва шавқатсиз инсон бўлиб етишишлари мумкин.

Педагогнинг ечими: тарбиячи Фазлиддиннинг нуқсонига салбий муносабатда бўлмай, аксинча, гуруҳда дўстона муносабат ва ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган муҳитни шакллантириши зарур. У Фазлиддинни қўллаб-қувватлаши, унга далда бериши, ҳар бир муваффақияти учун уни рағбатлантира олиши лозим. Қолаверса, тарбиячи Фазлиддиннинг нуқсонини инобатга олган ҳолда унга кўпроқ нутқ билан боғлиқ бўлмаган, уни қизиқтира оладиган бошқа амалий топшириқлар (м: пластилиндан, қийқимлардан, лойдан турли буюмлар ясаш, расмлар чизиш кабилар)ни бериши керак. Бу каби вазифалар Фазлиддинга ўз қобилиятини намоён қилиш учун имконият яратади. Балки у бутунлай заиф эмасдир?

8-Кейс баёни. Эртақ ва ҳикояларни болалар кўпинча ўзларининг ижодий ролли ўйинларида саҳналаштирадилар, бу ўйинларда болалар эртақни саҳналаштиришни жуда севадилар.

Кейс саволи. Тулки, сичқон, хўроз, қуён каби персонажларни ўйинларда акс эттирадилар. Болалар билан суҳбатлаша туриб, тарбиячи ҳикоя ёки эртақ қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилади. Ҳар хил шеър, эртақ қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятлари мана шундай ўрганилади.

Манба: «Шолғом», «Бўғирсоқ», «Тулки, хўроз ва қуён» каби

Таҳлил: Саҳналаштириш ишини қуйдаги босқичлар бўйича ўтказиш мумкин:

1-босқич. Адабиётларни танлаш. Саҳналаштириш учун адабиёт танлаганда қуйдаги талабга риоя қилиш керак:

1. Эртақ, ҳикоя ёки шеърда катнашувчилар кўп бўлиши керак.
2. Асарда мазмун яхши бўлиб қолмасдан, ҳаракатларнинг хили ҳам кўп бўлиши керак.

3. Асар ифодали ўқишга мос келиши шарт.
4. Мазмуни қизиқарли бўлиши керак.
5. Асар болаларнинг ёшига мос келиши керак.

2-босқич. Саҳналаштириши учун танланган ҳикоя, шеър ёки эртакнинг мазмунини ўқиб бериш ёки кўғирчоқ, соя театрида кўрсатиш орқали таништирилади.

3-босқич. Эслаб қолиш. Асарни болалар эслаб қолишлари учун уни қайта ўқиб бериш, постановка кўрсатиш, расмлар номойиш этиш, дидактик ўйинлардан фойдаланилади.

4-босқич. Ўйин қизиқарли ўтиши ва узоқ давом этиши учун ўйинга керакли материаллар, кийимлар таёрлаб бериш ва шу билан бирга тўғри раҳбарлик қилиш керак.

Ўқитувчининг ечими: Бу ишни тарбиячи бажаради, катта гуруҳда эса тарбиячи ёрдамида у билан биргаликда болалар бажаришади. Тарбиячи бир қанча эртакка доир расмлар кўрсатади.

9-Кейс баёни. Мактабгача таълим муассасасининг мудир Хилола Бахтияровна мактабгача катта ёшидаги болалар гуруҳига ташриф буюриб, тарбиячига: «Машғулоти ёмон ўтказмадингиз, бироқ, методик хатолар кўп. Сизни кичик тарбиячи лавозимига ўтказиш керак», – деб эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Кейс саволи. Сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлади?

Манба: Ўзбекистон Республикасида «Давлат мактабгача Таълим муассасаси тўғрисида»ги Низом, «Мактабгача таълим «Болажон» таянч дастури, «Мактабгача таълим педагогикаси», «Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси».

Таҳлил: тарбиячининг фаолияти биргина машғулоти билан баҳоланмайди. Қолаверса, машғулотнинг сифати бир неча мезонлар асосида, белгиланган тартибда чуқур таҳлил этилиши лозим.

Ўқитувчининг ечими: МТМ раҳбари муомала қоидаларига зид иш тутди. Машғулотнинг ташкил этилиши МТМ жамоаси орасида муҳокама қилиниши, йўл қўйилган хатолар аниқ кўрсатилиши лозим. Лавозимни пасайтириш эса тарбиячининг хатти-ҳаракати асосли бўлганидагина амалга оширилади.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ**

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ:

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

1. Мактабгача педагогика фанининг мақсад ва вазифалари
2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши ва таълим тарбияси
3. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари
4. Ўзбекистон республикасида Халқ таълими тизими. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни
5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим Концепсияси
6. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишида «Болажон» дастурининг аҳамияти.
7. Тарбия ижтимоий ҳодиса ва педагогик жараён эканлиги.
8. Тарбия турлари ва уларнинг шахс камолотига тасири.
9. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси.
10. Ўзбекистон республикаси Давлат МТ тўғрисидаги Низом
11. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиясининг асоосий вазифалари, воситалари.
12. Ақлий тарбия
13. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришнинг ўзига ҳослиги
14. Экскурсия-мактабгача ёшдаги болаларни ақлий жиҳатдан тарбиялаш шакли.
15. Машғулот-мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришнинг асоосий шакли.
16. Мактабгача таълимга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар таҳлили.
17. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари
18. «Болажон» дастуриасосида МТМни ёшгурухларидаги фаолиятлар таҳлили
19. Тарбия жараёнини замонавий ташкил этишнинг ўзига ҳосликлари.
20. Мактабгача тарбия ёшдаги болалар фаолиятидан ташкил этишда тарбиячининг ўрни
21. Мактабгача таълим – узлуксиз таълимнинг алоҳида тури сифатида
22. Мактабгача ёшдаги болаларни муҳит тағсирида тарбиялаш.
23. Болаларни ватанъарварлик руҳида тарбиялашда МТМнинг ўрни.
24. Миллий халқ ўйинлари асосида болаларда одоб-ахлоқни ўргатиш.
25. Қуриш ўйинлари асосида меҳнатсеварлик тарбияси.

26. Машғулотларни ташкил этишнинг педагогиктехнологиялари.

27. Боғчада эстетик тарбия.

28. МТМда жисмоний тарбияни ташкил этишда миллий қадриятлардан фойдаланиш.

29. Болалар рухиятини ўрганишнинг педагогикасослари.

30. Халқ оғзаки ижодиётида ўртоқлик дўстлик тарбияси.

31. Ўйин воситасида фидойилик тарбияси.

32. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга ақлий тарбиябериш усул ва ва йўллари.

33. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахсини баркамол қилиб тарбиялашда миллий усул одатларидан фойдаланиш.

34. Болаларни катталар намунасида тарбияш.

35. Бола тарбиясида оиланинг ўрини ҳақида мутафаккирлар таълимоти

36. Мактабгача ёшидаги болаларни ривожланиши ва мактабга тайёрлаш дастури

Мустақил ўзлаштирилган мавзулар бўйича таълим олувчилар томонидан рефератлар ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

ГЛОССАРИЙ

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

Дидактик тизим – (юнонча «система» – яхлит, қисмларда ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнинг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш.

Дидактик ўйин – ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида боланинг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

Ёш хусусиятлари – муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар.

Жамоа – (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ каби маъноларни англатади) – бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ.

Жамоа анъаналари – жамоа аъзолари томонидан бирдек қўллаб-қувватланувчи барқарорлашган одат.

Жисмоний тарбия – болаларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан муҳофазасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.

Идрок – аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни.

Ижтимоий адаптация (юнонча адапто – мослашиш) – аномал болалар индивидуал ёки гуруҳли хулқларининг ижтимоий қадриятлар ва хулқ-атвор қоидалари тизимига мос келиши.

Ижтимоийлашув – ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

Изоҳлаш – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули.

Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиладиган асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

Иқтисодий тарбия – болаларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Иқтисодий таълим – болаларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Индивид - (лотинча «индивидуум» бўлинмас, ягона, алоҳида деган маъноларни англатади) – хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта олувчи биологик мавжудот.

Индивидуаллик – шахснинг ўзига хос хусусиятлари.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини акс эттирувчи андоза, лойиҳа. Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

Коррекция (юнонча «соррестио» - тузатиш) – педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш.

Кўникма – олинган билимларга асосланиб қўйилган вазифалар ва шартларга биноан бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси.

Кўргазмали методлар – предмет, ҳодиса ёки жараёнлар моҳиятини табиий ҳолатда намоёиш қилиш, уларнинг макетларини кўрсатишда қўлланилувчи усуллар.

Лойиҳалаштириш (режалаштириш) – болаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш.

Маданият («култура» сўздан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Мазмун (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида бола томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий кўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуллари тизими.

Мактабгача таълим – боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминловчи, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотувчи, уни мунтазам таълим олишга тайёрловчи ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилувчи таълим босқичи.

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

Малака онгли хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми.

Материални оғзаки баён қилиш методлари – ўқув материалнинг моҳиятини оғзаки (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси каби шаклларда) ёритишда қўлланилувчи усуллар.

Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари – муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуллари.

Маълумот таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

Метод юнонча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маъноларни англатади.

Методика (фан сифатида) – хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганеди.

Узлуксиз таълим – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент 1997й.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Тошкент 1997й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 2016.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. 2017.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги. ПФ-5198-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308 сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли қарори. 2016 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори. 2017 йил.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3305-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июльдаги «Мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарори
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрьдаги «Мақтабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 929-сонли Қарори
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда

нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 991-сонли Қарори.

17. Мирзиёев Ш.М. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз» мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

18. Мирзиёев Ш.М. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови» мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

19. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон. – 2017.

20. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

21. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

22. Мирзиёев Ш.М. «Конституция– эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришни мустақам пойдеворидир» мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

23. «Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари» Т.: 2017

24. Edited by Mary Rafferty «A brief review of approaches to oral language development» -USA, 2014.

25. Асқарова М. Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш. –Т.: Ўзбекистон, 2001.

26. Бабаева Д.Р. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси. Дарслик. –Т.: ТДПУ, 2018.

27. Бабаева Д.Р. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси. Ўқув қўлланма.- Т.: ТДПУ, 2017.

28. Қодирова Ф.Р. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси руҳий омиллари. -Т.: Истиклол, 2006.

29. Қодирова Ф.Р. Болаларни чет тилга ўргатиш назарияси ва методикаси. - Т.: Сано-стандарт, 2009.

30. Қодирова Ф.Р. Нутқ ўстириш методикаси. ЎУМ (электрон). -Т., 2012.

31. <http://www.edu.uz>–Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.

32. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.

33. www.mdo.uz – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги сайти.
34. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.
35. <http://www.gov.uz>– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
36. <http://www.lex.uz>– Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.